

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

География факультети

**“Ижтимоий география, минтақавий иқтисодиёт ва демография”
кафедраси**



География факультети география йўналиши 3-курс талабалари учун
“Ўзбекистон Республикаси минтақавий сиёсати”
фанидан

Ўқув - услубий мажмуа

Тошкент - 2012

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**География факультети
“Ижтимоий география, минтақавий иқтисодиёт ва демография”
кафедраси**

**“Ўзбекистон Республикаси минтақавий сиёсати”
фани бўйича**

И Ш Ч И Ў Қ У В Д А С Т У Р И

**Билим соҳаси –
Таълим соҳаси –
Таълим йўналиши – География**

ТОШКЕНТ-2012

“Ўзбекистон Республикаси минтақавий сиёсати”

фани бўйича

ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ

Умумий ўқув соати - 80

Шу жумладан:

- Маъруза – 20
- Амалий машғулот – 25
- Рейтинг – 33
- Маслаҳат - 2

Фаннинг ишчи ўқув дастури Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети География факультети “Ижтимоий география, минтақавий иқтисодиёт ва демография” кафедрасининг 2011 йил “26” августдаги № 1-сон мажлисида муҳокама этилди ва маъқулланди.

Тузувчи:

Г. ф.д. профессор А. С. Солиев

Ўқитувчи: Ш. Б. Қурбонов

Фаннинг ишчи ўқув дастури География факультети Илмий кенгашининг 2011 йил « 29 » августдаги № 1-сон қарори билан тасдиқланди.

Кириш

Ўзбекистон Республикасини сиёсий мустақилликка эришуви, миллий иқтисодий мустақамланиши шароитида ишлаб чиқариш кучларини тартибга солиш ва мақсадли жойлаштириш долзарб масалалардан бири эканлиги. Ўзбекистон Республикаси минтақавий сиёсати фанининг объекти, предмети, мақсади, мазмуни ва моҳияти, унинг назарий ва услубий асослари. Иқтисодий географияни ўрганиш жараёнида ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таҳлил қилиш, минтақаларни ривожлантириш чора тадбирлари, дастурларини ўрганиш, иқтисодий география ва минтақавий сиёсатнинг ўзаро алоқадорлиги.

Минтақавий сиёсат ва геосиёсат.

Давлатнинг минтақавий сиёсати, унинг зарурлиги, моҳияти, тамойиллари ҳамда геосиёсат ўртасидаги ўхшашликлар. Геосиёсатнинг тарихан вужудга келиши, унинг анъанавий ва ҳозирги замон талқини. Минтақавий сиёсатнинг ҳудудий сиёсатдан фарқи. Сиёсий география ва геосиёсат. Ю. Челлен, Ф. Ратцелнинг геосиёсат ҳақидаги ғоялари. А. Гитлернинг реакцион геосиёсати.

Иқтисодий районлаштириш ва минтақавий сиёсат

Иқтисодий районлаштириш – минтақавий сиёсатнинг назарий асоси эканлиги: турли хил хўжаликларнинг ҳудудий таркиблари, уларнинг минтақавий сиёсатни объекти сифатида хизмат қилиши (тоғ ва текислик районлар, чўл ва воҳа минтақалари, шаҳар ва қишлоқ жойлар, дарё ҳавзалари, маъмурий район ва вилоятлар). Республикамизни иқтисодий районлаштириш тарихи, иқтисодий районларга ажратишдаги асосий мезонлар.

Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар минтақавий сиёсати

Ривожланган мамлакатларнинг асосий иқтисодий кўрсаткичлари, уларнинг минтақавий сиёсати. АҚШ, Франция, Англия, Германия, Япония минтақавий сиёсати. Пойтахт шаҳарлар ва уларнинг ҳаддан ташқари йириклашувини олдини олиш, тартибга солиш масалалари (Париж, Лондон мисолида). Урбанизация ва экологик муаммолар. Ривожланаётган мамлакатларнинг ўзига хос минтақаларни ривожлантириш дастурлари. Табиий ресурслар ва ишчи кучидан фойдаланиш масалалари. Бразилия, Аргентина, Чили, Австралия, “Кичик Осиё аждаҳолари” мамлакатлари.

Собиқ Иттифок минтақавий сиёсати

Собиқ Иттифокда иқтисодий районлаштириш масалалари. Макрорайонлаштириш, мезоиктисодий районлаштириш. Ўзбекистонга қаратилган минтақавий дастурлар. Пахтачиликка қаратилган дастурлар. Республикамизда дон, ёқилғи ва йўл мустақиллиги, уларнинг мамлакатимиз миллий иқтисодийида тутган ўрни. Ўзбекистон Республикасининг геосиёсий мавқеи, жаҳон бозорига чиқиш имкониятлари ва йўллари.

Ўзбекистон Республикаси хўжалигининг ҳудудий таркиби ва шаҳарлар ривожланиши

Мамлакат иқтисодиётининг ҳудудий таркиби, ижтимоий-иқтисодий ривожланишдаги асосий омиллар. Ҳудудий меҳнат тақсимоли роли. Жаҳон мамлакатлари ва халқаро меҳнат тақсимоли. Мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишида шаҳарларнинг роли. Унинг гуруҳларга бўлиниши. Мамлакатнинг геосиёсий ва ҳудудий - хўжалик тузилмасида шаҳарларнинг етакчи эканлиги.

Ўзбекистон Республикасининг маъмурий ҳудудий тузилиши

Мустақил давлатимизнинг раванг топиши сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан юксала бориши, миллий иқтисодиёт, давлат қурилиши борасида раҳбарлик ва бошқариш тизимини тўғри ташкил қилишда мамлакат маъмурий ҳудудий тузилишининг аҳамияти. Мамлакатимиз маъмурий-ҳудудий тузилиши тарихи. Маъмурий-ҳудудий тузилиш масалаларидаги шохма-шошарлик, вилоятларни ташкил қилиш, уларни ноўрин тугатиш. Маъмурий-ҳудудий тузилиш масалаларини қонун йўли билан тартибга олиш.

Мамлакат минтақавий сиёсатини белгилашда ҳудудлар имкониятини баҳолаш.

Минтақавий сиёсат ва минтақавий дастурлаш, муаммоларга муайян мақсад нуқтаи назаридан дастурли ёндошув. Мамлакат халқ хўжалигининг ҳудудий таркиби, вилоят ва иқтисодий районларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари. Географик ўрни, табиий шароити, табиий ресурслари, демографик салоҳияти, инфратузилмаси, хўжалик ривожланиш даражаси, иқтисослашуви, экологик ва геосиёсий мавқеларини баҳолаш керак. Алоҳида вилоятларнинг иқтисодий ривожланиш имкониятлари ва уларни баҳолаш усуллари. Эксперт усули.

Минтақавий сиёсат ва табиат ресурсларидан фойдаланиш.

Минтақавий сиёсат ва экология.

Табиат ресурсларидан самарали фойдаланиш. Қазилма бойликлардан фойдаланиш, ишлаб чиқариш корхоналарини жойлаштириш. Орол денгизи муаммоси. Минтақаларда урбанизация ва экология. Транспорт кўпайишининг ўзига хос муаммолари. Нозогеографик вазият. Саноат турли тармоқларининг турли хавфга эга эканлиги. Давлат ва минтақалар томонидан амалга оширилаётган минтақавий сиёсатнинг асосий воситалари ва шакллари. Инфляциянинг келиб чиқиши, солиқ сиёсати, кредит сиёсати, ҳомий минтақалар. Минтақалар учун алоҳида дастурлар ишлаб чиқиш, ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар.

Амалий машғулотлар

Амалий машғулотлар доирасида статистик маълумотлар билан ишлаш, республика иқтисодиётининг ҳудудий таркибини ўрганиш, турли хил картографик ва фактик ракамларни таҳлил қилиш, шунингдек талабалар

алоҳида ҳудудлар бўйича уларнинг иқтисодий географик ўрни, табиий шароити ва қазилма бойликлари, аҳолиси ва меҳнат ресурслари, ер ва сув захиралари, геозологиясига баҳо бериш билан ҳам шуғулланишлари талаб этилади. Шунингдек, Ўзбекистон минтақавий сиёсатини ўрганиш билан бир қаторда жаҳон мамлакатларининг бу борадаги тажрибаларини таҳлил қилиш, собиқ Иттифоқ минтақавий сиёсатини ўрганиш назарда тутилади. Алоҳида ҳудудларнинг ресурслар имкониятини баҳолаш, эркин иқтисодий зоналар ташкил қилиш, минтақалараро тенгсизлик, минтақавий муаммоларни ҳал қилишда давлатнинг роли, демографик сиёсат юритиш, минтақаларда урбанизация, шаҳарларнинг ривожланиш масалалари амалий машғулотларнинг асосий қисмини ташкил этади.

Мустақил иш

Ҳар бир талаба ўзи яшайдиган туман, шаҳар ёки вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш имконият ва муаммолари тўғрисида фикрлаш қобилиятига эга бўлиши керак.

Мазкур курс бўйича ўқув режасига асосан доклад ва рефератлар тайёрлаш ва ҳимоя қилиш назарда тутилган.

Асосий адабиётлар

- 1.Гладкий Ю.Н.,Чистобоев А.И.Основы региональной политики.-Спб., 1998.
- 2.Шарьгин М.Д. Основы региональной политики.Пермь, 2000.
- 3.СолиевА.С.Ўзбекистон Республикасининг минтақавий сиёсати.-Т., 2000.

Кўшимча адабиётлар.

1. Солиев.А.С Ўзбекистон Республикасининг минтақавий сиёсати. Истикбол, 1993, 1-2 сон.
2. Лаорина Н.И., Кисельникова А.А Региональная политика в странах рыночной экономике.-М., 1998.
3. Солиев А., Маҳамадалиев Р. Иқтисодий география асослари .-Т., 1995.
4. Солиев.А., Қаршибоева Л .Иқтисодий географиянинг назарий ва амалий масалалари. –Т.,1999.

**Фандан ўтиладиган мавзулар ва улар бўйича машғулот турларига
ажратилган соатларнинг тақсимоти**

	Фаннинг бўлими ва мавзулари.	маъруза	амалиёт	жами
1.	Кириш. Курснинг предмети, мақсади ва вазифалари	2		2
2.	Минтақавий сиёсат ва геосиёсат.	2		2
3.	Иқтисодий районлаштириш ва минтақавий сиёсат.	2		2
4.	Ўзбекистонда иқтисодий районлаштириш.		4	4
5.	Минтақавий сиёсатда чет эл тажрибаси Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларнинг минтақавий сиёсати.	2		2
6.	Собиқ Иттифоқнинг минтақавий сиёсати. Ўзбекистон Республикасида минтақавий сиёсат тарихи.		2	2
7.	Ўзбекистон Республикаси хўжалигининг ҳудудий таркиби ва шаҳарлар ривожланиши	2		2
8.	Ўзбекистон Республикаси маъмурий-ҳудудий бўлиниши.	2	2	4
9.	Мамлакат минтақавий сиёсатини белгилашда ҳудудлар имкониятини ҳисобга олиш.	2		2
10.	Ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг географик коэффициентлари.		4	4
11.	Ижтимоий сиёсатнинг моҳияти ва асосий йўналишлари. Демографик сиёсат.	2	2	4
12.	Минтақавий сиёсат ва табиат ресурсларидан фойдаланиш. Минтақавий сиёсат ва экология.	2		
13.	Минтақаларда табиий ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш.		2	2
14.	Минтақаларда урбанизация. Шаҳарларнинг ривожланиш масалалари.		2	2
15.	Инвестиция сиёсати. Пул тизими ва пул-кредит сиёсати.		2	2
16.	Ўзбекистон Республикаси пойтахти Тошкент шаҳрининг ривожланиши, унинг жаҳон сиёсий харитасида тугган ўрни.	2	2	4
17.	Халқаро иқтисодий муносабатлар ва минтақавий иқтисодиёт муаммолари.		3	3
18.	Яқуний назорат иши.			
		20	25	45

И Ш Р Е Ж А С И

Ижтимоий география, минтақавий иқтисодиёт ва демография кафедраси,
«Ўзбекистон Республикаси минтақавий сиёсати» фани,
2-семестр, 3-курс ўзбек гуруҳи учун 2011-2012 ўқув йили.
Ўқитувчи Қурбонов Ш. Б.
Маъруза 20 соат
Амалиёт 25 соат
Рейтинг 33 соат

Дарс соат ларини ўтиш даври	Маъруза	Амалиёт	Мавзуларнинг номи	Рейтинг режа	
				Ж.Н.	О.Н.
06.02.12.	2		Кириш. Курснинг предмети, мақсади ва вазифалари		
06.02.12.	2		Минтақавий сиёсат ва геосиёсат.		
13.02.12.	2		Иқтисодий районлаштириш ва минтақавий сиёсат.		
13.02.12. 20.02.12.		4	Ўзбекистонда иқтисодий районлаштириш.	10	
20.02.12.	2		Минтақавий сиёсатда чет эл тажрибаси Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларнинг минтақавий сиёсати.		
27.02.12.		2	Собиқ Иттифоқнинг минтақавий сиёсати. Ўзбекистон Республикасида минтақавий сиёсат тарихи.		
27.02.12.	2		Ўзбекистон Республикаси хўжалигининг ҳудудий таркиби ва шаҳарлар ривожланиши		15
05.03.12	2	2	Ўзбекистон Республикаси маъмурий-ҳудудий бўлиниши.		
12.03.12	2		Мамлакат минтақавий сиёсатини белгилашда ҳудудлар имкониятини ҳисобга олиш.		
12.03.12. 19.03.12.		4	Ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг географик коэффициенти.	10	
19.03.12. 26.03.12.	2	2	Ижтимоий сиёсатнинг моҳияти ва асосий йўналишлари. Демографик сиёсат.		
26.03.12.	2		Минтақавий сиёсат ва табиат ресурсларидан фойдаланиш. Минтақавий сиёсат ва экология.		
02.04.12.		2	Минтақаларда табиий ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш.		
02.04.12.		2	Минтақаларда урбанизация. Шаҳарларнинг ривожланиш масалалари.	10	
09.04.12.		2	Инвестиция сиёсати. Пул тизими ва пул-кредит сиёсати.		

09.04.12.	2	2	Ўзбекистон Республикаси пойтахти Тошкент шаҳрининг ривожланиши, унинг жаҳон сиёсий харитасида тутган ўрни.		15
16.04.12.		3	Халқаро иқтисодий муносабатлар ва минтақавий иқтисодиёт муаммолари.		
			Мустақил иш	10	
23.04.12.			Яқуний назорат		30
	20	25		40	60

Асосий адабиётлар

- 1.Гладкий Ю. Н.,Чистобоев А. И.Основы региональной политики.-Спб., 1998.
- 2.Шарьгин М. Д. Основы региональной политики. Пермь, 2000.
- 3.Солиев А. С.Ўзбекистон Республикасининг минтақавий сиёсати.-Т., 2000.

Қўшимча адабиётлар.

1. Солиев. А.С Ўзбекистон Республикасининг минтақавий сиёсати. Истикбол, 1993, 1-2 сон.
2. Лаорина Н. И., Кисельникова А.А Региональная политика в странах рыночной экономике.- М., 1998.
3. Солиев А., Маҳмадалиев Р. Иқтисодий география асослари .-Т., 1995.
4. Солиев.А., Қаршибоева Л. .Иқтисодий географиянинг назарий ва амалий масалалари. – Т.,1999.

Тузувчилар:

проф: Солиев А. С

ўқит Қурбонов Ш. Б

**“Ўзбекистон Республикаси минтақавий сиёсати” фанидан баҳолаш турлари бўйича
баллар тақсимооти**

№	Машғулотлар	Аудитория соати	Умумий вақт сарфи
1	Маъруза	20	20
2	Амалий машғулот	25	25
3	Лабортоия машғулоти		
4	Семинар		
5	Мустақил иш	-	
	Жами	45	45

ЖБ -40 балл; ОБ - 30 балл; ЯБ - 30 балл, Жами: 100 балл

I.Амалий машғулотлар бўйича

№	Баҳо лаш тури	Ўтказиш шакли	Бажариладиган топшириқ	Талаба тўплаши мумкин бўлган максимал балл	Бажариш вақти	Изоҳ
1	2	3	4	5	6	7
1	ЖБ	Оғзаки	Минтақавий сиёсат фанининг объекти, предмети, мақсад ва вазифалари. Иқтисодий география. Минтақавий сиёсат ва иқтисодий районлаштириш мавзулари бўйича саволлар.	2 савол 5 = 10 б	Дарс жараёнида.	
2	ЖБ	Оғзаки	Минтақавий сиёсатда чет эл тажрибаси. Ўзбекистон Республикаси хўжалигининг ҳудудий таркиби. Ўзбекистон маъмурий-ҳудудий бўлиниши. Ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг географик коэффициенти мавзулари бўйича саволлар.	Ҳар бир талабага 2 та савол = 10 балл	Дарс жараёнида	
3	ЖБ	Оғзаки	Ижтимоий сиёсатнинг моҳияти ва асосий йўналишлари. Демографик сиёсат. Минтақавий сиёсат ва экология. Минтақаларда урбанизация. Шаҳарларнинг ривожланиш масалалари мавзулари бўйича.	2 савол 5 = 10 балл	Дарс жараёнида	
4	ЖБ	доклад	Ҳар бир талаба алоҳида мавзулар бўйича доклад ҳимоя қилади.	10 балл	Дарс жараёнида	

<p>Жами 4 та ЖБ бўлиб 40 балл ажратилган Аъло баҳога(86-100) қ 39-45 Яхши баҳога(71-85) қ 32-38 ўрта баҳога(55-70) қ 25-31 қоникарсиз баҳога(0-55)- 24 дан кам</p> <p style="text-align: center;">II. Маърузалар бўйича</p>						
6	1-ОБ	Ёзма	Фаннинг кириш қисми, шуниингдек, Ўзбекистон Республикаси маъмурий-ҳудудий бўлиниши мавзусига бўлган мавзуларни қамраб олган саволлар бўйича.	3 савол 5 15 балл	Дарс жараёни да	ОБларни ўтказиш тест, оғзаки савол-жавоб ёки
7	2-ОБ	Тест	Фаннинг иккинчи қисмининг барча мавзуларни қамраб олган тест.	15 та тест 1 қ 15 балл	Дарс жараёни да	бошқа кўриниш да амалга оширилиши мумкин
<p>ОБ 15 балл. ОБ семестр давомида 2 марта олинади. Аъло баҳога (86-100)-35-40 Яхши баҳога (71-85)- 28-34, ўрта баҳога (55-70) - 22-27, қоникарсиз баҳога (0-55)- 0-21</p> <p style="text-align: center;">III. Маърузалар ва амалий машғулотлар бўйича</p>						

Якуний баҳолаш мезонлари

№	Баҳолаш тури	Ўтказилиш шакли	Бажарилган топширик	Талаба тўплаши мумкин бўлган максимал балл	Баҳолаш шакллари бўйича баллар тақсимланиши	Бажариш вақти
	ЯБ	Ёзма иш	Фан дастури бўйича ўтилган мавзуларни барчасини қамраб олувчи 3 та саволдан иборат вариантлар асосида ёзма баҳолаш	3 савол x 10 = балл	30 балл учун аъло (86-100) =25,8-30 балл яхши (71-85) =21,3-25,7 балл ўрта (55-70) =16,5-21,2 балл қ-қарсиз (0-54) =0-16,4 балл	Охирги дарс жараёнида

Якуний баҳолаш мезонлари

Аъло баҳога:

- саволга атрофлича аниқ ва тўғри жавоб ёзилган бўлса;
- ўқув дастуридан ташқари замонавий маълумотлардан хабардорлиги билиниб турса;
- қонуниятлар, назарий ва гипотезалар, тушунча ва терминлар тўғри ва аниқ ёзилган бўлса;
- илмий хатоликларга йўл қўйилмай жавоб мазмунининг илмий ва мантиқийлиги сақланган ҳолда пухта ёзилган бўлса;

-орфографик ва грамматик хатоликлар учрамаса.

Яхши баҳога:

-саволга тўғри жавоб ёзилган бўлса;

-саволга ёзилган жавоб ўқув дастури талаблари билан чекланган, аммо жузъий камчиликлари бўлса;

-жавобларда илмийлик бузилмаган, мантикийлик сақланган бўлса;

-қонуниятлар, назария ва гипотезалар, тушунча ва терминлар тўғри ёзилган бўлса;

-орфографик ва грамматик хатоликлар учраса;

- баъзи фикрларда айрим камчиликлар учраса.

Ўрта баҳога:

-саволга жавобнинг учдан икки қисми тўғри ёзилган бўлса;

-жавоблар тўлиқ эмас, лекин баъзи бир хатоликларни инобатга олмаганда умуман тўғри;

-илмий ва мантикий чалкашликлар учраса;

-қонуниятлар, назария ва гипотезалар, тушунча ва терминларда баъзи бир ноаниқликларга йўл қўйилган бўлса;

-орфографик ва грамматик хатоликлар бўлса.

Қониқарсиз баҳога:

-саволга жавобнинг учдан бир қисми тўғри ёки умуман ёзилмаган бўлса;

-жавоб нотўғри бўлса;

-жавобда ноаниқлик, мантикий ва илмий хатоликлар бўлса;

-орфографик ва грамматик хатоликлар кўп бўлса.

Маърузалар матни

Мавзу: Кириш. “Ўзбекистон Республикаси минтақавий сиёсати”
фанининг предмети, мақсад ва вазифалари.
Режа

1. Минтақа тушунчаси.
2. Фаннинг предмети ва объекти.
3. Мақсад ва вазифаси.

Мустақил Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётидаги ҳозирги вазият ҳамда бозор муносабатларига ўтиш жараёни хўжаликни ривожлантиришнинг янги ва устивор йуналишларини излаб топишни талаб қилади. Ҳозирги кунда Республика мустақил давлат сифатида ўз ички сиёсатига, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш буйича илмий жиҳатдан асосланган концепциясига эга. Айтиш мумкин бундай ички сиёсат ҳар бир ҳудуднинг ҳолатини, табиий, иқтисодий ва ижтимоий шароитларини ҳисобга олган ҳолда минтақавий табақалаштириш асосида шаклланиши зарур.

Ривожланган ҳамда энди ривожланаётган хорижий мамлакатларда минтақавий тараққиётнинг озми-кўпми аниқ ишлаб чиқилган мақсад ва вазифалари, сабаб ва муаммоларни ҳал этиш йуллари бир-биридан тубдан фарқ қилади. Назаримизда, хорижий мамлакатлар, аввало **"ривожланган"** давлатларнинг минтақавий сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш тажрибасини танқидий ўрганиш ва қўллаш Ўзбекистон Республикаси ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ва жойлаштиришда катта аҳамият касб этади. Лотин Америкаси, Африка ва Осиё мамлакатларида БМТнинг нуфузли комиссиялари ва экспертлари ёрдамида дунёнинг илғор давлатларида ишлаб чиқилган илмий концепцияларни татбиқ этиш йули билан иқтисодни давлат томонидан йулга солиш, хўжаликнинг мустамлакачилик давридан мерос бўлиб қолган яроқсиз тузилмасини тугатиш ҳамда ҳудудий ривожлантиришни махсус тузилган дастурлар ёрдамида бошқариш борасида муайян муваффақиятларга эришилган. Худди шундай вазифа бизнинг республикамиз олдида ҳам кўндаланг бўлиб турибди.

Минтақавий тараққиётни дастурлаштириш амалиёти билан танишув жараёни шунини кўрсатадики, ҳудудий режалаштириш ва истиқболни белгилаш мақсадида

тузилган иқтисодий ривожлантиришнинг мавжуд илмий асосланган тартиботи минтақавий сиёсат ўтказиш учун асос ҳамда ишончли восита бўлиб хизмат қилади

Ҳар бир мамлакат ўзининг турли йўналишдаги сиёсатини амалга ошириб боради. Бу унинг мустақил, суверен давлат эканлигини энг муҳим белгиларидан ҳисобланади. Сиёсат эса субъектнинг у ёки бу масалага (объектга) нисбатан тутган йул-йўриқларини кўрсатма ва тадбирларни мажмуасидир.

Сиёсат турлари ҳам кўп. Одатда сиёсат деганда кўпроқ, сиёсий масалалар кўз олдимизга келади. Ваҳоланки, бу фақат "сиёсий сиёсатдир", аслида эса сиёсатнинг турлари хилма хил. Масалан, давлат ёки оила бошлиғининг ўз кўшниларига, ички ва ташқи аҳволига, иқтисодиётига, ижтимоий ҳаётига, фан-техникаси каби масалаларга маълум бир йўналиш ва мақсаддаги бош принцип ва муносабатлари бўлади. Бу муносабатлар субъект, яъни бошқарувчи томонидан босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этилиб борилади. Бизнинг мамлакатимизда бозор муносабатларига ўтиш даврининг 5 асосий тамойиллари орасида давлатнинг бош ислоҳотчи эканлиги таъкидланган. Демак, демократик жамият қуриш, халқ турмуш шароитини яхшилаш, мамлакатнинг жаҳон жамиятидаги мавқеини мустаҳкамлаш каби туб масалалар давлат томонидан белгиланади ва ҳал этилади. Айни пайтда Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ривожланишнинг пировард натижалари, стратегияси ижтимоий (социал) мақсадларга йўналтирилган. Бинобарин, восита, йўналиш иқтисодиёт бўлса, унинг мақсади ижтимоий жабҳалар, аҳолининг яшаш шароити ва даражасини яхшилаб беришдан иборатдир.

Шу ўринда иқтисодий сиёсатнинг аввалги сиёсий иқтисоддан фарқини англаб олиш зарур. Сиёсий иқтисод эндиги шароитда йўқ, чунки давлатимизнинг сиёсатида иқтисод сиёсатдан ажратилган. Аслида эса, юқорида таъкидлаганимиздек, ижтимоий иқтисод бор, холос. Сабаби - иқтисодий сиёсатнинг асосий моҳият ва мақсади ижтимоий жабҳалардир.

Шундай қилиб, сиёсатнинг турлари ҳар хил: у ички ва ташқи, ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг турли йўналишларига бағишланган бўлади. Бу борада энг аввало иқтисодий, ижтимоий, фан-техника сиёсатини ажратиш мумкин. Иқтисодий сиёсат ўз навбатида саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт сиёсатларига, ижтимоий сиёсат эса аҳоли, унинг такрор барпо бўлиши ва миграция, демографик, турли ёшдаги кишиларга, оилага бўлган давлатнинг расмий равишда амалга ошираётган тадбирларидан ташкил топади. Шунингдек, ижтимоий сиёсат таълим-тарбия, тил, саломатлик, экологик муаммолар, кадрларни тайёрлаш масалаларини ҳам ўз қамровига олади. Аммо ҳар қандай сиёсатни, айниқса давлат аҳамиятига мансуб сиёсатларни майда **"сиёсатчаларга"** бўлиб юбориш яхши эмас. Тўғри, саноатда, масалан ёқилғи-энергетика, қишлоқ хўжалигида дон мустақиллиги, транспортда-ички ягона транспорт йуллари тизимини барпо этиш сингари масалалар муҳим ва долзарб, бинобарин, улар давлат сиёсати доирасида кўриниши мумкин. Бироқ масалаларни, янада парчалаб юбориш мақсадга мувофиқ, бўлмаса керак. Хўш, чегара қаерда, қайси даражада тўхташи керак. Уйлаймизки, бу масаланинг моҳияти ва мураккаблиги, унга сарфланадиган вақт моддий ва молиявий харажатлар кўлами билан белгиланади. Бошқача қилиб айтганда, ҳар қандай сиёсат ўзининг таркибий қисми ва уни босқичма-босқич ҳал этиш йўллари ифодаловчи махсус дастурларга эга бўлиши шарт.

Албатта, турли вилоят ва туман раҳбарларининг, вазирликларининг ўзларига тегишли масалаларга сиёсатлари (аниқроғи муносабатлари) бўлиши муқаррар. Лекин бу тоифадаги муаммоларни давлат даражасидаги сиёсат, деб юритиш нодурустдир. Сиёсат маълум мақсадга қаратилган ва шу бош мақсадга эришиш йўлидаги муаммо ва "муаммочаларни" ҳал этиш, муайян соҳани такомиллаштириб бориш ва уни тизим сифатида бошқаришни назарда тутди.

Биз аввалроқ сиёсатни (давлат сиёсатини) ички ва ташқи сиёсатга бўлинишини таъкидлаган эдик. Ташқи сиёсат ҳам мураккаб бўлиб, у ўз доирасига халқаро муносабатлар, географик масалалар, иқтисодий, маданий, фан-техника алоқаларини олади. Шубҳасиз буларнинг ичида сиёсий масалалар, яъни "сиёсий

сиёсат" асосий ўринни эгаллайди. Чунки, давлатлар орасида тўғри, осойишталик, ҳамдўстлик муносабатлар ўрнатилгандагина, қолган бошқа масалаларга йўл очилади. Ана шу маънода, фақат ана шу соҳада сиёсатни иқтисоддан юқори қўйиш мумкин, қолган барча ҳолларда, хусусан мамлакат ички ҳаётида иқтисод сиёсатдан устун ва устивордир. Аммо шуни таъкидлаш лозимки, халқаро (давлатлараро) сиёсий муносабатлар негизида ҳам иқтисодий масалалар ётади.

Ички сиёсат - бу мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини ташкил этиш ва бошқаришдан иборатдир. У ўз навбатида соҳавий ва ҳудудий бўлади. Сабаби ҳар қандай воқеа ёки ҳодиса албатта қаердадир, маълум бир маконда содир бўлади. Шу маънода у ёки бу муаммони муайян ҳудуд, географик муҳитдан ажралган ҳолда, муаллақ қараш нотўғридир.

Соҳавий сиёсатларга иқтисодий, ижтимоий, фан-техника йўналишлари киритилади. Ўз навбатида уларнинг ҳам пастроқ ва аниқроқ даражадаги сиёсатларга бўлинишини ҳам айтиб ўтган эдик. Ҳудудий сиёсатларга келсак, у ўз моҳиятига кўра мураккаброқ, юқоридаги барча масалаларни қамраб олувчи сиёсатдир.

Бирок, "**ҳудудий сиёсат**" тушунчасини тўғри тушуниш керак. Бу ерда соҳавий сиёсатларга ўхшаб, у ёки бу тармоқни ривожлантириш каби масалалар ҳудудни (географик маънода) кенгайтириш йўналишида қараш мутлақо нотўғри ва зарарлидир. Шу боис мазкур тушунчани минтақавий сиёсат шаклида талқин қилиш маъқулроқдир. Аммо бу тушунчага ҳам географлар эътироз билдиришлари мумкин. Сабаби географияда минтақа (пояс) маълум бир табиий компонентларни тасмасимон жойланишини англатади (масалан иқлим минтақалари). Бизнинг иқтисодий соҳада бундай шакллар мавжуд эмас. Ана шуларни эътиборга олиб, ҳудудий иқтисод ёки сиёсат эмас, балки минтақавий иқтисодиёт ёки минтақавий сиёсат ибораларини қўллаш маъқулроқдир.

Шундай қилиб минтақавий сиёсат у ёки бу ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожланиш масалаларига қаратилган бўлади. Бундай сиёсатни эса махсус, аниқ мақсадга йўналтирилган дастур орқали амалга оширилади. Дастурда

асосий масала ва унинг ички қисмлари очиб берилади, муаммоларини ечими босқичма-босқич тасвирланади, тегишли моддий, молиявий, ташкилий масала ва имкониятлар билан асослаб берилади. Худди шундай минтақавий дастур Наманган вилояти учун қабул қилинган (1998-2000 йиллар).

Минтақавий сиёсатнинг объекти турли хил бўлиши мумкин. Чунончи, давлатнинг айрим ҳудудлар-иқтисодий ривожланиш масалалари ёки турли табиий географик минтақаларининг (чўл,тоғ ва тоғ олди районлар, дарё хавзалари, Орол буйи минтақаси ва ҳ.к) муаммоларини ечиш минтақавий сиёсат доирасида бошқарилади.

Табиийки, ҳамма жойни бир вақтнинг ўзида бирдай юқори даражада ривожлантириш қийин, бунинг учун ҳамма вақт ҳам, моддий-молиявий имкониятлар ҳам мавжуд эмас. Бинобарин, минтақавий сиёсат навбатма-навбат, алоҳида вилоят ва шаҳарлар ёки географик район доирасида олиб борилади. Бошқача қилиб айтганда, бу ерда ҳам устувор, ривожланиши мумкин ва зарур бўлган ҳудудлар ажратиб олинади ва бор имкониятлар вақтинча фақат айнан шу масалага қаратилади.

Ўзбекистан Республикаси минтақавий сиёсатининг асосий мақсад ва вазифалари қуйидагилардан иборат.

- * иқтисодий ва ижтимоий ривожланишни жадаллаштириш, миллий иқтисодиётнинг бирёқлама аграр - хомашё тузулмасини тугатиш.
- * маҳаллий табиат заҳиралари ва меҳнат манбаларидан имкон қадар тўла ва самарали фойдаланиш.
- * ишлаб чиқарувчи кучларни районлараро оқилона жойлаштириш.
- * минтақавий номуносибликларни юмшатиш ҳамда алоҳида (қишлоқ хўжалиги билан) минтақаларнинг иқтисодиётини юксалтириш.
- * аҳоли турмуш даражасидаги ижтимоий-худудий тафовутларни тенглаштириш.
- * шаҳарлар кенгайиши ҳамда шаҳарлашув жараёнини йулга солиш.
- * экологик муаммоларни ҳал этиш ва самарали демографик сиёсатни амалга ошириш.

* республиканинг турли қисмларидаги ишлаб чиқарувчи кучларни ўзаро

боғлиқ ҳолда ривожлантириш ҳудудий иқтисодий яхлитликни таъминлаш.

* маъмурий-худудий тузилишнинг барқарорлигини ошириш.

Турли мавқеидаги (жумладан кичик ва кўшма) корхоналарни уйғунлаштириш, хўжаликларни тор иқтисодий ихтисослашуви ва аграр-хом ашё йуналишини бартараф этиш, иқтисодиётни ижтимоий жиҳатдан кескин қайта белгилаб олиш, ишлаб чиқаришни экологик ҳолатини яхшилаш ва барча ҳудудларда жамоат турмушини бирдек оқилона йулга солиш ишлари республика ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий мезонлари бўлиб қолиши керак.

Ўзбекистан Республикаси ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ҳозирги босқичида тезроқ натижа берадиган асосий соҳа ва районларни аниқлаб олиш мақсадга мувофиқдир. Зеро, таниқли фаранг иқтисодчиси Ф. Перру ёзганидек, "Иқтисодий ўсиш бир вақтнинг ўзида ва жойларда эмас, балки турли даражадаги жадалликларга эга бўлган ўсиш кутбларида намоён бўлади". Шундай экан анъанавий ва том маънодаги тенглаштириш сиёсатидан воз кечиш зарур. Чунки турли даражадаги ҳудудий нотекисликлар минтақавий тараққиёт омили бўлиб хизмат қилади. Шу боис, "тенглаштириш тўғрисида гап борар экан, аввало ижтимоий соҳадаги, аҳоли турмуш даражасидаги тенглик назарда тутилади, ҳаёт кечириш шароитлари, муҳити эса доим ҳудудий табақалашган бўлиб қолаверади.

Ҳозирги вақтда тез ва соз самара олиш учун қаерда ва нима барпо қилиш керак, деган муаммо кўндаланг турибди. Ўз-ўзидан маълумки, асосий кучни қувват ва маблағни, жумладан давлат маблағини энг олд соҳалар ва районларни ривожлантиришга сарфлаш зарур.

Хорижий тажриба шуни кўрсатмоқдаки, етарлича ривожланмаган ҳудудларнинг аҳволини яхшилаш, муаммоларини ечишнинг турлича усуллари ва йўллари мавжуд.

Ўзбекистоннинг ҳозирги ҳудудий тузилмасини ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, республикада ривожланган районлар билан бир қаторда уларга

нисбатан қолоқ ҳамда муаммоли районлар ҳам мавжуд (бу республика миқёсида узок йиллар давом этган ўта паст даража умумривожланишнинг ҳосиласи эканлигини эслатиб қўймоқчимиз!). Турган гапки, районларнинг "томир уриши" бир хил эмас ва ўз-ўзидан аёнки, уларнинг ҳар бирига ўзига хос, алоҳида ёндашув зарур.

Мавзу: Минтақавий сиёсат ва геосиёсат.

Геосиёсат, яъни географик сиёсат (гео-ер, ҳудуд) ташқаридан қараганда ҳудудий, минтақавий сиёсатнинг ўзгинаси. Бироқ бундай эмас, унинг келиб чиқиши, тарихий илдизи анча чуқур ва узок, уни талқин этиш ҳам осон эмас. Сабаби-геосиёсат даставвал Европа мамлакатларида, хусусан Германия ва Швецияда ривожланган.

Дарҳақиқат Германия жаҳон аренасига Буюк Британия ва Франция ҳатто Италия, Испания, Португалия ва Россиядан ҳам кечикиб кирди. Унинг айтилган давлатлар сингари колонияли, мустамлака ва қарам ерлари йўқ, аммо нисбатан кичик ҳудудда халқи. Аҳолиси энг кўп эди (Олмония –“олл”-кўп, “мэн”-одам, яъни кўп одам маъносини англатса ажаб эмас), Бинобарин, немис халқида азал-азалдан яшаш макони, географик муҳитни кенгайтириш кайфияти турар эди. Кенгайтириш эса фақат ўзгалар, қўшни давлатлар ҳисобидан амалга ошириш мумкин. Эҳтимол, шунинг учун бўлса керак, биринчи ва иккинчи жаҳон урушини бошлаган ҳам айнан Германия бўлди, ҳозирги кунда эса Германия европа Иттифоқининг етакчи мамлакати ҳисобланади.

Айтиш жоизки, геополитик кайфият маълум маънода шу кунларда ҳам Германия раҳбариятида сезилиб туради. Масалан, Г.Колл бир вақтлар айтган эди: “Мен Германияни (яъни шарқий ва ғарбий Германияни) бирлаштирдим, Германия эса Европани бирлаштириши керак”. Чиндан ҳам Германияни бутун жаҳон ҳамжамиятида, унинг сиёсий ривожда обрўси катта; у ҳозирги кунда Европа ягона иқтисодий маконини, валютасини ташкил этишда ҳам фаол ҳаракат қилмоқда. Қолаверса, 90-йиллар бошда “9+1” теледастури ҳам Германиянинг геосиёсий мавқеини маълум даражада очиб берарди.

Биз географик сиёсат тарихининг узоқлигини таъкидладик. Хўш, у қачон ва нима сабабдан вужудга келган? Геосиёсатнинг назарий асоси 18-19 асрларда Германия ва Францияда шаклланган детерминизм ғояларига, Монтеस्कье, Фридрих Фон Ратцел, Юхан Челлен асарларига бориб тақалади. Маълумки, географик детерминизм (дете-таъсир, белгилаш, аниқлаш маъносини билдиради) жамият таракқиёти, мамлакат ва ҳатто кишилар ривожиди географик омилларнинг, хусусан иқлим шароити, географик ўриннинг таъсирини англатади. Бу таъсир ижобий ва салбий бўлиши мумкин. Аммо ҳамма гап шундаки, бу муаммога ўша тарихий даврларда ўзига хос қараш мавжуд бўлган, яъни географик омилнинг ролини ҳаддан ташқари бўрттириб юборилган (географик фатализм) ёки уни бутунлай инкор қилинган (географик нигилизм).

Илмий дунёқараш нуқтаи назаридан ёндошганда, албатта, ҳеч бир нарса ўзидан-ўзи содир бўлмайди, уни келтириб чиқарувчи сабаблар, шарт-шароитлар мавжуд бўлади. Уларнинг ичида географик омиллар ҳам бор (бу ўринда таъкидлаш лозимки, детерминизм фақатгина географик бўлмай, у тарихий, биологик, сиёсий ва ҳ.к. бўлиши мумкин). Бироқ бу таъсирни бирдан-бир, ҳал қилувчи омил сифатида қараш ҳам нотўғридир.

Ана шундай қараш, афсуски, кўп мамлакатларда авж олинган эди. Кейинчалику географик детерминизм иқтисодиёт, психология, социологиядан сиёсатга кўчди, унга сиёсатнинг қўшилиши натижасида географик сиёсат вужудга келди.

Даставвал геосиёсат тушунчасини швед социологи Юхан Челлен қўллади. Аммо ушбу йўналишнинг асосчиси немис социологи ва география Ретцел ҳисобланади. У киши сиёсий географияга ҳам асос солган.

Умуман олганда, географик сиёсатни фақат салбий талқин қилиш ножоиздир. Чунки, иқтисодий, фан-техник сиёсатлари каби геосиёсат ҳам бўлиши мумкин. Бироқ, уни фақат реакцияон руҳда таҳлил ва тарғиб этиш нотўғридир. Афсуски, худди ана шундай мақомда геосиёсаот кўпчиликка маълум эди. Албатта, бунинг қатор сабаблари бор. Бу ўринда аввало Адольф

Гитлернинг Германия давлат ҳудудини катталаштириш, “оқсуяк” немис миллати учун “яшаш муҳитини” кенгайтириш билан боғлиқ ҳарбий-сиёсий фаолиятини таъкидлаш зарур. Ана шунинг учун бўлса керак. “геосиёсат” деганда кишилар кўз ўнгида энг аввало Гитлер номи ва сиёсати гавдаланган ва немис фашизми, унинг тажовузкор ғояси билан геосиёсат уйғунлашиб кетган.

Аслида олганда, ушбу тушунчани оддий, тўғри, беғараз жиҳатлари ҳам бор. Айнан ана шу маънода Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов ўзининг “21 аср бўсағасида” китобида геосиёсат, география тўғрисида жуда кўп фикр билдирган. Бу ерда, авваламбор республикамиз-мустақил давлатимизнинг жаҳон сиёсий харитасида, ҳамжамиятида тутган ўрни, бошқа давлатлар билан алоқалари ва, хусусан, жаҳон океанига (бозорига) қисқа, бехатар, арзон ва беғараз, беминнат чиқиш имкониятлари ҳақида сўз юритилади.

Демак, геосиёсат, бизнинг тушунчамизда, бошқа давлатларнинг мустақиллиги, чегара ва ҳудудларни тан олган ва ҳурмат қилган ҳолда олиб борилиши керак. Кўриниб турибдики, бундай сиёсат ўзининг моҳиятига кўра ташқи сиёсатдир, минтақавий сиёсат эса мамлакатнинг ички сиёсати ҳисобланади.

Геосиёсат ва сиёсий география ўртасида ҳам фарқ бор. Авваламбор, геосиёсат-бу йўналиш, сиёсий география эса фандир. У жаҳон ҳамжамиятининг таркибини турли мамлакатларнинг сиёсий тузуми, сиёсий куч ва партиялар, ҳаракатларнинг ҳудудий таркиби, давлатлараро ҳарбий-сиёсий ташкилотлар каби масалаларни ўрганади. Қисқача қилиб айтганда, сиёсий географияда “эга” тушунча сиёсат бўлса, геосиёсатда у географиядир. Худди аввалги сиёсий иқтисод билан сиёсат бир хил бўлмаганидек, геосиёсат билан сиёсий география ҳам мутлақо бошқа тушунчадир.

Шундай қилиб, хулоса сифатида яна бир бор таъкидлаш лозимки, “геосиёсат” тушунчасини анъанавий, салбий маънодагина эмас, уни тўғри, ижобий руҳда ҳам талқин қилиш керак. Иккинчидан, геосиёсат минтақавий сиёсатдан фарқ қилиб, у давлатнинг ташқи сиёсатини назарда тутаяди.

Мавзу: Иқтисодий районлаштириш ва минтақавий сиёсат

Барча фанларда бўлганидек, географиянинг ҳам бирламчи, ўзак тушунчаси мавжуд-ки, усиз бу фан тўғрисида сўз юритиш асло мумкин эмас. Агар тарихи фани учун давр, биология учун хужайра, химияда атом тушунчалари ушбу фанлар учун энг муҳим ҳисобланса, географияда бундай вазифани район тушунчаси ўтайди.

“Район” сўзи француз тилидан олинган бўлсада(инглиз тилида у регион деб ҳам юритилади), у ҳозирги кунда халқаро, дунёқараш ёндошувга ҳам мос келади. Чунки, район ўз навбатида райончалардан, улар эса яна нисбатан кичикроқ ҳудудий бирликлардан ташкил топади (худди “матрёшка” ўйинчоғидек), яъни район бу кўп босқичли, поғонасимон тушунчадир. Худди шундай маълум бир ҳудудий система ўз таркибига-системачага эга, бу эса ўзидан кейинги поғонага нисбатан системадир. Бошқача қилиб айтганда, ҳар қандай ҳудудий бирлик, агар у очик система шаклида кўрилса, ўзидан каттароқ ҳудудга нисбатан таркиб (системача, кичикроқ система) ва, айн пайтда, ўзининг ички тузилиши нуқтаи назаридан яхлит системадир. Юқорида келтирилган мисол-Фарғона иқтисодий райони мустақил Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиёти тизимида таркибий бирликдир. Шу билан бирга у алоҳида Фарғона, Андижон, Наманган вилоятлари (тизим-таркиб) лардан ташкил топади. Шунга хўшаш мазкур вилоятлар ҳам босқичсимон ҳудудий тузилмалардан иборат.

Мамлакатимизнинг ёқилғи-энергетика, дон (ғалал) ва йўл (транспорт) мустақиллигига эришув жараёнида унинг иқтисодий районлари ҳам сон ва сифат жиҳатидан ташкил топиб бориши муқаррардир. Эҳтимол, келажакда Ғузор-Бойсун-Қумқўрғон темир йўлининг қурилиши натижасида Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари ўзаро иқтисодиё ва географик жиҳатдан “яқинлашиб”, ягона Жанубий иқтисодий районни шаклланишига сабаб бўлиши ажаб эмас. Айни чоғда Самарқанд, Бухоро ва Навоий вилоятлари яна анъанавий Зарафшон иқтисодий райони доирасида бирлаштирилиши ҳам мумкин (Солиев,

“Истиқбол” журнали, 1993, № 1-2; Солиев, Султонов, “Иқтисод ва ҳисобот” журнали, 1998, № 8).

Мамлакатнинг маъмурий-худудий тузилиши ва иқтисодий районлари муайян алоқадорлик мавжуд. Шу билан бирга алоҳида вилоятлар хўжалиги ҳам иқтисодий район шаклида кўрилиши мумкин. Бироқ, бундай тоифадаги бирликлар маъмурий-иқтисодий районлардир. Аслида улар мамлакатнинг геосиёсий тузилмасини ташкил этади, ҳақиқий (реал) географик районлар эса унинг геоиқтисодий тизимини акс эттиради.

Баъзилар район ва районлаштириш собиқ Итти фок, коммунистик ғоялар билан асоссиз боғлайдилар ва шу боис ундан воз кечиш тарафдори бўлиб чиқадилар. Устига устак, бу соҳада авваллари қалам тебратган, устозларимиз айбсиз айбланса, худонинг ўзи кечирсин, мабодо уларга калтак отилса, бизга ҳам келажакда шогирдларимизнинг тош отмаслигига ким кафолат бера олади? Бинобарин, тарихга фақат тарихий қараш, баҳо бериш керак. Мухтарам Президентимиз айтганларидек, бу ерда ҳам янгисини қурмасдан туриб эскисини бузмаслик лозим.

Назарий ғоя ва концепциялар, агар улар ҳақиқий илмий бўлса, сиёсий мафкура билан бевосита боғлиқ эмас. Зеро, фан, илмий тадқиқот натижалари миллат ва элатни билмайди, уларнинг оалмшумул, байналминал аҳамияти ҳам ана шунда. Қолаверса, районлаштириш ғоялари фақат Совет даврида вужудга келмаган, улар ундан олдинроқ ҳам мавжуд эди. Ҳозирги кунда ҳа мҳар қандай мамлакат (ижтимоий тузумидан қатъий назар) иқтисодий районлар тавсифига бағишланган китобни олинг, уларнинг барчасида иқтисодий районлар, ички тафовутлар банди албатта, бор. Чунки бу бўлимсиз у тўлақонли, мукамал иқтисодий географик асар бўла олмайди.

Ҳатто собиқ Иттифок худудида ташкил топган мустақил давлатлар, масалан Россия Фелдерацияси, Қозоғистон Республикасида янги чиқарилган иқтисодий ва социал географияси дарсликларига ҳам районлар қисми киритилган. Демак, иқтисодий географик таъриф икки қисмдлан, яъни тармоқлар ва регионал баёнидан иборат бўлмоғи зарур.

Боз устига, биз мамлакатда иқтисодий районларнинг шаклланишини эски “сарқит” эмас, балки суверен республикамиз ҳудудий-иқтисодий ривожланишининг муҳим кўрсаткичи деб эътироф этмоқчимиз. Зеро, агар Ўзбекистон собиқ СССРнинг кичик парчаси, чеккаси бўлган бўлса, энди унинг ўзи бир дунё, улкан ва келажаги буюк, қудратли давлатдир. Табиийки, бундай мустақил давлат ўзининг ички маъмурий ва геоиқтисодий тузилмасига эга бўлиши шарт.

Тўғри, мустақиллик шароитида иқтисодий районларга бўлган аввалги муносабат уларнинг социалистик режалаштириш ва бошқариш объекти сифатида қаралиши, планли ва пропорционал ривожланиши каби илгариги минтақавий сиёсат ўз кучини тамомила йўқотди. Буларнинг ўрига ҳозирги давр учун долзарб ва устувор аҳамиятга эга бўлган тармоқларини ривожлантириш, ички иқтисодий интеграцион жараёнларни авж олдириш, мустақил давлатнинг минтақавий сиёсатини илмий асосда ишлаб чиқиш ва уни ҳаётга татбиқ этишга ўхшаш масалалар олдинги сурилмоқда. Худди корхонаки тармоқлар сингари эркин ҳудудий рақобат, ҳудудлар иқтисодий ривожланишининг демократлашуви, бозор муносабатларига ўтиш даврида ишлаб чиқариш кучларини ҳудудий ташкил этишни давлат томонидан бошқариб, тартибга солиб бориш, геоэкологик муаммоларни ҳал этиш масалалари муҳим бўлиб келмоқда. Худди шу нуқтаи назардан қарганда, иқтисодий районлар билан бир қаторда улардан йирикроқ бўлган иқтисодий минтақаларни ҳам шакллантириш зарурияти туғилпади. Чунончи, республикамизнинг Марказий, Шарқий, Жануби-Ғарбий ва Шимоли-Ғарбий минтақаларни ажратиш мумкин.

Мамлакатимиз ҳудудлари ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини яратиш ва минтақавий сиёсатни амалга оширишда иқтисодий районлаштириш илмий ва методологик асос сифатида хизмат қилади. Айни пайтда районлаштириш географик фанининг бош принципи ҳамдир: чунки мамлакат хўжалиги ҳудудий таркибини, унинг ички ранг-баранглигини фақат районлаштириш орқалигина чуқур ўрганиш мумкин. Бундай географик билим ва фикрлаш учун ўзга йўл йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас.

Мамлакат ёки минтақалар хўжалигини фақат тармоқлар принципи асосида ўрганиш иқтисодий географик дунёқарашини қаноатлантирмайди; унда ички ҳудудий тафовутлар, бир жойнинг иккинчи жойдан фарқи унча сезилмайди. Бинобарин, иқтисодий география фанини (у ўқув предметигина эмас) ўрганишда бу икки тамойилга-тармоқлар ва ҳудудий методлар муштараклигига катта урғу бермоқ зарур. Бироқ, бу иккиликда, шубҳасиз ҳудудий таркиб ва тузилмарайонлаштириш устувор бўлмоғи талаб этилади. Сабаби, аввалроқ қайд қилганимиздек, район, районлаштириш умуман география фанининг умуртқа поғонаси, ўзаги, ибтидо ва интиҳосидир. Бундай оддий ҳақиқатни унутиш ёки уни тан олмаслик географияни камситиш, таҳқирлаш, уни фан мақомида инкор этиш билан баробардир.

Шундай қилиб, иқтисодий районлар минтақавий сиёсатни амалга оширишнинг объекти, назарий асоси ҳисобланади. Улар эркин савдо ёки эркин иқтисодий минтақа сифатида ҳам кўрилса бўлади. Бундай ҳолларда иқтисодий районларнинг иқтисодий ўрни ҳам катта аҳамиятга эга.

Албатта, давлатнинг минтақавий сиёсатини ҳаётга тадбиқ этишда фақат иқтисодий районлар эмас, балки табиий географик ўлкалар, дарё хавза ва соҳиллари, йирик шаҳарлар ва шаҳар атрофи, алоҳида ва туманлар олиниши мумкин. Аммо ҳудудларни комплекс ривожлантиришда уларнинг хом ашё, меҳнат ресурслари ва демографик салоҳиятидан тўғри ва самарали фойдаланишда энг аввало иқтисодий районлаштиришнинг хизмат қилади.

Мавзу: Минтақавий сиёсатда чет эл тажрибаси.

Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларнинг минтақавий сиёсати

Олдинги мавзулардан маълум бўлдики, ҳар бир мустақил давлат ўзининг минтақавий сиёсатини амалга ошириб боради. Бунинг асосида ишлаб чиқариш, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт, экологик ва демографик вазиятнинг ҳудудуий таркиби ва ҳолатини турлича бўлиши ётади. Табиийки, мамлакатнинг барча ҳудудлари айнан бирдай ҳолатда бўлмайди: қайси бир район яхши ривожлаган, бошқаси ўртачароқ, учинчиси, қоқоқ, тўртинчиси илгари ривожланган, лекин

ҳозирги кунда у тўхтаб қолган ва ҳ.к. Демак, субъект, яъни барча иқтисодий ислоҳотларнинг эгаси-давлатнинг бундай ҳудудларга ўзининг ўзига хос ва мос муносабати бўлмоғи керак. Модомики, айти вақтнинг ўзида ҳамма жойларини бир хил ривожлантириб бўлмас экан, ривожланишга имконияти бор районлар биринчи навбатда танланиши лозим. Бу ерда кўришиб турибдики, эҳтиёж ва имконият бирлиги зарур. Бироқ, имконият эҳтиёждан устунроқ туради, сабаби эҳтиёж бўлса-ю, бунга имконият бўлмаса у минтақани ривожлантириб бўлмайди. Имкониятлар авваламбор шу жойнинг хом ашё, меҳнат ресурслари, қулай географик ўрни, яхши экологик вазият қабиладан ташкил топади. Шу билан бирга ҳудудларда боқимандалик кайфияти бўлмаслиги керак, улар ҳам доимо изланишда, ҳаракатда, эркин ва соғлом рақобатда, ташаббускор бўлиши талаб этилади.

Бу борада аллақачон бозор муносабатларига ўтган ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Тараққий этгани мамлакатларда ишлаб чиқариш кучлари тармоқ ва ҳудудий жиҳатдан юксак даражада ривожланган ҳудуднинг иқтисодий кўрсаткичлари юқори.

Ривожланган мамлакатларда интенсив омиллар етакчилик қилади, янги ўзлаштириладиган ер ва бошқа ресурслар ҳам деярли қолмаган, демографик вазият эса аксарият ҳолларда кескин, яъни аҳоли ва меҳнат ресурсларининг такрор барпо этилиш паст бўлади. Бироқ, бандлик даражаси юқори, ишчи кучи, айтиқса малакасиз, арзон ишчилар етишмайди. Экологик ҳолат ҳам ноҳуш даражада.

Бундай мамлакатларда (Европа давлатлари, АҚШ, Япония ва б.) ялпи миллий маҳсулот ва аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад юқори, ўртача умр кўриш узок, соғлиқни сақлаш ва таълим тизими ривожланган. Улардаги асосий вазифа структуравий ўзгаришлар, ҳозирги замон илмий-техника ютуқларидан фойдаланиш билан боғлиқ. Минтақавий сиёсатда эса асосан пойтахт ва йирик шаҳарлар ривожланишини олдини олиш, айрим ривожланиши тўхтаб қолган ҳудудлар, “муаммоли” районларни жонлантиришдан иборат бўлади.

Минтақавий сиёсат айниқса АҚШ, Франция ва Буюк Британияда самарали олиб борилмоқда. Масалан, АҚШ да 30-40 йилларда Теннеси хавзасини ривожлантириш дастури, кейинчалик эса Аппалачи районини жонлантириш каби муҳим тадбирлар амалга оширилган. Шунингдек, Атлантика соҳиллари, жануб ва шимол районлари, Буюк кўллар минтақаси муаммолари ҳам давлат назарида бўлиб келган.

Франция, айтиш мумкинки, минтақавий сиёсатда, хусусан пойтахт шаҳарчаларининг ривожланишини тартибга солиш борасида бой тажрибаларга эга. Айнан шу мамлакатда ишлаб чиқаришни нотекис ривожланиши пойтахт, Париж шаҳрининг тўхтовсиз ривожланишини жиловлаш мақсадида “контрмагнит шаҳарлар” ёки марказлар концепцияси амалга оширилган: пойтахтдан анча олисда ва турли томонларда жойлашган шаҳарларга катта маблағлар йўналтирилган. Бунинг натижасида улар ниҳоятда жадал ривожланиб моддий ва молиявий ресурсларни, аҳоли миграциясини ўзларига жалб қилган, тортган, Парижнинг эса ҳаддан ташқари йириклашувини олди олинган.

Буюк Британияда Шотландия, Шимолий Ирландия, Лондон конурбаницияси ривожлантириш масалалари давлатнинг минтақавий сиёсати доирасидаги мулк муаммолардир. Аммо пойтахтни тиклаш мақсадида қурилган янги шаҳарлар тез орада Лондон томонидан “ютиб” юборилди, унинг ётоқхона шаҳарларига, “йўлдошларига” айланди. Сабаби-бу шаҳарлар пойтахтдан унча узоқда эмас эди.

Шунингдек, бошқа ривожланган мамлакатларда ҳам минтақавий сиёсат ҳам мавжуд. Чунончи, Германияда “янги ерларни” (яъни собиқ ГДР-ни), пойтахт шаҳар Берлинни ривожлантириш, Италияда жанубий районлари ва Сицилия ороли, Японияда Токио-Йокогама мегаполиси муаммолари ҳал этилиши керак.

Собиқ СССРда ҳам минтақавий сиёсат бирмунча амалга оширилган эди. Бироқ уларнинг барчаси тўлалигича ҳал этилади. Масалан, БАМ минтақаси, Фарбий Сибир, ноқоратупроқ зонаси каби улкан дастурлар бажарилмади.

Лекин, тан олиш керакки, аввалроқ Ангара, Днепр, Волга дастурлари, кўрик ерларни ўзлаштириш, Иккинчи жаҳон урушида вайрон бўлган шаҳарларни тиклаш сингари муаммолар ижобий ҳал қилинган эди. Ҳозирги кунда Россия Федерациясида минтақавий сиёсат давлат даражасига кўтарилган, чунки унинг барча ҳудудлари (Красноярск, Узоқ Шарқ, Шимол, Чечен, Доғистон кабилар) иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ривожланишга муҳтождир.

Ривожланаётган мамлакатларда минтақавий сиёсат

Бу типдаги мамлакатлар, одатда, қазилма бойликларга эга. Бироқ уларни қайта ишлаш учун замонавий технологияси йўқ, арзон ишчи кучи кўп, аммо иш ўринлари кам, малакали ишчилар оз. Шунингдек, бундай мамлакатларнинг кўпчилиги ўтмишда демографик революция босқичини бошдан кечирган. Ҳозирги вақтда улар демографик жараёнлар бўйича ҳам ўтиш даврини ҳам бошдан кечирмоқдалар.

Илгари бутун жаҳон мамлакатлари асосан уч гуруҳга бўлинар эди: капиталистик, социалистик ва “учинчи дунё”, яъни ривожланаётган мамлакатлар. Сўнгги гуруҳ мамлакатлари кейинчалик ё капиталистик, ёки социалистик йўлни танлаб олишлари мумкин эди. Ҳозирги даврда мамлакатларни сиёсий тузумларга қараб эмас, балки иқтисодий ривожланиш йўллариغا асосланиб ажратилади.

Учинчи гуруҳ мамлакатларнинг айримлари юксак даражага эришдилар ва улар барча макроиқтисодий кўрсаткичларга кўра ривожланган мамлакатлар сафига яқинлашдилар. Улар жумласига Бразилия, Аргентина, Чили, Австралия каби мамлакатларни киритиш мумкин. Шу билан бирга бирга яқинда “Осиё кичик аждоҳолари” деб аталувчи жанубий-шарқий осие мамлакатлари (Сингапур, Малайзия, Филиппин, Жанубий Корея ва б.) катта ютуқларга эришдилар.

Ривожланаётган мамлакатлар орасида “ривожланмаётган”лари ҳам бор. Улар, аслини олганда, аграр, яъни қолоқ мамлакатлар ҳисобланади (кўпчилик африка давлатлари, Непал, Бутан ва б.) ва аксарият ҳолларда ноқулай географик ўринга эга материклар ичкарасида, денгиз ва океанлардан анча олисда

жойлашган. Бу типдаги мамлакатларда инфляция ва ишсизлик авж олган, аҳолининг нисбий эмас балки мутлоқ ортиқчалиги сезилиб турилади: касалланиш ва болалар ўлими юқори, ўртача умр кўриш даври қисқа, саводхонлик даражаси паст бўлади.

Табиийки, ривожланаётган мамлакатларнинг кўпчилиги ҳозирча ўзларининг ички минтақавий сиёсатини ўтказишга қодир эмас. Бинобарин, уларнинг баъзиларида ривожланган мамлакатларда, энг аввало Францияда ишлаб чиқилган иқтисодий ривожланишнинг ҳудудий ташкил этиш модели тадбиқ этилмоқда.

Кўрилаётган мамлакатларнинг минтақавий сиёсати асосан қ уйдаги йўналишлардан иборат:

- пойтахт шаҳарларни ривожлантириш ёки уларнинг ҳаддан ташқари йириклашганини олдини олиш;

- урбанизация жараёнини тўғри йўлга қўйиш;

- миллий иқтисодиётнинг ҳудудий таркибини яхшилаш;

- аграр, аҳолиси зич жойлашган районларни ривожлантириш;

- геоэкологик муаммоларни ҳал этиш ва б.

Юқоридаги муаммоларни ечишда бу мамлакатлар хорижий сармояларга ва ёрдамга муҳтож. Шунингдек, ишлаб чиқариш кучларини ҳудудий ташкил қилиш борасидаги ғояларни ҳам ўзларида тадбиқ этади. Бунинг учун БМТнинг махсус экспертлари юборилади.

Ривожланаётган мамлакатларда энг аввало инфраструктура тизимини жорий қилишга катта эътибор берилади. Айнан шу мақсадда саноат ёки индустриал парклари яратилади. Бунинг учун махсус ташкилотлар ҳудудларни танлаб, уларни инфраструктура жиҳатидан жиҳозлайди, яъни йўл, сув, электр тармоқлари, темир йўл, ер усти ва ости қурилмалари (коммуникациялари) тайёрланади, бўлажак саноат корхонасининг биноси ҳам қурилади. Тайёрланган жой саноат парки саноатчиларга сотилади ёки ижарага берилади.

Ана шу тарзда миллий иқтисодиёт жонлантирилади. Бу муаммо ўсиш маркази ва кутблари орқали ҳам амалга оширилади (ғоя француз иқтисодчиси

Француа Перру томонидан яратилган). Ўсиш марказлари бу махсус танлаган шаҳар, у қулай географик ўрин ва бошқа имкониятларга эга бўлиши керак. Мазкур шаҳарларда (уларнинг сони кўп бўлмайди ва мамлакатларнинг турли ҳудудларда жойлашган бўлади) замонавий саноат корхонаси нефтни қайта ишлаш ёки машинасозлик заводи, металлургия корхонаси кабилар жойлаштирилади ва натижада улар ўсиш марказига айланади. Кейинчалик бу марказларда қурилган корхоналар билан боғлиқ ёки технологик жараённинг давоми сифатида турдош (“қариндош”) корхоналар барпо этилади. Масалан, нефтни қайта ишлаш заводи яқинида пластмасса, полиэтилен, резина-шиша заводлари пайдо бўлди. Машинасозлик марказлари ҳам турли ёрдамчи корхоналар билан бойитилади. Шундай қилиб, марказ ўсиш қутбига айланади. Мазкур ҳудуднинг атрофга таъсири кучайди, мамлакатда тутган ўрни юксалади.

Ўсиш қутб ва марказлари одатда ҳудуднинг иқтисодий салоҳияти (сиғими) унча кучли бўлмаган, иқтисодий зичлик паст бўлган мамлакатларда яратилади. Бундай иқтисодий-географик муҳитда барпо этилган ўсиш қутб ва марказлари бамисоли юлдуздек порлаб туради, атрофга ўзининг нурини сочади. Агар аввалари марказга интилувчи куч зўрлик қилган бўлса, кейинчалик физикадаги диффузия қонунидек, атрофга таъсир кучаяди. Ҳудудий иқтисодий зичлик ошгандан сўнг “марказий ўринлар” ғояси (Кристаллар-Лёш) қўлланилиши мумкин. Бу ғоя кўпинча ривожланган ҳудудларда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасида минтақавий сиёсатнинг тарихи

Маълумки, собиқ Иттифоқ даврида юзаки бўлсада (амалда у деярли рўёбга чиқмади) ўтмишда қолоқ бўлган чекка республикаларнинг иқтисодий ривожланишини тезлаштиришга эътибор берилган. Эришилган натижалар асосан 1913 йилга нисбатан солиштирилган эди. Оқибатда миллий республикалар саноати ва бошқа иқтисодий кўрсаткичлар ниҳоятда юксак даражада ривожланган бўлиб кўринарди. Дарҳақиқат, бу республикаларда, жумладан Ўзбекистонда замонавий саноат корхоналари, темир йўллар йўқ ёки

ўта заиф эди. Шунинг учун бўлса керак, солиштирма рақамлар жуда юқори бўларди.

Агар тарихга тўғри қарайдиган бўлсак, собиқ шўролар даврида Ўзбекистон мамлакатнинг асосан хом ашё базаси сифатида ривожлантирилди, миллий иқтисодиёт эса бир томонлама, пахта якка ҳокимлигига асосланган эди. Тўғри, шу билан бирга, турли сабаб ва шароитлар туфайли бу ерда электр энергетикаси, қора ва рангдор металлургия корхоналари (Чирчиқ ГЭС каскади, Фарход ГЭС, Олмалиқ, Бекобод, Зарафшон саноат марказлари ва ҳ.к) барпо этилди. Аммо маҳаллий хом ашё мавжудлигига қарамасдан хатто енгил (тўқимачилик) саноати ҳам ривожланмади.

Республиканинг минтақавий сиёсати суи даражада эди, чунки унинг ўзи Иттифоқнинг алоҳида минтақаси ҳисобланарди. Бироқ, шунга қарамасдан бу хусусда айрим фикрларни айтишимиз мумкин. Масалан, 50 йилларда Фарғона водийсини ҳар томонлама ривожлантиришга катта эътибор берилди. Айнан ана шу водийга тегишли ҳолда Иттифоқ миқёсида тан олинган **“минтақаларнинг комплекс муаммолари”** илмий-амалий йўналиши яратилди.

Бундан ташқари 1956 йилдан бошлаб Мирзачўлни ўзлаштириш ишлари олиб борилди. Бу ишлар 60 ва 70 йилларда ҳам давом эттирилди. Натижада йирик пахтачилик минтақаси шаклланди ва унинг асосида Сирдарё вилояти ташкил қилинди. Бироқ, ҳозирги кун нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, бу ҳудудда соф пахта якка ҳокимлиги вужудга келди, амалда комплекс ривожлантириш бўлмади; хатто мавжуд пахта хом ашёси негизида бирорта тўқимачилик корхонаси ҳам қурилмади.

Учинчи мисол сифатида Ангрен-Олмалиқ тоғ-кон саноатини кўрсатиш мумкин. Бу минтақада қўнғир кўмир, рудали конлар, қурилиш хом ашёси ва бошқалар асосида йирик саноат мажмуаси ва марказлари бунёд этилди. Ангрен – кўмир, Олмалиқ-рангдор металлургия ва химия. Оҳангарон цемент ва ун саноати маркази шаклида ривожланди. Асосий камчилик бу ерда, албатта, атроф муҳитнинг ифлосланиши, экологик муаммоларнинг кескинлашуви бўлди.

70-йилларда Қарши даштини ўзлаштириш ишлари авжига чиқди. Бунинг натижасида Қашқадарё вилоятида йирик пахтачилик минтақаси вужудга келди. Кейинчалик қишлоқ хўжалигининг бу соҳаси бу кон химияси, нефть ва газ, озиқ-овқат саноати билан биргаликда ривожланиб борди, йирик Толимаржон ГРЭСининг қурилиши бошлаб юборилди. Муборак, Косон, Толимаржон каби саноат шаҳарлари вужудга келди.

Собиқ Иттифоқ даврида республикамизнинг минтақавий сиёсати Қуйи Амударёга ва хусусан, Қорақалпоғистонга ҳам қаратилган эди. Орол муаммосини ҳал этиш, минтақа хом ашёси ва минерал ресурсларидан кенг ва самарали фойдаланиш назарда тутилган эди. Бироқ, бундай минтақавий дастурлар ҳам тўлалигича амалга оширилмай қолди.

Шунингдек, навқирон Жиззах вилояти, Сурхондарёнинг Шеробод дашти, Наманганнинг адир зонасини ривожлантиришга ҳам аҳамият берилган эди. Шулар қаторида республика пойтахти-Тошкент шаҳрини ободонлаштириш ишлари ҳам олиб борилди (уй-жойлар, маданий ва маъмурий бинолар, метрополитен қурилди).

Бошқа республикаларда бўлганидек, йирик шаҳарлар ривожланишини чегаралаш, кичик ва ўрта шаҳарларни фаоллаштириш масаласи қўйилган эди. Аммо бундай тадбир ва дастурлар ҳам амалда деярли бўлмади.

Шундай қилиб, собиқ социалистик тузумда Иттифоқ ва республика миқёсида минтақавий сиёсат у ёки бу даражада олиб борилди СССР давлат режалаштириш қошидаги Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш (СОПС) кенгашида 19 та иқтисодий районга мос равишда алоҳида, махсус бўлимлар мавжуд эди, академик. Н.Н.Некрасовнинг “минтақавий иқтисодиёт” (“Региональная экономика”) монографиясининг 2 та нашри чоп этилган эди. Ўзбекистонда ҳам “СОПС” юқорида келтирилган минтақаларда ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари масалалари билан шуғулланган. Бироқ, бундай тадқиқот ва тадбирларнинг барчаси амалда тўлалигича бажарилмади, сабаби-социалистик ғоя ҳудудий тенглаштириш ғояси эдики, у аслида нотўғри эди.

Мавзу: Ўзбекистон Республикаси хўжалигининг ҳудудий таркиби ва шаҳарлар ривожланиши

Ҳар қандай мамлакатнинг ҳудуди бу унинг табиий бойлиги, миллий иқтисодиётнинг ривожланишидаги муҳим омилдир. Бинобарин, мавжуд ҳудуд имкониятлардан, ҳудуднинг демографик, экологик ва иқтисодий сифими-салоҳиятидан тўғри ва самарали фойдаланиш, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг негизидир.

Мустақил мамлакатнинг ўз мулкига, жумладан, ер майдонига эгалик қилиши, энг аввало, унинг ҳудудий жиҳатдан тўғри ташкил этилиши ва бошқарувини назарда тутати.

Ўзбекистон Республикаси ўзининг ер майдони бўйича жаҳон ҳамжамиятида ўртача мавқега эга. Бу жиҳатдан у Европадаги Швеция, Осиёдаги, Ироқ ва Африкадаги Марокаш мамлакатлари билан деярли тенг. Республикамиз майдонига кўра Ҳамдўстлик давлатлари орасида бешинчи, Ўрта Осиёда эса Туркменистондан кейин иккинчи ўринда туради.

Мамлакатнинг умумий чегара узунлиги 6221 км. Давлат чегарасининг энг катта қисмлари Қозоғистон ва Туркменистон билан, энг қисқаси жанубда жойлашган Афғонистонга тўғри келади.

Айни пайтда, республика ҳудудининг шимоли-ғарбдан жануби-шарққа томон, Қуйи Амударё минтақасининг Устюрт қисмидан Фарғона водийсининг Андижон вилоятигача чўзилганлиги унинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, маъмурий-ҳудудий тузилмаси ва бошқарув тизимларга турлича таъсир қилади. Чунончи, мамлакатнинг бу шаклдаги геоқиёфаси унинг кўп мамлакатлар билан қўшничилигини, шунингдек, ҳудудининг транспорт инфраструктураси ва ташқи иқтисодий алоқалар жиҳатидан ўтувчанлиги ёки транзит хусусиятга эга эканлигини билдиради.

Шубҳасиз, республиканинг айнан ана шундай геосиёсий мавқеи унинг ривожига ижобий таъсир кўрсатади. Бироқ, шу билан бирга, мамлакат ҳудудининг чўзинчоқлиги унинг ички ижтимоий-иқтисодий ривожланишини ташкил этиш ҳамда аҳолига турли хил хизмат кўрсатиш соҳаларини жорий

килишда маълум қийинчиликлар туғдиради. Бундай вазият, айниқса, мамлакат ягона транспорт тизимини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Шу боис, ҳозирги кунда нефть ва ғалла(дон) мустақиллиги қаторида Ўзбекистоннинг йўл мустақиллиги ҳам ниҳоятда долзарб муаммодир Худди шу мақсадда Учқудуқ-Жанубий Қорақалпоғистон, Ғузур-Бойсун-Қумқўрғон темир йўллари ҳамда Ангрен-Наманган автомобил йўлларининг қурилиши жадал суръатлар олиб борилмоқда. Мазкур йўлларнинг ишга тушиши билан мамлакатимизнинг йўл мустақиллиги таъминланди, қўшни ва ҳудуди туташ мамлакатлар—Қирғизистон ва Тожикистон давлатларнинг ички мунтазам транспорт алоқаларининг амалга ошириши Ўзбекистонга боғлиқ бўлиб қолди.

Маълумки, ҳар бир мамлакатнинг ривожланиши пировард натижада унинг доирасида ҳудудий меҳнат тақсимотини ташкил этилганини билан ифодаланди. Шу нуқтаи назардан қараганда собиқ СССР даврида “Умумиттифоқ” меҳнат тақсимотини ўта марказлашганлиги туфайли алоҳида республикалар имконият ва этиёжлари тўлақонли эътиборга олинмасди. Қолаверса, тўртта собиқ иттифоқдош республикалар Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистон ягона Ўрта Осиё иқтисодий райони сифатида қараларди ва бу район ҳудудий меҳнат тақсимотида яхлит шаклда ўрин олган эди. Табиийки, бундай шароитда республикалар даражаси ва, айниқса, уларнинг ички ҳудудлари “Умумиттифоқ” меҳнат тақсимотида инобатга олинмасди.

Агар бу масалага янада кенгроқ қарайдиган бўлсак, кўпгина собиқ иттифоқдош республикалар ҳудудий меҳнат тақсимотида анча кейинги босқичлардан ўрин олган эди. Унинг биринчи босқичи-ҳалқаро ёки мамлакатлараро меҳнат тақсимоти бўлиб, бунда алоҳида давлат сифатида СССР иштирок этарди. Иккинчи босқич-социалистик мамлакатлар меҳнат тақсимоти, учинчиси-Бутуниттифоқ ва тўртинчиси йирик иқтисодий район (Ўрта Осиё) ичидаги меҳнат тақсимоти бўлиб, у амалда яхши ривожланмаган эди. Алоҳида республика доирасида эса бу жараён янада заиф бўлган.

Демак, ҳозирги кунда ҳар бир мамлакат ичида ҳудудий меҳнат тақсимотини амлага ошириш асосий вазифалардан ҳисобланади. Ушбу муаммони ижобий ҳал этиш ўз навбатида мамлакат иқтисодий район ва минтақаларининг янги тизими ва тўрини шакллантиришга илмий пойдевор бўлиб хизмат қилади. Иқтисодий районлар эса эндиги шароитда кўп босқичли тарзда ажратилади.

Мамлакатимизнинг ҳудуди, унинг давлат чегаралари дахлсиздир айти пайтда, биз кўшни давлатларнинг ҳудуд ва чегараларининг ҳам дахлсизлигини тан оламиз. Бинобарин, ҳар бир мамлакат ягона геосиёсий тизим сифатида ўзининг мустаҳкам ва барқарор ички тузилишига, маъмурий-ҳудудий бўлинишига эга бўлиши керак. Бу ўринда айтиш жоизки, ўтмишда Ўзбекистон ҳудудининг маъмурий вилоятларга бўлиниши, вилоятлар сони ва чегаралари тез-тез ўзгариб турган. Масалан, бир вақтлар Наманган ва Андижон, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларининг бирлаштирилганини кўпчиликка маълум. Айниқса Сирдарё ва Жиззах ҳамда Навоий ва Бухоро вилоятларининг ажратилиши ёки уларнинг қайтадан қўшилиши бунинг натижасида Самарқанд вилоятининг гоҳ кенгайиб, гоҳ қисқариб туриши мамлакат (республика) ички маъмурий тузилмасини барқарорсизлигига олиб келар эди. Айти пайтда, бундай “географик ўйинлар” кўп жиҳатдан салбий оқибатларга сабабчи бўлади. Хусусан, вилоятлар доирасидаги қуйи маъмурий районлар-қишлоқ туманларининг тўри ва таркиби ўзгарувчан бўлган.

Ҳозирги кунга келиб айтиш мумкинки, мустақил Ўзбекистон Республикасининг биринчи даражада маъмурий тузилмаларда ҳудуднинг иқтисодий-ижтимоий ривожланиши учун қулай имкониятлар мавжуд. Айти пайтда улар маъмурий-иқтисодий районлар тўрига ҳам мос келади.

Аммо мамлакатимизда, айниқса, унинг мустақилликка эришганидан кейин иқтисодий районларга ажратиш муаммоли ва шу билан бирга долзарб масаладир. Муаммонинг асосий сабаби энг аввало, республика ичида ҳудудий меҳнат тақсимотининг кенг кўламда ривожланмаганлигидадир. Бундан

ташқари, мамлакат ҳудудининг табиий ва иқтисодий географик жиҳатдан ўзига хос хусусиятлари ҳам районлар тўри ва таркибини мунозарали қилиб кўяди.

Ўйлаймизки, катта иқтисодий ва демографик салоҳиятга эга бўлган ва муҳим сиёсий вазифани бажарувчи республика пойтахти Тошкент ва Тошкент вилоят алоҳида иқтисодий район мақомида ажратилишга ҳақлидир. Шунингдек, асосан янги ерларни ўзлаштириш негизда вужудга келган Сирдарё ва Жиззах вилоятларининг Мирзачўл иқтисодий райони доирасида белгиланиши ҳам мунозарага ўрин қолдирмайди. Худди шунга ўхшаш Бухоро ва Навоий вилоятларида умумлаштирувчи, район ташкил қилувчи муҳим омил бўлиб Қизилқум ва унинг табиий бойликлардан фойдаланиш хизмат қилиши мумкин. Сурхон водийсининг нисбатан алоҳида, Ҳисор тоғларининг жанубида, мамлакатимиз чеккасида жойлашгани, уни ҳам ҳозирча иқтисодий район даражасида ажратишга сабаб бўла олади.

Таъкидлаш жоизки, белгиланган иқтисодий районлар ва уларнинг таркиби озми-кўпми объектив хусусиятга эга. Айни пайтда Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларининг бу борадаги масалалари эса айтарлича аниқ эмас. Баъзилар уларни ягонаа Самарқанд-Қарши иқтисодий райони сифатида ажратишса (бунга маълум тарихий ва иқтисодий география асослари мавжуд), бошқалар бу вилоятларни алоҳида-алоҳида район шаклида кўринишни эътироф этадилар. Бу ерда иккинчи фикр, назаримизда мунозаралироқ туюлди. Гап шундаки, Қашқадарё вилоятларини, унинг анча катта ва табиий захираларига бой бўлган ҳудудни алоҳида иқтисодий район даражасида қабул қилиш имкониятлари йўқ эмас. Бироқ бу фикр ажралиб қолган, майдони нисбатан кичик Самарқанд вилоятига унча тўғри келмаслиги аниқ.

Ҳамма нарсанинг ҳаками вақт деганларидек, ушбу муаммонинг ечими ҳам ҳозирги янгиликларга боғлиқ бўлиб қолди. Чунончи, Ғузор-Бойсун-Қумқўрғон темир йўлларининг қурилиши муносабати билан Қашқадарё ва Сурхон водийси ўртасидаги иқтисодий алоқадорлик анча ривож топди, яқинлашади. Шу боис, уларни биргаликда Жанубий иқтисодий райони шаклида ажратиш имконияти туғилади. Бунинг учун Ҳисор тоғининг икки ён бағрдаги

турли фойдали қазилмалардан ва, айниқса, туз, кўмир, конларини янги темир йўлининг ишга туширилиши шарофати билан ўзлаштирилиши ҳам бу ҳудудни боғловчи ва умумлаштирувчи омил сифатида хизмат қилади.

Шундай қилиб, Қашқадарё вилоятининг мамлакат иқтисодий районлар тизимидаги ўрни анча ривожланади. Энди эса муаммо бўлиб, Самарқанд вилояти қолади. Фикримизча, Бухоро, Навоий ва Самарқанд вилоятларини биргаликда қадимий ва анъанавий ном билан Зарафшон иқтисодий район деб юритилса, катта хатолик бўлмас. Унга далил тарзда тарихий-географик асос-Зарафшон дарёси, Самарқанд ва Навоий, Навоий ва Бухоро вилоятлари ўртасидан катта ҳудудий тафовут йўқлиги (бу айниқса, Нурота Хатирчи ва Қизилтепа туманларига тегишли) ҳамда ўлка табиий салоҳиятининг умумийлиги, жумладан, олтин конларининг мавжудлиги ва бошқа омилларни келтириш кифоя.

Юқоридаги фикр ва мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон ҳудудида қуйидаги иқтисодий районларни ажратиш мумкин:

1. Тошкент иқтисодий райони-Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти;
2. Мирзачўл иқтисодий райони-Жиззах ва Самарқанд вилоятлари;
3. Фарғона иқтисодий райони-Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари;
4. Зарафшон иқтисодий райони-Бухоро, Навоий ва Самарқанд вилоятлари;
5. Жанубий иқтисодий райони-Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари;
6. Қуйи Амударё иқтисодий район-Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятлари;

Ўз навбатда, районларга баъзи бирларини йирикроқ иқтисодий минтақа шаклида бирлаштира ҳам бўлади. Масалан, Тошкент ва Мирзачўл районларни Марказий, Зарафшон ва Жанубий районларни Жанубий-Ғарбий иқтисодий минтақа даражасида белгилаш мумкин. Қолган, географик жиҳатдан яққол ажралиб турган районларни айнан шу таркибда иқтисодий минтақа сифатида қаралишини тавсия этамиз (Қуйи Амударё, Шимолий-Ғарбий, Фарғона водийси-Шарқий минтақа).

Шу билан бирга, асосий иқтисодий районлар ўзларидан кичикроқ бўлган маъмурий-иқтисодий районлар (вилоятлар) ҳамда уларнинг таркибида туманлараро ҳудудий иқтисодий бирликлар (округлар) ажратилади. Чунончи, Қашқадарё вилоятида Шаҳрисабз, Қарши, Муборак ёки Косон, Сурхондарёда-Термиз ва Денов, Наманган вилоятида-Наманган ва Чуст, Қорақалпоғистон-Нукус, Тўрткўл-Беруний, Чимбой, Қўнғирот даражасидаги иқтисодий районлар ўзларининг географик ўрни, табиий ва демографик шароитлари, экологик вазияти ва ресурс имкониятлари бўйича бир-биридан фарқ қилишади. Бинобарин, уларнинг ҳар бирига хос ва мос ривожланиш дастури бўлмоғи лозим. Бундай дастурлар эса ушбу районларни атрофлича ўрганиш ва баҳолаш, таҳлил ва ташхис қилиш асосида ишлаб чиқилади ва у мамлакатнинг махсус минтақавий сиёсати доирасида амалга тадбиқ этилади. Бунинг учун энг аввало ҳар бир районнинг ҳозирги аҳволи, унинг “ҳарорати” аниқланмоғи лозим.

Модомики, барча тармоқлар ва ҳудудларни бир вақтнинг ўзида бирдай юқори даражада ривожлантириш имкониятлари мавжуд эмас экан, у ҳолда бундай имконият ва зарурият бор бўлган алоҳида тармоқ ёки районларга устувор аҳамият берилади. Табиийки, бу ерда ҳамма район ва вилоятлар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини мутлоқ тенглаштириш тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас. Демак, бозор муносабатларига хос рақобат ҳудудлар ўртасида ҳам юзага келади. Бироқ бу рақобат соғлом ва эрқн бўлиши ҳамда давлат томонидан тартибга солиниб туриши керак.

Ҳозирги шароитда ҳар бир вилоятдан ва унинг раҳбариятидан ташаббускорлик ва тадбиркорлик талаб этилади, уларнинг ўзлари илгаридек юқоридан кўрсатма кутмасдан, ривожланиш йўллари ва имкониятларни қидирмоқлари лозим. Бу хусусда, айниқса, ҳудудларнинг инфраструктура тизими бўйича тайёрланганлиги, экологик ҳолати ва бошқа шарт-шароитлар, хорижий сармоядорларни қизиқтира олишлари ва жалб этишлари муҳимдир.

Мамлакат миллий иқтисодиёти ва қудратини ривожлантиришда барча вилоятларнинг ўзига яраша ўрн ва улуши бор. Масалан, Қорақалпоғистон Республикасида Орол бўйи минтақасида экологик муаммони ҳал этиб бориш,

мавжуд кимё саноати хом ашёси ва табиий газ захираларидан тўлароқ ва самаралироқ фойдаланиш, аҳоли яшаш шароитини, унинг саломатлигини тубдан яхшилаш, ижтимоий инфраструктура тизимни такомиллаштириш, энгил ва озиқ-овқат саноатини жадал рвиожлантиришга алоҳида эътибор берилади. Шунингдек, ушбу республикани мамлакатимизнинг ички районлари билан темир йўл орқали бевосита боғлаш ҳам долзарб масала ҳисобланади.

Хоразм вилоятида асосий масала меҳнат ресурслардан тўла фойдаланиш, қишлоқ инфраструктураси ва саноатини ривожлантириш, экология соҳасидаги муаммоларни бартараф этишдан иборатдир. Айни пайтда, унинг истиқбол йўналишини Қорақалпоғистон Республикаси билан биргаликда, мамлакатимизнинг энг чеккачида ва Европа давлатларига нисбатан яқин жойлашган иқтисодий минтақа доирасида олиб борилиши мақсадга мувофиқдир.

Бухоро вилоятининг яқин келажакдаги ривожланиши энг аввало Қоравулбозор нефтни қайта ишлаш мажмуасини кенгайтириш билан белгиланади. Шу билан бирга бу ерда қишлоқ хўжалиги ва агросаноат мажмуига ҳам катта эътибор берилади.

Навоий вилоятнинг юқори даражадаги индустриал ривожланиши сақланиб қолинади ва у янада жадаллашади. Вилоят ҳудудида ҳали ўрганилмаган табиий захиралар ва маъданлар кўп. Улар асосида рангли металлургия, кимё ва ёқилғи саноати ривожланиб боради. Шунингдек, бу ерда ва хусусан вилоят жанубида экологик муаммоларини ҳал этиш, энгил ва озиқ-овқат саноатини, суғорма деҳқончиликни ривожлантириш муҳим масалалардандир.

Самарқанд-мамлакатимизнинг қадимий ва ҳозирги кундаги “иккинчи шаҳар” мавқеини сақлаб қолади. Ушбу шаҳар ва унга бўйсунувчи вилоятда агросаноат мажмуи, рангли металлургия, халқаро туризм ва бошқаларга аҳамият берилади.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини мустаҳкамлашда Қашқадарё вилоятининг алоҳида ўрни бор. У айниқса ёқилғи-энергетика, кимё, дон пахта

ва бошқа маҳсулотларни етиштиришда муҳим ўринни эгаллайди. Мамлакатимиздаги энг йирик Кўкдумалоқ нефт ҳамда Шўртанг газ конларининг ўзлаштирилиши, улкан Толимаржон ГРЭС-ининг ишга тушурилиши наинки вилоят, балки бутун мамлакат иқтисодий ривожига кучли таъсир кўрсатади.

Кўшни Сурхон водийсининг яқин келажакдаги истиқболи кўмир, туз, рангли металл конларидан фойдаланиш, Ғузор-Бойсун-Қумқўрғон темир йўлини ишга тушириш, ингичка толали пахта етиштириш ва уни қайта ишлаш билан тавсифланади. Шу билан бирга вилоятнинг ривожланишини унинг иқтисодий ва сиёсий мавқеини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Жиззах ва Сирдарё вилоятларининг ҳозирги иқтисодий ва айниқса саноат салоҳиятлари унча юқори эмас. Бу борада бизнинг вилояти бироз ресурс имкониятларига эга (рангли ва нодир металллар, қурилиш материаллари хом ашёси ва ҳ.к.). Сирдарё вилояти эса мамлакатимизда минерал хом ашёга танқис бўлган район ҳисобланади. Мавжуд имкониятлардан келиб чиқиб, ушбу вилоятларни асосан агросаноат мажмуи ҳамда уларни эркин иқтисодий минтақа мақомида ривожлантириш маъқулроқ. Бунинг учун районнинг иқтисодий географик мавқеи, унинг Тошкент, Фарғона ва Зарафшон районларининг ўртасида жойлашганлиги ҳам қулайлик яратади.

Фарғона иқтисодий райони вилоятларнинг ривожланиши, энг аввало. Бу ердаги ортиқча меҳнат ресурслари ва қишлоқ хўжалик хом ашёлари билан белгиланади. Шунингдек, Асакада ишга туширилган “ЎзДЭУ” автокорхонаси минтақа саноатининг тармоқлари ва ҳудудий таркибига катта ўзгаришлар киритади.

Анджон вилоятида машинасозлик ва енгил саноат, Фарғонада кўп тармоқли саноат мажмуи-енгил, нефть-кимё, қурилиш материаллари, озиқ-овқат, мебель, Наманганда-енгил саноат устувор даражада ривожланиб боради. Айни пайтда водийда пахта (айниқса, “Анджон усули” асосида), пилла, узум ва мева етиштириш, улар билан боғлиқ агро саноат мажмуини ривожлантириш ўз анъанавийлигини сақлаб қолади.

Тошкент иқтисодий районида Ангрэн-Олмалиқ тоғ-кон саноати, рангли ва қора металлургия, тўқимачилик саноат тармоқлари, шаҳар атрофи хўжалиги ривожланишига асосий урғу берилади. Шу билан бирга вилоятда экологик вазиятни яхшилаш ҳам долзарб масала ҳисобланади.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг, унинг пойтахти Тошкентга бўлган муносабат тубдан ўзгариб бормоқда. Авваламбор бу ерда пойтахт шаҳарга хос ва мос бўлган соҳалар, хусусан, унинг сиёсий функцияларига катта эътибор берилади. Модомики, Тошкент жаҳон ҳамжамияти ва геосиёсий тузилмасида расман бутун Ўзбекистон номидан “муомала” қилар экан, у ана шу масъулиятли ва нуфузли бош вазифага муносиб даражада бўлиши давр талабидир. Шу сабабдан пойтахтимиз Тошкентда яқин келажакда ҳам ободонлаштириш ва шаҳар қурилиш борасида кўп ишлар олиб борилади.

Ҳар қандай сиёсий жиҳатдан мустақил давлатнинг қудрати ва салоҳияти, энг аввало, унинг бош шаҳар-пойтахти билан ифодаланади. аини вақтда пойтахт шаҳар мамлакат вилоятлари ва уларнинг маъмурий марказлар, йирик саноат, фан ва техника марказлари билан бақувватдир. Мамлакат ичкарисда ягона ва мустақкам хўжалик тизимининг мавжудлиги унинг пойтахтига бемалол ташқи геосиёсий вазифаларни бажаришга имкон беради.

Худудий-иқтисодий ривожланиш ўз моҳиятига кўра иқтисодий географик жараёндр. Унинг асосида худудий меҳнат тақсимооти, хўжалик тармоқларининг шаклланиши ва иқтисодий районларнинг вужудга келиши ётади. Ушбу жараён бир вақтнинг ўзида ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви ва мужассамлашув эса энг аввало шаҳарлар тўри ва тизимида ўз аксини топади.

Демак, шаҳарлар мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётини ташкил этишда, худудий таркиб ва тизимнинг ривожланишида муҳим аҳамиятга эга. Бу ўринда айниқса йирик шаҳарлар ва шаҳар агломерацияларининг роли катта.

Албатта, мамлакатнинг геосиёсий ва худудий-хўжалик тузилмасида йирик шаҳарлар етакчи ҳисобланади. Бироқ, барча иқтисодий минтақа, район ва вилоятлар бундай шаҳарлар гуруҳи билан бирдай таъминланмаган. Масалан,

Марказий (Тошкент), Шарқий (Фарғона) ва Жанубий-Ғарбий минтақаларнинг ҳар бирида йирик шаҳарлар 5 тадан, Шимолий-Ғарбда улар камроқ-атиғи (Нукус ва Урганч). Худди шундай, вилоятларнинг урбанистик таркибида ҳам бирдай вазият йўқ. Чунончи, Тошкент ва Фарғона вилоятлари бу хусусда анча олдинда, қолган вилоятларда (Сирдарё вилоятидан ташқари) биттадан йирик шаҳар мавжуд.

Йирик ва ўрта шаҳарлар географияси айна пайтда мамлакат ҳудудий-иқтисодий тузилмасининг ўзагини (“қовурғасини”) ташкил қилади. Бинобарин, уларнинг ривожланишини тартибга солиб бориш республиканинг минтақавий сиёсатини амалга оширишда асосий таянч омили бўлиб хизмат қилади.

Яқин келажакда йирик марказлардан Нукус, Қарши, Навоий ва Жиззах шаҳарларини кўпроқ ва устуворроқ ривожлантириш мақсадга мувофиқ. Уларни биринчи даражадаги ўсиш қутблари сифатида кўриш мумкин. Айна пайтда Тошкент ва Фарғона водийси йирик шаҳарларни ривожланиши ер-сув, экологик муаммоларни эътиборга олган ҳолда амалга оширмоқ маъқул. Худди шу нуқтаи назардан типик саноат шаҳарлари Чирчиқ, Ангрен ва Олмаликнинг ҳам ўсишини тартибга солиш лозим. Охириги 5-10 йил давомида Ўзбекистон йирик шаҳарлари гуруҳининг олдинги сафларида ўзига хос “мусобақа” борди. Самарқанд, Наманган, Андижон шаҳарларининг демографик жиҳатдан ривожланиши бир хил бўлмади. Бунинг натижасида, турли сабабларга кўра, Наманган Андижондан “ўзиб” кетди ва энг охириги йилларда у ҳатто анъанавий “иккинчи шаҳар” Самарқанддан ҳам олдинги ўринга чиқиб олди.

Тўғри, шаҳардаги аҳолининг миқдори унинг ривожланганлиги, қудрати ва салоҳиятининг, катталигининг бирдан-бир кўрсаткичи, меъзони эмас. Бироқ, аксарият ҳолатда айнан ана шу омил эътиборга олинади. Шу жиҳатдан Самарқанднинг демографик ривожланишини бироз жадаллаштириш талаб этилади. Бунга эса, энг аввало, “механик” равишда, яъни унинг яқинида жойлашган. Самарқанд шаҳар ҳокимиятига қарашли Кимёгарлар, Фарҳод Хешрав шаҳарчалари ҳамда туташ қишлоқларни шаҳарнинг маъмурий таркибига киритилишини назарда тутиш керак.

Шунингдек, қолган йирик шаҳарлар ривожланиши ҳам мамлакат регионал сиёсатини амалга оширишда эътиборга олинishi, бу муаммолар улар ташкил этган ва бошқараётган ҳудудий-иқтисодий тузилмалар доирасида ечиб борилиши лозим. Айни чоғда ўрта шаҳарлар ва айниқса Гулистоннинг ривожининг жадаллаштириш зарур. Чунки у бу хусусда, яъни вилоят марказлари орасида анча орқада қолмоқда.

Олдин таъкидлаганимиздек, кичик шаҳарларнинг катта муаммолари мавжуд. Уларнинг аҳамияти айниқса мамлакатимизнинг қишлоқ жойлар ижтимоий-иқтисодий тараққиётини фаоллаштиришда ифодаланади ўз аксини топади. Бинобарин, қуйи маъмурий районларнинг марказлари - “биринчи пойтахтлари” бўлмиш кичик шаҳар ва шаҳарчалар ривожланиш муаммолари ҳам назарда четда қолмаслиги лозим.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикасини сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришда унинг мустақиллиги ва мустаҳкамлигини ички жиҳатдан таъминловчи ҳудудлар-вилоят, шаҳар ва районларининг ўрни каттадир. Шу боис, юқорида баён этилган фикрлардан келиб чиққан ҳолда мамлакат ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши бўйича давлатнинг махсус минтақавий сиёсати ва мақсадли дастурлари илмий асосда яратилиши замон талабидир.

Мавзу: Ўзбекистон Республикаси маъмурий-ҳудудий бўлиниши.

Ҳар қандай мамлакатнинг геосиёсий тизим сифатида шаклланишини унинг маъмурий-ҳудудий бўлиниши асослаб беради. Айни вақтда, у давлат ва ижтимоий ташкилотлар, молия, солиқ, каби қатор тизимлар фаолиятини амалга ошириш, ижтимоий-иқтисодий алоқаларни ҳудудлар доирасида ижобий тарзда ривожлантириш масалаларини тўғри ҳал этишда ҳам катта ўрин тутади.

Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида турли тарихий даврларда маъмурий-ҳудудий бўлиниш ҳар хил бўлган. Масалан, 16-18 асрларда Хива хонлиги, Бухоро амирлигида уларнинг маъмурий-ҳудудий бўлиниши турлича номланган. Хива хонлигининг маъмурий бўлиниши “вилоят” деб аталган бўлса, 18-асрдан бошлаб “бекликлар” тушунчаси қўлланилган. Энг кичик маъмурий бўлиниш

эса “мачитқўм” деб юритилган. Дастан хонлиқда 16-вилоят, 2-ноиблик, кейинчалик вилоятлар сони 22 тага етган. Уларни хон томонидан тайинланган хоким ва ноиблар бошқарган.

20-аср бошларига келиб мамлакатимиз маъмурий-худудий бўлинишида катор ўзгаришлар содир бўлди. Бу даврда Ўзбекистон маъмурий жиҳатдан Туркистон генерал-губернаторлиги ва Россияга қарам бўлган Бухоро амирлиги ҳамда Хива хонлигига бўлинган. Туркистон генерал - губернаторлигида асосий маъмурий-худудий бирликлар вилоят (область), уезд, волость, участка ва оксоқолликлардан иборат бўлган. Ушбу сиёсий - географик худуд Сирдарё, Самарқанд, Фарғона, Етгисув, Закаспий вилоятлари ва Амударё бўлимига ажратилган. Бухоро амирлиги худуди 29 та вилоятга, вилоятлар эса амлоқларга, амлоқлар қишлоқларга ажратилган. Бухоро шаҳри ва унинг атрофидаги 11 та туман (ҳозирги Бухоро вилояти) алоҳида маъмурий бирликлар ҳисобланган. Бу даврда Хива хонлигида 20 та беклик, 2 та ноиблик ва Хива шаҳрига бўлинган. Беклик ва ноибликлар, ўз навбатида, аминлик ва масжид-қавмлардан иборат бўлган. Хонлик ва амирликлар тугатилганидан сўнг маъмурий-худудий бўлинишда ҳам бир қанча ўзгаришлар рўй берди. Жумладан, 1920 йил 8 октябрда Бухоро ва Хоразм Халқ Совет Республикалари расман эълон қилинади. Шу йили куз ойида маъмурий-худудий бўлиниш ўтказилиб, у вилоятлар, туманлар, кентлар, амлоқлар ва қишлоқларга бўлинди. 1923 йилда Бухоро маъмурий-худудий бўлинишга тузатишлар киритилиб, 8 та вилоят (Бухоро, Кармана, Нурота, Чоржўй, Қарши, Шаҳрисабз, Шеробод, Қарки), 28 та туман ва Шарқий Бухорога айлантирилган.

Хоразм Халқ Совет Республикаси худуди 28 та туманга ажратилган, 1924 йилда эса унинг таркибида уч вилоят (Қозоқ - Қорақалпоқ, Янги Урганч, Тошҳовуз) ва Хива тумани ташкил этилади. Ушбу йилда Ўрта Осиёнинг миллий - худудий чегараланиши натижасида Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси тузилади. Унинг таркибида дастан 7 та вилоят (Самарқанд, Тошкент, Фарғона, Зарафшон, Сурхондарё, Қашқадарё, Хоразм), Конимех

автоном райони ва Тожикистон АССР бўлган. 7 вилоят ўз навбатида 23 уезд, 240 волостга ва 1163 қишлоқ советларига бўлинган (Абдуразоқов, 1987,.б.30).

Маъмурий-иқтисодий районлаштиришнинг амалга оширилиши муносабати билан 1926 йил 29 сентябрда 1924 йилда ташкил этилган маъмурий-худудий бўлиниш тугатилиб, уларнинг ўрнига 10 округ (Хоразм, Қашқадарё, Сурхондарё, Тошкент, Андижон, Қўқон, Хўжанд, Бухоро, Ўрта Зарафшон, Самарқанд), 1 автоном республика (Тожикистон АССР), 87 туман ва 1746 та қишлоқ фуқоролар йиғини ташкил этилган. Бироқ, 1930 йилда округларга бўлинишлар ҳам бекор қилинади ва уларнинг ўрнига 9 шаҳар, 84 та туман, 1696 та қишлоқ шўросидан иборат бўлган маъмурий бўлиниш ташкил этилади.

Марказ кўрсатмаси билан 1929 йилда Ўзбекистон таркибида бўлган Тожикистон мухтор республикаси собиқ СССР таркибидаги Иттифокдош республикага айлантирилди. Республикамизда маъмурий-худудий бўлиниш 1937 йилги Конституцияда расмийлаштирилди. Бу вақтга келиб, унинг таркибида бир мухтор республика, 3 округ, 109 туман, 22 шаҳар, 16 шаҳарча ва 1392 қишлоқ шўроси бўлган. 1938 йил 15 январдан бошлаб мамлакатимиз худудидаги ҳозирги вилоятлар қайта шакллана бошлади. Шу йили Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятлари ташкил қилинади. 1941 йилнинг 6 мартда Андижон, Наманган, Сурхондарё, орадан икки йил ўтиб эса Қашқадарё вилояти ажратилади.

1957-1961 йиллар мабойнида собиқ Иттифокда олиб борилган маъмурий-худудий бирликларни йириклаштириш сиёсати натижасида республика маъмурий-худудий бирликларида ҳам бир қатор ўзгаришлар рўй берди. Жумладан, Наманган вилояти Андижон ва Фарғона вилоятларига, Қашқадарё эса Сурхондарё вилоятига қўшиб юборилди. Шу билан бирга мавжуд 117 та қишлоқ туманларидан 56 таси тугатилди (Рўзиев. А, Абирқулов Қ, 2001, б. 10). Бироқ, республика маъмурий-худудий бўлинишида амалга оширилган ислохотларнинг хўжалик-амалий ва илмий нуқтаи назардан асосланмаганлиги қисқа муддатда намоён бўлди. Ўтказилган ўзгаришларнинг камчиликларини

бартараф этиш мақсадида 1962-1964 йилларда Андижон, Тошкент, Самарқанд ва Фарғона вилоятларида бошқариш тизимида саноат ва қишлоқ хўжалик кенгашлари ва уларнинг ижроия кўмиталари ташкил қилинди. Давлат органларининг *ишлаб чиқариш принципи* бўйича бўлинганлиги муносабати билан ушбу вилоятларда шаҳар кенгашларига бўйсунувчи шаҳар ва шаҳарчалардан иборат бўлган саноат зоналари барпо этилди. Лекин шунинг натижасида юқорида санаб ўтилган минтақаларда бошқариш тизимининг ягоналиги йўқотилиб, фаолиятининг самарадорлиги сезиларли тарзда пасайиб қолди. Рўй берган муаммоларни бартараф этишни кўзлаб, 1964 йил ноябрь ойида саноат ва қишлоқ хўжалик бошқариш органлари тугатилди ва ягона ҳокимият тизими қайта тикланди.

Республика ҳудудидаги янги ерлар ва табиий ресурсларнинг ўзлаштирилиш жараёни унинг янгидан маъмурий-ҳудудий бўлинишига бирмунча асос яратиб берди. Чунончи, Қарши чўлининг ўзлаштирилиши 1964 йил 7 февралда Қашқадарё вилоятининг қайта тикланишига, Мирзачўлнинг ўзлаштирилиши Сирдарё вилоятининг ташкил топишига, Фарғона водийсида ишлаб чиқариш кучларининг жадал ривожлантирилиши Наманган вилоятининг қайта тикланишига, Жиззах чўлларининг ўзлаштирилиши Жиззах вилоятининг ташкил бўлишига сабаб бўлди.

Мамлакатимизда кон-металлургия саноатини ривожлантириш мақсадида 1982 йил 20 апрелда Бухоро ва қисман Самарқанд вилояти ҳудудларидан иборат бўлган Навоий вилояти ташкил этилган. Бироқ, у орадан олти йил ўтиб, маъмурий бирлик сифатида тугатилди. 1992 йилда қайта вилоят тарзида тикланди.

Ўзбекистоннинг маъмурий-ҳудудий бўлиниши мустақиллик йилларида сифат жиҳатидан янги - бозор муносабатларига мувофиқ келадиган босқичга кадам қўйди. Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси “Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳуқуқий тизими” деб аталган 16 бобининг 68-моддасида шундай

Ўзбекистон Республикаси маъмурий-худудий бўлиниши (01.01.2011 й.)

Маъмурий бирликлар	Ташкил топган вақти	Маъмурий маркази	Майдони минг. кв. км	Қишлоқ туманлари	Шаҳарлар сони	Шаҳарчалар	Қишлоқ фуқаролар йиғинлари	Қишлоқ аҳоли пунктлари
Ўзбекистон Республикаси	1924	Тошкент ш.	448,9	157	120	1063	1471	10865
Қорақалпоғистон Республикаси	1925	Нукус	166,6	14	12	26	138	1172
Андижон	1941	Андижон	4,30	14	11	78	90	458
Бухоро	1938	Бухоро	40,32	11	11	62	120	1459
Жиззах	1990	Жиззах	21,21	12	7	42	100	524
Навоий	1992	Навоий	110,99	8	6	36	58	594
Наманган	1967	Наманган	7,44	11	8	120	99	403
Самарқанд	1938	Самарқанд	16,77	14	11	88	125	1873
Сурхондарё	1941	Термиз	20,10	13	8	114	120	740
Сирдарё	1963	Гулистон	4,28	8	5	21	68	268
Тошкент	1938	Тошкент	15,26	14	16	97	146	875
Фарғона	1938	Фарғона	6,76	15	9	197	161	993
Хоразм	1938	Урганч	6,05	10	3	58	98	561
Қашқадарё	1964	Қарши	28,57	13	12	123	148	945
Тошкент ш.	VII ас.	Тошкент	0,33	—	1	1	—	—

Манба: Ўзбекистон Республикаси маъмурий-худудий бўлиниши, 2011 й.


дейилган. “Ўзбекистон Республикаси вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, кишлоқлар, овуллар, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасидан иборат”. Конституциянинг 69-моддасида эса Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳарлар, туманлар ташкил қилиш ва уларни тугатиш Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг розилиги билан амалга оширилиши кўрсатиб ўтилган (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 1998, б 14). Ўзбекистон Республикаси ҳозирда Қорақалпоғистон Республикаси, 12 та вилоят ва Тошкент шаҳридан иборат.

Ўз навбатида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар таркибига шаҳарлар, кишлоқ туманлари, шаҳарча ва кишлоқлар киради.

Мамлакатимиз маъмурий - ҳудудий қисмларини уларнинг ҳуқуқий мақомига кўра, қуйидаги 3 тоифага ажратиш мумкин (1-чизма).

1-чизма

Ўзбекистон Республикаси маъмурий-ҳудудий бирликларининг тоифалар бўйича тақсимланиши



Манба: Ўзбекистон Республикаси конституциясини ўрганиш. Т., 2001. Б. 265

Чизмада келтирилган юқори тоифадаги қисмлар-Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан ташкил топади. Ўрта тоифадаги қисмлар-қишлоқ ва шаҳар туманлари, вилоятга бўйсунувчи шаҳарлардан иборат. Қуйи тоифада эса туманга бўйсунувчи шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқ ва овулларнинг фуқаролар йиғинлари ўрин олади.

Қорақалпоғистон Республикаси – Ўзбекистон Республикаси таркибига кирувчи суверен давлат сифатида 1992 йил 9 январда эълон қилинган. Майдони 166,6 минг кв км, аҳолиси 1648,9 минг кишини ташкил этади (01.01.2011 й). Унинг таркибида 14 қишлоқ тумани, 12 шаҳар, 26 шаҳарча, 138 қишлоқ фуқаролар йиғини мавжуд.

Вилоятлар ҳам юқори тоифадаги қисмлардан саналиб, мамлакатнинг минтақавий сиёсатини амалга оширишда муҳим объект сифатида хизмат қилади. Вилоятларда ижтимоий ишлаб чиқариш жараёни тўлиқ бўлиб, айти вақтда, улар бошқарув субъекти ҳам ҳисобланади.

“Вилоят” атамаси “область” сўзининг синоними, областга қараганда маъмурий-худудий тузилишнинг айнан маъносини беради. Чунки “область” нафақат маъмурий бирликка, балки табиий, иқтисодий, ҳарбий бирликларга ҳам ишлатилади. Вилоятлар ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришнинг хусусиятлари, транспорт ва коммуникацияларнинг ривожланиши, жойлардаги бошқарув тизимининг ташкилий тузилишини ўзида акс эттиради (Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш – Т.; 2001, б. 263).

Ҳозирда республикамизда 12 вилоят мавжуд бўлиб, умуман олганда, сўнги йилларда уларнинг сони барқарор сақланиб қолмоқда. Мавжуд геосиёсий тузилмада Тошкент шаҳри ўзининг иқтисодий салоҳияти (мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 15,9 %, саноат маҳсулотининг 17,8 %), фан ва маданият ўчоғи (29 та университет ва институт) эканлиги, шунингдек, давлат ва бошқарув органларининг деярли барчаси жойлашганли сабабли пойтахт шаҳар юқори тоифадаги бўғинга мос келади. Ушбу шаҳарда 2260,5 киши (01.01.2011 й.) истиқомат қилади. Унинг таркибида 11 шаҳар тумани, 445 та ўзини-ўзи

бошқарадиган фуқаралар йиғини - маҳаллалар мавжуд. Майдони 0,33 минг квадрат километрни ташкил этади.

“**Туман**” Темурийлар даврида қўлланилган ибора бўлиб, 10 минг ва ундан ортиқ аскар етказиб бера олиш имкониятига эга бўлган маъмурий-ҳудудий бирликлар маъносида ишлатилган (Ўзбекистон Республикаси конституциясини ўрганиш - Т., 2001, б. 267). Ҳозирда туманлар жойлардаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий масалаларни ҳал қилувчи асосий бўғинлардан ҳисобланади. Республикамиздаги маъмурий-ҳудудий ўзгаришлар, авваламбор, туманлар чегарасининг ўзгариши билан амалга оширилади. “Ўзбекистон Республикаси маъмурий-ҳудудий тузилиши, топономик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида”¹ ги қонуннинг 10-моддасига кўра, вилоят бўйсунувидаги шаҳарлар туркумига, қоида тариқасида, камида 30 минг аҳоли бўлган, муҳим аҳамият касб этадиган, истиқболли иқтисодий ва маданий марказлар деб ҳисобланган шаҳарлар киритилиши мумкин. 2011 йил 1 январ ҳолатига **вилоятга бўйсинувчи шаҳарлар** сони 24 тани ташкил этган. Шулардан 4 таси Тошкент вилоятига, 4 таси Фарғона вилоятига, Сирдарё вилоятига 3 тадан, Андижон, Бухоро, Навоий, Самарқанд вилоятларига 2 та, қолган вилоятларга биттадан тўғри келади.

Туманга бўйсинувчи шаҳарлар тоифасига саноат корхоналари, ижтимоий ва маданий муассасалар, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналари мавжуд бўлган, аҳолиси 7 минг кишидан кам бўлмаган ва уларнинг аксарият қисми ноқишлоқ хўжалиги тармоқларида банд бўлган аҳоли пунктлари киради. Республикамизда уларнинг сони 93 тани ташкил этади. Энг кўп туманга бўйсинувчи шаҳарлар Тошкент вилоятида – 12 та, Қашқадарёда 11 та, Қорақалпоғистон Республикасида 10, Бухоро, Самарқанд, Андижон вилоятларида 9 тадан бўлса, Хоразм, Сирдарё вилоятларида атиги 2 тадан мавжуд, холос.

Шаҳарчалар тоифасига аҳолисининг сони 2000 кишидан кам бўлмаган, саноат корхоналари, қурилишлар, темир йўл станциялари ва бошқа муҳим

¹ Мустақилликнинг дастлабки йилларида «ноҳия» тушунчаси ҳам қўлланилган эди, бироқ у ўз ўрнини ҳаётда топмади.

объектлар яқинида жойлашган аҳоли пунктлари мансуб. Мамлакатимизда уларнинг сони “Қишлоқ таракқиёти ва фаровонлиги йили” Давлат дастурини амалга ошириш жараёнида 114 тадан 1063 тага етди.

Қишлоқ ва овул фуқоролар йиғинлари тумандан кейинги кичик маъмурий-худудий бирлик бўлиб, турли хил катталиқдаги қишлоқларни ўзида бирлаштиради. Республикамизда 1471 та (01.01.2011 й. ҳолатига) қишлоқ фуқоролар йиғини (ҚФЙ) мавжуд; ҳар бир вилоятга ўртача 114 тадан, битта туманга эса 9-10 та мос тушади. ҚФЙ сони, зичлиги вилоят, туманлар майдонининг катта-кичиклиги, аҳоли сони, аҳоли жойлашуви билан боғлиқ. Масалан, мамлакатимиз аҳолисининг 5,8 % қисми истиқомат қилувчи Қорақалпоғистон Республикасида 138 та ҚФЙ мавжуд бўлиб, ҳар бир туманга ўртача 10 тага яқин тўғри келгани ҳолда, 9,1 % аҳолиси яшовчи Андижон вилоятида битта туманга 6-7 та ҚФЙ мос келади. Қишлоқ ва овулларнинг шаҳарчалардан фарқи, уларда яшовчи аҳоли сонининг энг кам миқдори белгиланмаганлиги ҳамда меҳнат ресурсларининг асосий қисмини қишлоқ хўжалигида бандлигидир. Овуллар қишлоқларга нисбатан кичикроқ, аҳоли сони камроқ бўлади. Улар кўпроқ экстенсив чорвачиликка ихтисослашган чўл ҳудудларда мавжуд. Жумладан, республикамизда овуллар фақат Навоий вилоятида (16 та) сақланиб қолган.

Қишлоқ туманларининг сони ҳам ўтган йиллар мабойнида ўзгариб турган. Жумладан, 1937 йилда уларнинг сони 112 та, 1951 йилда 140 ва 1958 йилда 148 та бўлган. Ўтган асрнинг 60-йилларида “Совнархозлар” ташкил этилиши муносабати билан маъмурий бирликларнинг йириклаштирилганлиги уларнинг сонини камайишига олиб келди (1961 йилда - 117 та, 1966 йилда - 85 та). Кейинги йилларда қишлоқ туманларининг сонининг ўзгариши қуйидаги жадвал маълумотларида келтирилган (2-жадвал).

Ўзбекистон Республикасида қишлоқ туманлари сонининг тадрижий ўзгариши

Маъмурий бирликлар Йиллар	1970	1975	1980	1985	1990	1995	2000	2005	2011
Ўзбекистон Республикаси	100	134	153	155	156	162	164	159	157
Қорақалпоғистон Республикаси	11	13	15	15	15	15	15	14	14
Андижон	8	12	13	13	13	14	14	14	14
Бухоро	11	13	15	10	16	10	11	11	11
Жиззах	-	10	11	11	11	11	12	12	12
Навоий	-	-	-	8	-	8	8	8	8
Наманган	7	10	11	11	11	11	11	11	11
Самарқанд	12	14	16	14	16	16	16	14	14
Сурхондарё	8	9	11	12	12	14	14	14	13
Сирдарё	10	7	9	9	9	9	9	8	8
Тошкент	9	14	15	15	15	15	15	15	14
Фарғона	9	12	13	13	14	15	15	15	15
Хоразм	7	9	9	10	10	10	10	10	10
Қашқадарё	8	11	15	14	14	14	14	13	13

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Ҳозирги кунда (01.01.2011 йил ҳолатига) мамлакатимизда 157 та қишлоқ маъмурий туманлари (ҚМТ) мавжуд бўлиб, улар турли даврларда шаклланган. Уларнинг тарихий шаклланиш жараёнини беш даврга бўлиш мумкин. Масалан, собиқ Иттифоқ даврида, ўша пайтдаги қишлоқ хўжалик ислохотларини амалга ошириш ва бошқариш нуқтаи назаридан, хусусан “**колхозлаштириш**”ни амалга ошириш жараёнининг бошланиши қишлоқ туманларининг ташкил топишига сабаб бўлди. Шу асосда мавжуд қишлоқ маъмурий туманларининг 25,2 фоизи 1926 йилда шаклланган. Ушбу туманларнинг аксарият қисми қадимдан суғорма деҳқончиликка ихтисослашган, ўзлаштирилган ҳудудларга тўғри келади (Хива, Шовот, Гурлан, Бешариқ ва б).

Қишлоқ туманларининг сонидаги кўпайиш ёки камайиш кўпроқ маъмурий-ҳудудий ўзгаришлар, янги вилоятларни ташкил этилиши ёки бошқасига кўшиб юборилиши билан ҳам боғлиқ бўлган. Жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, туманлар шаклланишининг иккинчи даврида (1927-1937 йиллар) 18 та туман ташкил топган бўлиб, улардан 6 таси 1932 йилда Ўзбекистон таркибига қўшилган Қорақалпоғистон Республикасига тегишлидир (Хўжайли, Чимбой, Беруний ва ҳ.к.). Учтинчи давр, асосан урушдан кейинги оғир аҳволга тушиб қолган халқ хўжалигини тиклаш йилларига тўғри келади. У даврда туманлар сони бештага ошган, кейинги тўртинчи ва бешинчи даврларда эса 78 та (49,1 %) ҚМТ ташкил топган. Уларнинг вужудга келишига, энг аввало, Мирзачўл, Қарши чўлларининг ўзлаштирилиши, шунингдек,

Фарғона водийсида ишлаб чиқариш кучларини жадал ривожлантиришга қаратилган минтақавий сиёсат сабаб бўлган. 1980-1990 йилларда ўртача ҳар йилга биттадан қишлоқ туманлари шаклланган.

Мавжуд маълумотлар таҳлилларига кўра, республикада қишлоқ туманлари сони 2000 йилга қадар мунтазам кўпайиб борган, кейинги йилларда эса бу борада камайиш ва қисман барқарорлашув кузатилмоқда. Шу ўринда айтиш жоизки, қишлоқ туманлари сони ҳар доим, мамлакатнинг ички сиёсатидан келиб чиққан ҳолда оптимал бўлиши керак. Сабаби, уларнинг ҳаддан ташқари қисқариши, йириклашуви бошқарув органларини халқдан, уни кундалик эҳтиёжларидан узоклаштиради, вужудга келган маҳаллий муаммоларни тезкор ҳал этишга имкон бермайди, уларнинг кўпайиб кетиши эса бошқарув тизимини, молиявий ҳолатни мураккаблаштиради.

Қишлоқ маъмурий туманларидан кейинги ўринда *қишлоқ фуқаролар йиғини* туради. 1999-йил 14 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Фуқороларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида” ги қонунда қишлоқлар ва овуллардаги маҳаллалар фуқороларининг йиғинлари фуқороларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳисобланиб, улар зиммасига бир қатор ижтимоий соҳалардаги вазифаларни бажариш юклатилган. Жумладан, ҚФЙ аҳоли пунктларини ободонлаштириш уларнинг санитария ҳолатини яхшилаш, кам таъминланган оилаларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш, шунингдек, вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ишлар олиб бориш, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга ёрдам кўрсатиш каби ижтимоий вазифаларни амалга оширади.

Мамлакатимизда, 01.01.2011 йил ҳолатига кўра, 1471 та ҚФЙ мавжуд бўлиб, улар вилоятлар бўйича турлича тақсимланган. Масалан, республикада ҳар вилоятга ўртача 113 тадан ҚФЙ тўғри келса, бу кўрсаткич Фарғона вилоятида 164 та, Қашқадарёда 148 та, Навоий, Сирдарё, Андижон, Наманган, вилоятларида уларнинг сони вилоятлар ўртачасидан анча пастлигини кўриш мумкин. ҚФЙ ларнинг бундай ҳудудий фарқлари маъмурий бирликларнинг географик ўрни, майдонинг катта-кичиклиги ва ўзлаштирилганлик даражаси, аҳоли ва аҳоли пунктларининг сони, зичлиги билан боғлиқ. Одатда, ўзлаштирилган, суғорма деҳқончиликка ихтисослашган вилоятларда (Хоразм, Андижон, Наманган) уларнинг сони камроқ, майдон жиҳатидан катта, ҳудудининг асосий қисми чўл ёки тоғликлардан иборат (Қашқадарё, Бухоро, Сурхондарё) вилоятларда уларнинг сони нисбатан кўпроқ. Ушбу фарқларни улардаги аҳоли сонидан ҳам кўриш мумкин. Республикаимизда битта ҚФЙ га ўртача 11.7 минг аҳоли тўғри келгани ҳолда, Андижонда - 18.3 минг, Самарқандда – 18,0 минг, Наманганда - 13.8 минг, Сурхондарёда - 11.7 минг, Қорақалпоғистон Республикасида эса ҳар бир фуқоролар йиғинига 6 минг киши ташкил қилади.

ҚФЙ га тўғри келувчи қишлоқ аҳоли пунктлари (ҚАП) сони бўйича ҳам ҳудудий фарқлар кузатилади. Ҳар бир ҚФЙ га мамлакатимиз бўйича 8 та ҚАП мос келса, бу кўрсаткич Самарқанд, Бухоро, Навоий вилоятларида – 15.6, 12.6,

11.6 тадан, Андижон, Хоразм вилоятларида - 6 та, Сирдарёда эса 4 тани ташкил этади.

Жами ҚАП 10865 тага тенг бўлиб, уларда 17374,0 минг аҳоли истиқомат қилади. Ҳар бир қишлоқ аҳоли манзилгоҳига 1466 кишидан, баъзи вилоятларда республика ўртача кўрсаткичидан икки марта юқори (Андижон - 3235, Наманган - 2672), баъзиларида эса (Қорақалпоғистон Республикаси ва Бухоро вилоятларида) 694, 730 киши тўғри келади.

Шундай қилиб, республикамиз маъмурий-ҳудудий тузилиши замон ва макон нуқтаи назаридан ўзгариб борган ва ўша даврнинг сиёсий - ижтимоий тузими, қўйилган вазифалар, ишлаб чиқаришни ҳудудий ташкил этилиши, бошқарув тизимини такомиллаштириш каби омиллар билан боғлиқ бўлган.

Таъкидлаш жоизки, иқтисодий ва ижтимоий (сиёсий) география фани нуқтаи назаридан ҳам ушбу маъмурий бўлинишлар муҳим аҳамият касб этади. Чунки, улар доирасида статистик маълумотлар тўплаш, бошқарув тизимини такомиллаштиришга қаратилган илмий - амалий тавсияларни ишлаб чиқиш ҳамда мамлакатнинг минтақавий сиёсатини белгилашда аҳамияти катта. Шу жиҳатдан олганда, маъмурий-ҳудудий бирликларнинг маълум даражада барқарорлигини таъминлаш катта аҳамиятга эга. Сабаби, бу бирликларнинг сон ва таркиб жиҳатдан тез-тез ўзгариб туриши ҳар хил *“географик ўйинлар”* илмий тадқиқотларни олиб боришда, хусусан, статистик маълумотларни тўплаш, уларни тегишли маъмурий бирликлар доирасида тадрижий ўзгаришини қиёсий таҳлил қилишда ҳам қатор қийинчиликларни вужудга келтиради.

Одатда, маъмурий-ҳудудий бирликлар қанчалик йириклаштирилса, бошқарув тизимининг марказлашувига олиб келади. Бироқ, бу борада муайян оптималлик талаб этилади, чунки уларнинг ҳаддан ташқари катталашishi ҳам, кичрайтирилиши ҳам мақбул эмас. Фан нуқтаи назаридан ёндашганда, маъмурий ҳудуд кичрайган сари уларнинг ижтимоий (социал) функцияси ошиб боради. Бу иерархик тизимнинг юқори поғонасига кўтарилган сари ижтимоий-иқтисодий, иқтисодий, иқтисодий-сиёсий, сиёсий масалалар устувор бўлиб боради.

Бинобарин, географик тадқиқотларда маъмурий-ҳудудий бирликларнинг бундай хусусиятларига эътибор бериш зарур ҳисобланади.

Мавзу. Мамлакат минтақавий сиёсатини белгилашда ҳудудлар имкониятларини ҳисобга олиш

Бозор муносабатларига ўтиш даврида мамлакатнинг минтақавий сиёсатини амалга ошириш энг аввало ҳудудлар имконият ва эҳтиёжларини ҳисобга олишни талаб қилади. Бунинг учун вилоятларнинг ҳам тадбиркорлиги, бошқа ҳудуд ва хорижий мамлакатлар билан алоқа қилиши зарур.

Худудларнинг имкониятларини баҳолашда энг аввало уларнинг ер-сув, аҳоли ва меҳнат ресурслари, қазилма бойликлари, транспорт тизими, ижтимоий инфраструктураси, иқтисодий географик ўрни, экологик вазияти ва ҳоказолар атрофлича таҳлил этилади. Бундай ўрганиш эксперт усулига ҳам асосланади, яъни ҳар бир омил 10 ёки 5 балли шкалада баҳоланади. Агар бу баҳолашда экспертлар (мутахассислар) мустақил равишда қатнашсалар унинг натижаси янада объективроқ ва тўғри бўлади.

Ҳар бир омилни, масалан 10 балли шкалада баҳолашда, рақам миқдорининг ошиши айнан шу омил бўйича қулайлик даражасини акс эттиради. Айтайлик, вилоят иқмонияти табиий ресурслар нуқтаи назаридан баҳоланиши талаб этилса, у ҳолда шубҳасиз Навоий вилоятининг бали юқори бўлади, чунки бу ҳудуд турли қазилма бойликларига бой. Айни пайтда Хоразм вилоятининг баҳоси анча паст бўлади. Сабаби-вилоятда қазилма бойликлари деярли йўқ.

Худди шундай, меҳнат ресурсларини баҳолашда аксарият вилоятлар юқори баҳо оладилар. Чунки, барча вилоятларда ишчи кучи кўп ва бандлик даражаси паст. Аммо айрим вилоятларда, масалан Тошкент вилоятида меҳнат ресурслари сифат жиҳатидан бошқа ҳудудлардан бироз фарқ қиладики, бундай ҳолат унинг истиқбол имкониятларини баҳолашда эътиборга олиниши керак.

Агар экологик вазиятни баҳоламоқчи бўлсак, жуда кам ҳолларда бу омил юқори натижага эга бўлиши мумкин. Зеро, геоэкологик ҳолат ҳозирги кунда кўпгина вилоятларда яхши эмас. Бироқ. Баҳолаш усули нисбатан олинганлиги сабабли Самарқанд, Жиззах, Наманган каби вилоятлар бирмунча ижобий баҳоланишлари мумкин.

Хуллас, республиканинг ҳар бир вилояти ўзига хос имконият ва муаммоларга эга. Масалан, Тошкент шаҳрининг иқтисодий географик ўрни қулай, инфраструктура тизими ҳам яхшироқ, аммо экологик вазият унча яхши эмас.

Тошкент вилоятида транспорт тизими яхши, қазилма бойликлари, меҳнат ресурслари ҳам кўп, иқтисодий географик ўрни ҳам қулайроқ. Бироқ, бу ерда экологик вазият ночорроқ.

Фарғона вилоятида ишчи кучи кўп, қазилма бойликлари камроқ, экологик вазият ўртача. Андижон вилоятида ҳам аҳвол шунга ўхшаш, аммо Наманганда ер ресурслари (адирлар) бирмунча кўпроқ.

Сирдарё вилоятини айтарлича ижобий жиҳатдан ажратиб турувчи имкониялари йўқ. Бу ерда қазилма бойликлар жуда оз, ер шўрланиши юқори, меҳнат ресурслари унча кўп эмас. Унинг бирдан-бир қулай имконияти пойтахт Тошкентга яқинлиги ҳамда инфраструктура тизимининг нисбатан ривожланганлигидир.

Қўшни Жиззах вилоятида бирмунча ресурс имкониятлари мавжуд-бу ерда айрим қазилма бойликлари бор. Самарқанд вилоятида ҳам аҳвол тахминан шундай; Навоий вилояти эса, юқорида таъкидлаганимиздек, ўзининг ресурс салоҳияти билан ажралиб туради.

Бухоро вилоятида меҳнат ресурслари, табиий бойликлар ва ер ресурслари, рекреация ва туризм имкониятлари мавжуд. Аммо қўшни Қашқадарё вилоятининг шароитлари Бухородан ҳам яхшироқ.

Сурхондарё вилоятининг транспорт географик ўрни яхшилангандан сўнг унинг иқтисодий ривожланиш имкониятлари янада ошади. Чунки бу ерда қазилма бойликлар заҳираси ҳам мавжуд. Бироқ, бу вилоятнинг сиёсий географик ўрни ҳозирча унча қулай эмас.

Хоразм вилоятининг энг асосий ривожланиш омили бу унинг меҳнат ресурсларидир. Қорақалпоғистонда турли хил қазилма бойликлари бор, лекин уларни ўзлаштириш, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда Оролбўйи минтақасида вужудга келган экологик вазият салбий таъсир қилади.

Шундай қилиб, ҳар бир ҳудуд (вилоят доирасида қишлоқ, туманлар ва шаҳарлар ҳам) алоҳида-алоҳида омиллар бўйича ўрганилиб чиқилади ва баҳоланади. Натижада ҳудудларнинг ривожланиш имкониятлари ва устувор йўналишлари аниқланади.

Мазкур масалаларни ҳал этишда картография, статистик, географик таққослаш, эксперт ва бошқа усуллардан фойдаланилади.

Мавзу: Ижтимоий сиёсатнинг моҳияти ва асосий йўналишлари.

Бозор иқтисодиёти кишиларнинг ўз меҳнат қобилиятларидан самарали фойдаланиш имкониятини берувчи иқтисодий тизимдир. Лекин ҳамма ҳам бозор шароитида меҳнат қилиб, даромад кўриш имкониятига эга бўлавермайди. Қолаверса, аҳолининг меҳнат ёшига етмаган ва меҳнат қобилиятини йўқотган тоифалари мавжуд. Аҳолининг бундай қатламларига мансуб қисмини ижтимоий ҳимоя қилишга зарурат туғилади. Бу вазифани давлат ва турли ижтимоий ташкилотлар бажаради. Мамлақтимизда бозор ислоҳотларининг дастлабки йиллариданоқ давлат ўз олдига кучли ва таъсирчан ижтимоий сиёсат юритиш вазифасини қўйди.

Бундай сиёсатни юритишнинг асосий сабаблари қуйидагилар:

- Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида товарларнинг нархи доимий равишда ошиб, бу аҳолининг турмуш даражасига салбий таъсир кўрсатди. Давлат ҳаётий зарур маҳсулотларнинг маълум гуруҳига қатъий нарх белгилаш орқали турмуш даражаси пасайишининг олдини олди;

- Ўзбекистон аҳолиси таркибида меҳнат қилиш қобилиятига эга бўлмаганларнинг улуши юқори ҳисобланади ва улар доимий равишда давлатнинг моддий ёрдамига эҳтиёж сезади;

- Ислоҳотлар даврида янги, бозор шароитларга мослаша олмасдан баъзи корхоналар иш фаолиятини тўхтатади ёки самарасиз ишлаётган корхоналар фаолиятига барҳам берилади. Бу ушбу корхоналар ишчи ва ходимларининг ишсиз қолишига олиб келади. Натижада ишсизларни ижтимоий ҳимоялаш зарурати вужудга келиши табиий.

Давлат ижтимоий сиёсати амалда асосан икки кўринишда намоён бўлади: ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий таъминот.

Ижтимоий ҳимоя мустақилликнинг моддий ва маънавий асосларини мустаҳкамлаш ва бозор ислоҳотларини амалга ошириш даврида Ўзбекистон аҳолисини ижтимоий ва моддий муҳофаза қилиш ва хўжаликда амал қиладиган

иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий ва ҳатто, сиёсий чора-тадбирлар йиғиндиси бўлиб, хусусан, аҳолининг ёши, саломатлиги, ижтимоий ҳолати ҳамда ҳаёт кечиришнинг зарур воситаларига эга бўлмаганлиги сабабли ёрдамга муҳтож катламга давлат ва жамоат ташкилотлари ва жамғармаларининг ёрдами ҳисобланади.

Ижтимоий таъминотнинг асосий мақсади аҳоли турмуш даражасини тўхтовсиз ошириб бориш, қашшоқланишнинг олдини олиш, аҳоли турли катламлари ўртасидаги таълим олиш, маданият ва санъат ютуқларидан фойдаланиш, касб малакасини ошириш ва даромадларни таъминлаш жиҳатидан тафовутларни камайтириш, инсон тараққиётининг узлуксизлигани таъминлаб боришдан иборат.

Ижтимоий ҳимоянинг асосий шакллари эркин ижтимоий-иқтисодий фаолиятни таъминлаш, иш билан бандлик, ўқиш ва таълим олиш, даромадларни кафолатлаш, истеъмолчилар ҳуқуқларининг ҳимояси ва истеъмол кафолатини таъминлаш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш, аҳолининг кам тامينланган катламларига турли имтиёзлар ва тўловлар жорий этиш кабилардан иборат.

Ривожланган, саноати тараққий этган мамлакатларда ижтимоий ҳимоя тизими такомиллашган бўлиб, Ўзбекистонда ҳам бу йўналишда мустақиллик даврида қатор ижобий силжишларга эришилди.

Ислохотларнинг дастлабки йиллариданоқ ижтимоий ҳимоянинг ҳуқуқий асослари яратилиб, унинг асосий тамойиллари Конституцияда белгилаб берилди.

Янги иш жойларини яратиш дастурлари, инфляциянинг олдини олиш чора-тадбирлари, кичик ва хусусий бизнеснинг эркин фаолияти учун яратилаётган шарт-шароитлар, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш тадбирлари, кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ҳаётга тадбиқ этилиши, фуқаролар ўз-ўзини бошқаришининг маҳалла тизимини ривожлантириш, энг кам иш ҳақи миқдорининг ошириб борилиши, давлат секторидаги ишчи ва ходимлар иш ҳақининг ошириб борилиши ижтимоий ҳимоя тизимининг таркибий қисмларига айланиб бормоқда.

Ижтимоий ҳимоя тизими кейинги йилларда тако-миллаштирилиб, аҳолини ялпи ижтимоий ҳимоя қилиш тизимидан унинг манзилли ва мақсадли тизимига ўтилди. Бу тизимда маҳаллалар ҳал қилувчи рол ўйнамоқда. Маҳалла тизимига ўтилгач, 2008 йилда ушбу тизим орқали кам таъминланган оилаларда жами 3 млн. киши ва кўп болали оилаларда 6,5 млн. киши (бу мамлакат аҳолисининг қарийб 40 фоизи) моддий ёрдам олган бўлса, 2009 йилда бу кўрсаткич 44 фоиздан ошди.

Мамлакатимизда ижтимоий ҳимоянинг миллий дастур даражасига олиб чиқилиши бу тизимнинг муайян йўналиш-ларига ҳар йили устуворлик берилишида кўринади. Аёллар, болалар, қариялар, кўп болали оилалар, соғлом авлодни вояга етказиш мақсадларида масалан, 1998 йил "Оила йили", 1999 йил "Аёллар йили", 2000 йил "Соғлом авлод йили", 2001 йил "Болалар йили", 2002 йил "Қарияларни кадрлаш йили", 2003 йил "Обод маҳалла йили", 2004 йил "Меҳр-мурувват йили", 2005 йил "Сихат-саломатлик йили" ва 2006 йил "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" 2011 йил аҳолини иш билан таъминлашда асосий мезон бўлиб хизмат қилувчи "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилинди ва тегишли дастурлар амалга оширилди.

Мамлакатимизда "Ўзбекистон Республикаси аҳолисини узоқ даврга мўлжалланган ижтимоий ҳимоя тизимининг янги концепцияси" ишлаб чиқилган бўлиб, бундан кейин ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий ёрдам нафақа таъминоти, болаларга нафақа тўлаш, ёлғиз кексаларга хизмат кўрсатиш, ногиронларни тиббий анжомлар ва дори-дармонлар билан таъминлаш, ишсизларни ишга жойлаштириш ва моддий ёрдам кўрсатиш шаклида амалга оширилиши назарда тутилган.

Ўзбекистонда ижтимоий сиёсатнинг муҳим йўналиш-ларидан бири давлат томонидан, хусусан, бюджет маблағлари ҳисобидан кексайган, меҳнатга лаёқатсиз бўлган, боқувчисини йўқотганларга моддий, тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш ҳисобланади. Бу давлат ижтимоий таъминоти тизими бўлиб, ўз ичига ижтимоий-иқтисодий чора-тадбирларни қамраб олади. |

Ижтимоий таъминот бевосита давлат ва маҳаллий бюджетлардан ажратиладиган маблағлар, ҳомийлар ва бошқа манбалар маблағлари ҳисобидан амалга оширилиб, унинг миқдори, таркиби, ёрдам кўрсатиш тартиби ва йўналишлари қонуний белгиланган; анъаналарга асосланган ва халқаро тажрибада синалган тартиб-қоидаларга кўра шаклланади.

Кексалик, ногаронлик ва боқувчисини йўқотганлик бўйича нафақалар ҳамда ногирон болаларга, болалиқдан ногиронларга, ишламаган ёлғиз ногарошгар ва кексаларга белгиланган ижтимоий тўловлар ижтимоий таъминотнинг асосий шакллари дур.

Қария ва ногиронларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш, жумладан, ногиронларни "Мурувват" уйларига, ёлғиз қарияларни "Саҳоват" уйларига жойлаштириш, муҳтожларни тиббий анжомлар ва харакатланиш воситалари билан таъминлаш, ногирон болаларни ўқитиш ва ишга жойлаштириш, санаторий ва дам олиш уйларига имтиёзли йўлланмалар жорий этиш, жамоат транспортларида юриш имтиёзлари бериш, турар жой, солиқ ва маиший хизматларнинг имтиёзли шакллари жорий этиш кабилар республикамизда ижтимоий таъминотнинг кенг тарқалган кўринишлари ҳисобланади.

Ижтимоий таъминотнинг ҳуқуқий асосларида нафақа таъминотининг давлат томонидан кафолатланганлиги белгилаб қўйилган бўлиб, унинг муҳим тамойиллари 1993 йил 3-сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсияси таъминоти тўғрисида»ги Қонунида ифодаланган. Унга кўра нафақалар миқдори меҳнат стажи ва иш ҳақига узвий боғланган. Бугунги кунда қарийб 1,3 млн.га яқин нафақадагилар ва ногиронлар 18 турдаги имтиёзлардан фойдаланмоқдалар. |

Мустақиллик йилларида давлат ижтимоий таъминотидан фойдаланувчилар сони ортиб бораётган бўлиб, бу ўз навбатида иқтисодиётнинг жадал ривожланишини ва шунга мувофиқ давлат бюджети даромадларининг ошириб борилишини тақозо этади. Ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий таъминот тизимини такомиллаштириш ва бу соҳада давлат бошқарувини оқилона ташкил этиш мақсадида ташкилий-маъмурий ислохотлар ҳам амалга оширилмоқда.

Жумладан, ислоҳотларнинг дастлабки босқичида қатор нодавлат ва нотижорат ижтимоий жамғармалар ташкил этилди. 2001 йил 13 февралда оддинга Меҳнат вазирлига ва Ижтимоий таъминот вазирлиги бирлаштирилиб, унинг негизида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги шакллантирилди. Жойларда давлатнинг ижтимоий таъминот сиёсатини юритишда Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, 12 вилоят ва Тошкент шаҳар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармалари, 213 та туман ва шаҳар ижтимоий таъминот бўлимлари, 26 та "Мурувват" ва 8 та "Саҳоват" уйлари, Уруш ва меҳнат фахрийлари республика пансионати, Тошкентда "Нуроний", Фарғонада "Олтиариқ", Тошкент вилоятида "Товоқсой", Наманганда "Косонсой" санаторийлари, Ногиронларни тиббий - ижтимоий ва касб бўйича соғломлаштириш миллий маркази, 180 дан ортиқ тиббий-экспертиза комиссиялари, 3 та ногирон болалар учун касб-ҳунар билим юртлари фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоялашда давлат билан бир қаторда бир қанча ижтимоий жамғарма ва ташкилотлар фаолият олиб бормоқда. Ижтимоий жамғармалар фуқаролар ёки юридик шахслар томонидан ихтиёрий равишда мулкий улуш қўшиш орқали шакллантирилган ташкилотлар бўлиб, уларнинг асосий мақсадлари хайрия, ижтимоий, маданий ва маърифий фаолият юритиш орқали жамият ижтимоий тараққивтига ҳисса қўшишдан иборатдир. Ижтимоий жамғармалар ўз фаолиятлари орқали жамиятдаги ижтимоий барқарорликни ва тараққиётни таъминлашга салмоқли таъсир кўрсатади.

Меҳнат бозори ва бандлик.

Маълумки, меҳнат бозори муайян меҳнат қобилиятига эга ишчи кучининг олди-сотдиси амалга ошадиган бозор ҳисобланади. Бу бозорнинг асосий иштирокчилари ишчи кучини ёлловчилар - тадбиркор, корхона ва давлат ҳамда меҳнат лаёқатига эга аҳолидир. Тадбиркор ишчини ёллаш билан ундан фойдаланиш ҳуқуқини қўлга киритса, аҳоли ўз меҳнат қобилияти эвазига ҳаётий зарур восита ва маҳсулотларни харид қилиш имкониятига эга бўлади.

Бозор ўзига хос миллий хусусиятларга эга бўлганидек, Ўзбекистон меҳнат бозори амал қилишида ҳам миллий омилларнинг таъсири сезилади.

Меҳнат бозори иккита муҳим иқтисодий вазифани бажаради. Биринчиси, бозорда одамлар ўз меҳнати эвазига даромадга эга бўладилар. Бу даромад сарфланган куч ва энергияни қайта тиклашга етарли бўлиши лозим. Иккинчиси, меҳнат бозори мамлакат аҳолиси меҳнатидан самарали фойдаланиш, уни бошқариш ва иқтисодиёт тармоқлари ўртасида мақсадга мувофиқ тақсимлаш имконини беради. Мамлакатимизда меҳнат бозорини ривожлантиришда ана шу вазифаларни тўлиқ бажаришга эътибор қаратиш муҳим аҳамиятга эга.

Меҳнат бозоридаги талаб ва таклиф ўртасидаги муносабат иш ҳақи миқдори таъсир кўрсатувчи энг муҳим бозор механизми. Аммо, ҳали Ўзбекистонда меҳнат ресурсларига бўлган талаб ва таклиф ўртасидаги қонуний боғланиш аста-секинлик билан шаклланмоқда. Шу сабабли бозорда кузатилиши керак бўлган ўзгариш, яъни, иш ҳақининг умумий ставкаси кўтарилиши ва шунга мос меҳнатга бўлган умумий талабнинг камайиши ва таклифнинг ортиши тенденцияси яққол намоён бўлмайди.

Меҳнат бозорини масалан, товар бозоридан ажратиб турадиган асосий хусусиятлари қуйидагиларда намоён бўлади:

- меҳнат бозори иштирокчиларининг ўзаро муно-сабатлари узоқ давом этади. Хом ашё ёки озиқ-овқат товарлари бўйича харидор ва сотувчи ўртасидаги бозор муносабати пул берилиб, товар олиниши билан тугайди. Меҳнат қобилятини олиб сотиш жараёни эса ишлаб чиқариш жараёни тугашигача давом этади;
- меҳнат бозорига меҳнат шароитлари ва корхонадаги ижтимоий муҳит таъсир кўрсатади. Кишилар ўз меҳнат қобилятини сотар эканлар, меҳнатнинг мураккаблиги ва соғлиққа таъсири, меҳнат жамоаси аъзоларининг ўзаро муносабати қандайлига билан қизиқади;
- меҳнат бозорига жамиятда амал қилиб турган қонунчилик тизими, турли давлат ва ижтимоий ташкилотлар ҳам таъсир кўрсатиб туради. Касб - ҳунар жамоалари, давлатнинг бандлик сиёсати, кадрлар тайёрлаш дастурлари,

тадбиркорлар ва ишлаб чиқарувчиларнинг уюшмалари, касаба уюшмалари шулар жумласидандир.

Мамлакатимизда меҳнат бозорининг кўлами, ривожланиши ва ундага асосий ўзгаришларни аҳоли сони, меҳнат ресурслари миқдори, иқтисодий фаол аҳоли сони, бандлик ва ишсизлик даражалари кўрсаткичлари ифодалайди.

Иқтисодий фаол аҳолининг миқдори ва сифати, унинг йиллар давомидаги ўзгариши мамлакатнинг иқтисодий кудратини ифодаловчи муҳим кўрсаткичлардандир.

Демографик сиёсат.

Демографик сиёсат — аҳоли сиёсатининг асосий қисми бўлиб, жамият тараққиётининг турли босқичлари ва турли давлатларда ўзига хос хусусиятларга, йўналишларга эгадир. Аҳоли сиёсати демографик сиёсатга караганда кенг қамровли бўлиб, аҳолини ривожлайтириш мақсадида олиб бориладиган ижтимоий-иқтисодий сиёсат йўналиши ҳисобланади.

Аҳоли ривожланиши эса, ўз навбатида унинг ҳам миқдорий ҳам сифатий жиҳатларини ўзгариб боришида намоён бўлади. Аҳолининг миқдорий ривожланиши деганда, маълум даврда, маълум ҳудуд аҳолиси ёки миллатнинг сон жиҳатидан ўзгариб бориши тушунилади. Аҳолининг сифатий ривожланиши эса, асосан унинг саломатлиги, ўртача умр кўриши, билим даражаси ва таълим тарбия олиши ва комиллигида ўз ифодасини топади. Аҳоли ривожланиши ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг узвий қисми бўлиб, у ўз ичига аҳолининг такрор барпо бўлиш жараёнини ҳам олади.

Аҳоли сиёсатининг мақсади давлат томонидан аҳолининг ҳам миқдорий (нормал, оптимал даражада) ҳам сифатий ривожланишини таъминлашдир. Аҳоли ривожланишига маълум даражада таъсир этиб бориш тарихий жараёндир. Ушбу жараён жамият тараққиётининг ҳар бир босқичида, шу даврнинг ижтимоий-иқтисодий шароитига мос ҳолда, алоҳида мазмунга эга бўлган. Жумладан, феодализм шароитида аҳоли ривожланишининг асосий элементи бўлган таълим тизими, нисбатан кам тараққий этган эди. Масалан, Ўзбекистонда масжидлар, мадрасалар қошида таълим тизими жорий этилган.

Уларни моддий таъминлаш мақсадида давлат ва айрим мулкдорлар томонидан вақф мулклари ажратилган. Инсонни меҳнатга тайёрлаш, жамият аъзоси учун зарур бўлган билимларни ахлоқий сифатларни ёш авлод; асосан оиладан, оила муҳитида олар эди. Кейинчалик саноат аста — секин ривожланиб бориши натижасида меҳнатга тайёрлашда махсус билимлар, махсус фаолият зарур бўлиб қолди. Бу зарурат давлатда таълим тизимини янада ривожланишига, ёшларга махсус билим бериб, касб —хунар ўргатишга эҳтиёж яратди. Натижада ўлкамизда таълим тизими ташкил топди ва ривожланди. Ҳозирги даврда Ўзбекистонда аҳоли сиёсатининг асосий мақсади унинг сифатий ривожланишини ташкил этишдан иборатдир. Аҳолининг сифатий ривожланиши қуйидагиларни ўз ичига олади:

- аҳоли саломатлигининг ҳолати, болалар ва оналар ўлими ўртача умр даври:
- аҳолининг таълим даражаси ва унинг таркиби:
- аҳолининг касб —хунарга тайёргарлик даражаси:
- аҳолининг социал таркиби ва социал мобиллиги:
- аҳолининг урбанизациялашганлиги:
- аҳолининг ҳудудий ҳаракати:
- аҳолининг маънавий маданий қадриятлари ва уларни сақлаш, эъзозлаш.

Республикада аҳоли сиёсати ўзаро чамбарчас боғланган бўғинлардан ташкил топган. Ушбу бўғинларга демографик сиёсат, аҳоли миграцияси, урбанизация ва бандлик сиёсатларини киритиш мумкин.

Демографик сиёсат аҳоли сиёсатини узвий қисми бўлиб, унинг асосий мақсади аҳолини микдорий ривожланишини бошқаришдан иборатдир. Демографик сиёсатнинг асосий объекти аҳолининг такрор барпо бўлиш жараёни ҳисобланади.

Демографик сиёсат орқали кутилган, исталган аҳоли такрор барпо бўлиш турига эришилади. Маълумки, аҳоли такрор барпо бўлиши туғилиш, ўлим, никоҳ, ажралиш каби демографик жараёнлар билан бевосита боғлиқдир. Шу боис ушбу жараёнларни сиёсат йўли билан жамият томонидан бошқарилиши ҳам демографик сиёсатни вазифаларидандир. Жамият тараққиётига назар

ташласак, демографик жараёнларни, айниқса туғилиш, никоҳни жамият томонидан бошқарилганлигини гувоҳи бўламиз. Ҳатто бу ҳақида энг қадимги олимлар Афлотун ва Арасту асарларида ҳам учрайди. Қадимги Римда туғилиш ва никоҳни озод инсонлар ўртасида қўллаб — қувватловчи, қонунлар қабул қилинган. Феодалистик жамиятда эса дин томонидан шундай қаттиқ қонунлар яратилганки, уларда никоҳ, чекланмаган туғилиш ва катта оилалар аҳолини мунтазам кўпайиб боришини омили сифатида ҳимоя қилинган, қўллаб қувватланган. Капиталистик ишлаб чиқариш усулини ривожланиши эса демографик жараёнларда янги муаммоларни, йўналишларни келиб чиқишига сабаб бўлди. Капитализмда саноатни ривожланиши шаҳар турмуш тарзини кенгайтиши, аёлларни ижтимоий ишлаб чиқаришда иштирок этиши туфайли, оилада фарзандга бўлган талаб камайди. Кўп болали оилаларда, капиталистик ишлаб чиқариш шароитида қатор иқтисодий муаммолар вужудга келди. Натижада, туғилиш ўз-ўзидан камая бошлади. Капиталистик ишлаб чиқариш усули ривожланган Франция ва бошқа Европа давлатларида туғилиш 19 аснинг биринчи ўн йиллигидан бошлаб камая борди. Ушбу давлатларда 20 асга келиб аҳолини табиий ўсиши ниҳоятда камайиб кетди. Аҳоли такрор барпо бўлиши кенгайган турдан, қисқарган турга ўтди. Натижада бу давлатларда аҳолини қариш яъни «Демографик қариш» жараёни содир бўлди. Бу ҳол давлат томонидан махсус демографик сиёсат олиб боришни тақозо этди. 1946 йилда Францияда туғилишни кўтариш орқали аҳоли миқдорий кўпайишига эришиш мақсадида оилаларга биринчи ва иккинчи, айниқса учинчи фарзандларининг туғилишида алоҳида нафақа ажратилди. 1960—1970 йилларда туғилишни кўтариш мақсадидаги демографик сиёсат бошқа ривожланган капиталистик давлатларда ҳам олиб борилди. Лекин ушбу давлатлардаги хусусий мулкчилик формаси туғилишни кўпайтириш учун ҳамма чора — тадбирларни қўллашда баъзи муаммоларни келтириб чиқарар эди. Шу боис Европадаги ривожланган давлатларда туғилиш даражасини кўтариб, оптимал, нормал ҳолга келтириш жуда мушкул бўлмоқда.

Ривожланаётган давлатларда эса, аксинча 1960—1970 йилларда турилишнинг юғори даражада турганлиги ва ўлим ҳолларининг кескин камайганлиги натижасида аҳолининг табиий ўсиши жуда юқори даражада бўлди. Натижада Осиё, Африка ва Жанубий Америкада жойлашган қатор ривожланаётган давлатларда аҳоли сони бирдан кўпайиб кетди. Бу ҳолни демограф муттахассислар «**демографик портлаш**», деб атадилар. Ушбу давлатларда иқтисодий имконияти чекланган ҳолда аҳолисининг бундай тез кўпайиши, туғилишни чеклашга мажбур этди. Натижада ушбу давлатларда давлат томонидан «Оилани режалаштириш» яъни «туғилишни назорат этиш» борасида демографик сиёсат олиб борилди.

Демографик сиёсат ўтказиш услублари. Демографик сиёсат ўтказиш услубларини шартли равишда уч йўналишга ажратиш мумкин.

1. Иқтисодий.

2. Маъмурий — ҳуқуқий.

3. Ижтимоий — психологик (тарбиявий). Иқтисодий услуб асосан туғилиш даражаси пасайиб кетган аҳоли такрор барпо бўлиши, аҳоли кўпайишини таъминлай олмаган ҳолларда қўлланилади. Бу услубда давлат томонидан хомиладор аёлларга (маълум даврда), у фарзанд кўргандан кейин ва фарзанди 2-3 ёшга етгунга қадар махсус нафақалар ажратилади, биринчи, иккинчи, учинчи фарзандларга иқтисодий ёрдам берилади. Кўп болали оилаларга ҳам иқтисодий ёрдамлар бериб борилади.

Ижтимоий ишлаб чиқаришда иштирок этувчи, ёш боласи бор аёлларга иш жойларидан баъзи бир имтиёзлар берилади, уларга ҳам фарзандларини тарбиялаб, ҳам ижтимоий фаолиятларини давом эттириш учун шароит яратилади. Шунингдек, баъзи давлатларда кам таъминланган оилаларга ҳам иқтисодий ёрдам ажратилади.

Туғилишни кўтариш борасида олиб бориладиган иқтисодий услубни яна бири-никоҳга кирган ёш оилаларни турар жой билан таъминлаш борасида давлат томонидан бериладиган имтиёзлар.

Шунингдек, болалар кийимлари, озиқ-овқатларини арзон нархда сотиш, мактабгача тарбия муассасалари фаолиятининг сифатини яхшилаш, болалар ва оналар саломатлигини давлат томонидан муҳофаза этилиши, аҳолига маиший хизмат тизимини ривожланиши ва сифатли хизмат кўрсатиш кабилар ҳам аҳоли такрор барпо бўлишига ижобий таъсир этувчи иқтисодий омиллар ҳисобланади.

Маъмурий — ҳуқуқий услубга аҳоли такрор барпо бўлиши, оилалар ташкил топишига турли қонунлар орқали таъсир кўрсатиш киради. Масалан, аборт (ҳомилани сунъий йўл билан йўқ қилиш) ларни қонун билан ман этилиши, никоҳ ёшларини кўтарилиши, аҳоли миграцион ҳаракатини чеклаш, ёки ривожлантириш, оила бузилганда, эр ва хотин ажралишганда она ва бола ҳуқуқларини қонуний ҳимояси, болани ота - она олдидаги бурчини қонуний белгилаш, ҳомиладор аёлни ишга қабул қилишда, ёки ишдан бўшатишда улар ҳуқуқларини қонуний ҳимояси, нафақа ажратишда болалар сонини ҳисобга олиш каби жараёнлардир.

Ижтимоий — психологик услуб, ёки аҳолини «демографик тарбиялаш». Аҳолини демографик тарбиялашда аввало ёш авлодда оилага, оилада кутилаётган фарзандлар сонига бўлган муносабатини давлат ижтимоий-иқтисодий тараққиётига, аҳоли саломатлигига мос равишда шакллантириш лозим. Бунда оила асосий тарбия ўчоғи ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ота — оналарнинг «демографик саводчилиги» га катта эътибор берилмоғи лозим. Демографик тарбиянинг яна бир муҳим ўчоғи оммавий ахборот орқали демографик майлига таъсир этиш мумкин.

Демографик сиёсат ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг ажралмас қисми бўлмоғи лозим. Шундагина аҳолини ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжларини ақс эттирган ҳолда ривожланиб боради.

Мавзу: Ўзбекистон Республикаси пойтахти Тошкент шаҳрининг ривожланиши, унинг жаҳон сиёсий харитасида тутган ўрни.

Тошкент шаҳри - мустақил Ўзбекистон Республикасининг пойтахти, у 2200 йиллик тарихга эга. Шаҳар айни вақтда Тошкент вилояти ҳамда Тошкент

(пойтахт) иқтисодий районининг ҳам маркази ҳисобланади. Майдони 334,8 кв.км, аҳолиси 1 январ 2010 йил маълумотларига қараганда, 2220,7 минг киши.

Тошкент маъмурий жиҳатдан 11 та шаҳар туманларидан ташкил топган. Тарихий ривожланиш жараёни натижасида унинг майдони тобора кенгайиб бормоқда. Бундай ҳудудий ривожланиш дастлаб шарқий, яъни Чирчиқ йўналишида кўпроқ бўлган бўлса, кейинчалик у жануб томонга ҳам кенгайиб борган.

Шаҳар ҳудудида ташкил этилган маъмурий бирликлардан дастлабкилари ҳозирги Миробод ва Шайхонтохур туманлари бўлиб, улар 1929 йилда ажратилган. Улардан кейин Мирзо Улуғбек (1935 й.) ҳамда Юнусобод ва Яккасарой туманлари (1939 й.) ташкил қилинган. Энг сўнгги туман - Бектемир 1990 йилда ву-жудга келган. У аввалги Наримонов шаҳри асосида, Тошкент шаҳрининг Чирчиқ дарёсининг сўл соҳилига “сакраб” ўтиши на-тижасида ташкил этилган. Шунингдек, Тошкент шаҳар ҳокимия-тига Улуғбек шаҳарчаси ҳам бўйсунди.

Шаҳар майдони туманлар миқёсида турлича тақсимланган; уларнинг энг катталари Сергели 56,0 кв.км майдонни ёки пойтахт умумий ҳудудининг 16,7 фоизини эгаллайди. Шу билан бирга Юнусобод, Олмазор ва Ҳамза туманлари ҳам нисбатан катта ҳисобланади. Айни вақтда Яккасарой ва Миробод туманлари анча кичик майдонларга эга: мос ҳолда, 14,6 ва 17,1 кв км (жадвал).

Шаҳарнинг географик ўрни. Тошкент Ўзбекистон Республи-касининг шимоли-шарқида, Тяньшан (Тангритоғ) тизмасининг ғарбий этакларида, Чирчиқ дарёси бўйида жойлашган. Унинг шарқий томонида тоғ тизмаларининг мавжудлиги, шимол ва шимоли-ғарб томонга очиқлиги шаҳар иқлимининг шакллани-шига катта таъсир кўрсатади. Шаҳарнинг денгиз сатҳидан ўртача баландлиги 440-480 метр бўлиб, бундай топографик ҳолат шимоли-шарқдан жануби-ғарбга томон пасайиб боради. Энг баланд нуқтаси 515 метр - шаҳарнинг Мирзо Улуғбек тумани ҳудудида жойлашган.

Шаҳар иқлими континентал, яъни қуруқ - киши анча совуқ, ёзи эса иссиқ. Ўртача йиллик ҳаво ҳарорати $13,8^{\circ}$, июлники - 27° , январ ўртача ҳарорати минус 1° атрофида. Ёғинсочин миқдори бир йилда ўртача 425 мм атрофида, унинг асосий, яъни $2/3$ қисмига яқини октябр-март ойларида кузатилади. Фасллар бўйича олганда эса ёғинларнинг $2/5$ қисмидан кўпроғи баҳор ойларида, $1/3$ қисмидан ортиқроғи қишга тўғри келади. Уларнинг энг кам миқдори ёзда. Шу боис, ёзнинг ҳавоси жуда иссиқ ва қуруқ бўлади. Тошкент шаҳрининг ўзига хос тарихий-географик асоси ёки негизини Чирчиқ дарёси ва ундан тарқалган қатор қадимги ва нис-батан янги каналлар ташкил қилади. Улар жумласига Бўзсув, Кайковус, Қорақамиш, Салар, Бўрижар, Анҳор, Қорасув ва бошқалар киради. Айнан шу гидрографик шахобчалар шаҳар ички тузилиши, планировкаси, унинг даҳа ва маҳалларини ҳам белгилаб беради.

Тошкент шаҳар туманларининг майдони ва аҳолиси

т/р	Туманлар	Ташкил топган йили	Майдони, кв.км	Аҳолиси, минг киши						Зичлик, 1 кв. км киши (2010 й.)
				1980	1985	1990	1995	2000	2010	
1	Бектемир	1990	20,5	-	-	24,5	29,0	30,5	27,6	1346,3
2	Мирзо Улуғбек	1935	31,9	246,2	273,2	270,0	253,5	249,6	246,5	7727,3
3	Миробод	1929	17,1	139,9	150,8	137,1	126,6	124,7	123,3	7210,5
4	Сергели	1967	56,0	58,7	87,3	138,0	155,9	156,2	149,5	2789,3
5	Олмазор	1970	34,5	202,1	239,3	259,0	263,3	280,7	308,6	8944,9
6	Учтепа	1977	28,2	204,8	221,3	216,4	221,5	226,7	239,3	8485,8
7	Ҳамза	1968	33,7	207,6	230,0	218,8	211,4	211,0	205,5	6097,9
8	Чилонзор	1963	30,0	229,3	240,7	231,0	219,0	218,3	218,1	7270,0
9	Шайхонтохур	1929	27,2	213,6	236,6	219,0	242,3	257,9	288,2	10595,6
10	Юнусобод	1936	41,1	200,9	225,9	288,8	285,5	289,1	298,5	7262,8
11	Яккасарой	1936	14,0	120,0	131,4	116,7	106,4	111,9	115,6	7917,9
	Жами, Тошкент ш.	2 аср эр гача	334,8	1823,1	2036,5	2100,0	2116,1	2164,0	2220,7	6632,9

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Шаҳарнинг иқтисодий ва сиёсий географик ўрни ўзига хос. У республика ва халқаро аҳамиятга эга бўлган қулай транспорт-географик ўринда жойлашган. Айни вақтда, сиёсий географик жиҳатдан пойтахтнинг мамлакат чекка шимоли-шарқий қисмида, Қозоғистон Республикасининг жанубий чегараларига жуда яқинлиги унинг геосиёсий мавқеини белгилаб беради.

Аҳолиси ва меҳнат ресурслари. Тошкент шаҳри аҳолиси сони бўйича МДХ мамлакатларида 4 - (Москва, Санкт-Петербург ва Киев шаҳарларидан кейинги) ўринда туради, Марказий Осиё минтақасида эса у энг йирик шаҳар ҳисобланади.

Бу ерда собиқ Россия империясида ўтказилган дастлабки аҳоли рўйхати – 1897 йил маълумотлари бўйича (у даврда Тошкент Туркистон генерал-губернаторлигининг маркази вазифасини ба-жарган) 156,0 минг аҳоли яшаган. Бу рақам тахминан 28 йилда деярли 2 марта ортган ёки бошқача қилиб айтганда, 1925 йилда 301 минг кишига етган. Кейинги 2 марта аҳоли сонининг ошиши эса нисбатан қисқароқ даврда рўй берган (1940 йилда 600 минг). Бирок аҳоли сонининг навбатдаги 2 баробар кўпайиши учун чорак асрдан кўпроқ вақт талаб этилган; 1966 йилда, яъни тарихий Тошкент зилзиласи арафасида шаҳарда 1209 минг киши яшаган. Бу даврда аҳоли сонининг бирмунча сустроқ ўсиши Иккинчи жаҳон уруши ва унинг оқибатлари туфайли юз берган.

Шаҳар аҳолиси 2 миллионлик “маррага” 1984-1985 йиллар оралиғида эришган, шундан сўнг унинг демографик ўсиш суръати пасайиб борган. Хусусан, 90-йилларда пойтахт аҳолиси барқарор ўсиш кўрсаткичларига эга бўлмаган; аҳоли сони гоҳ камайиб, гоҳ бироз кўпайиб борган. Масалан, 1988 йилда у 2211 минг кишини ташкил қилган бўлса, 1996 йилгача тўлқинсимон ўзгариб бориб 2095 минг кишига тушиб қолган.

Маълумки, айнан шу йилдан бошлаб республикамизда иқтисо-дий ўсиш барқарор ўсиб борган. Шунга мос ҳолда пойтахт демографик салоҳиятида ҳам аввалгидек катта пасайиш-кўтарилишлар кузатилмаган, аммо йиллик ўртача кўпайиш унча катта миқдорни ташкил қилмаган. Жумладан, 2000-2009 йиллар мобайнида Тошкент аҳолиси 78 минг кишига ёки ўртача бир йилда 7,8 минг кишиданга ортиб борган. Агар яқин ўтмишдаги демографик ўсиш жараёни ҳисобга олинса, бу рақам анча пастдир. Ваҳоланки, ўтган асрнинг 70-80 йилларида шаҳар аҳолиси ҳар йили 40-45 минг кишидан кўпайиб борган.

Шаҳар аҳолиси сонининг динамикаси унинг ички маъмурий қисмларида - туманларида бир хил кечмаган. Масалан, 1980-2010 йиллар оралиғида Сергели туманининг аҳолиси 2,5 марта ортган ҳолда (шаҳар бўйича ўсиш бу даврда 121,8%), Миробод, Ҳамза, Чилонзор ва Яккасарой туманлари аҳолиси қисқарган, Мирзо Улуғбек туманида эса у 2010 йилдагидан деярли фарқ қилмайди.

Албатта, 30 йилга яқин бу даврда демографик ўзгаришлар бир тусда рўй бермаган. Чунончи, Ҳамза, Мирзо Улуғбек, Чилонзор, Яккасарой туманларида аҳоли сони 1980-1985 йилларда ўсиш кўрсаткичларини намоён қилган, 90-йиллардан бошлаб у камайиб борган. Таҳлиллар кўрсатишича, 2000 йилдан кейин ҳам айрим бурилишлар кўзга ташланади. Масалан, Бектемир, Мирзо

Улуғбек ва хатто Сергели туманида ҳам аҳоли сони 2000 йилга қараганда бирмунча қисқарган (жадвал).

Ҳозирги кунда ўзининг катта демографик салоҳияти бўйича Олмазор, Юнусобод ва Шайхонтохур туманлари етакчилик қилади. Аҳоли сонининг энг кам миқдори эса Бектемир туманида - 27,6 минг киши. Ўртача ҳар бир туманга 201,9 минг кишидан аҳоли тўғри келади, туманлар орасидаги фарқ 11,2 га тенг.

Аҳоли сонининг шаҳар туманлари доирасида турли-туманлиги унинг зичлик кўрсаткичларида яққол кўзга ташланади. Шаҳар бўйича ҳар бир кв. км майдонида 6633 киши жойлашган бўлиб, энг юқори кўрсаткич Шайхонтохур (10596 киши) ва Олмазор (8945 киши), яъни шаҳарнинг қадимий, эски қисмида қайд этилади. Бу борада Тошкент Африканинг Қоҳира ёки Жазоир, Осиёнинг Шанхай шаҳарларига ўхшаб кетади. Айти пайтда шаҳарнинг нисбатан янги ташкил қилинган туманларида – Сергели ва Бектемирда аҳоли зичлиги ўртачадан анча паст.

Алоҳида қайд этиш жоизки, агар аввал, яъни 80-йилларга қадар Тошкент аҳолиси табиий кўпайиш ва миграция ҳисобидан ортиб борган бўлса (бунда ижобий миграция қолдиғи кўп ҳолларда устун-ликка эга бўлган), сўнги йилларда унинг ўсиши деярли тўлалигича табиий ҳаракат натижасида юз берган. Қизиғи шундаки, кейинги 10 йил оралиғида аҳолининг туғилиш кўрсаткичи барча туманларда ор-тиб борган. 14.2-жадвалда келтирилган маълумотларга кўра, Бектемир туманида 2000 йилда туғилишнинг умумий коэффициенти 15,1 про-миллени ташкил қилган, 2009 йилда эса у 10 промиллега ортган. Сергели туманида ҳам бу кўпайиш сезиларли даражада юқори бўлган -15,0 промилледан 23,2 промиллегача, фақат Яккасарой, Учтепа туман-ларида бу даврда туғилиш кўрсаткичлари камроқ кўпайган.

Айти вақтда алоҳида қайд этиш жоизки, Тошкент шаҳрида ўлим кўрсаткичлари республика минтақалари орасида энг юқори. Бунга қатор омиллар, жумладан, аҳолининг ёш таркиби, урбоэко-логик вазият ва нозогеографик ҳолат ўз таъсирини кўрсатган. 2009 йил якунлари Сергели, Миробод ва Бектемир туманларида ўлим даражасининг юқорилигини кўрсатади. Миробод ва Сергели бу хусусда 2000 йилда ҳам “етакчилик” қилган. Шу билан бирга Шайхонтохур, Яккасарой ва Олмазор туманларида мазкур кўрсаткич шаҳар миқёсида пастроқ. Ўлим даражасининг бундай ҳудудий тафовутлари туманларнинг географик ўрнашган жойи ҳамда аҳолининг ёш-жинс таркиби билан ҳам изоҳланади. Жумладан, Бектемир, Сергели, Миробод туманларининг экологик-географик ўрни унча қулай эмас; улар йирик саноат маркази - Чирчиқ шаҳридан келаётган, нисбатан тоза бўлмаган ҳаво ва сув йўналишида жойлашган.

Аҳоли табиий ҳаракатининг якуний кўрсаткичи, яъни унинг та-биий кўпайиши асосан туғилиш даражасидаги фарқларни такрор-лайди. Бинобарин, у Собир Раҳимов, Шайхонтохур ва Бектемир туманларида юқорироқ, Ҳамза, Яккасарой ва Мирзо Улуғбек туманларида пастроқ даражага эга. Умуман олганда эса аҳолининг табиий кўпайиши 2000 йилга қараганда кескин ўсган (2-жадвал). Мавжуд маълумотларга қараганда, баъзи туманларда аҳолининг табиий кўпайиши 10-18 промиллени ёки 1,0-1,8 фоизни ташкил қилади.

Кўриниб турибдики, бу даража шаҳар аҳолисининг реал кўпа-йишидан анча паст (у сўнгги йилларда ўртача 0,4 фоиз атрофида). Демак, бундай арифметик номувофиқлик аҳоли миграцияси туфайли содир бўлган.

Юқорида қайд қилинганидек, бир вақтлар миграция Тошкент аҳолисининг ўсишида етакчи омил ҳисобланган. Сўнгги йилларга келиб эса у тескари тус олди, яъни келганларга нисбатан кетаётганлар кўп бўлди. Маълумотларга мурожаат қилайлик: Тошкент шаҳрига 1996 йилда 32,7 минг киши келган, 35,0 минг киши кетган; миграция қолдиғи (сальдоси) минус 2,3 минг кишини ташкил қилган. Унгача бўлган даврда миграция қолдиғи қуйидагича бўлган: 1990 йилда минус 30,7 минг; 1991 йилда - 12,6; 1992 йилда - 34,5; 1993 йил - 27,0; 1994 йилда - 46,9 ва 1995 йилда - 20,2 минг киши (барчаси минус). 1997 йилда Тошкент шаҳрига 29,5 минг киши келган, 31,1 минг киши ундан кўчиб кетган; миграция натижаси минус 1,6 минг киши. 1998 йилда бу кўрсаткичлар мос ҳолда, 32,0; 31,1 ва плюс 0,9 минг киши (шу йилда оз бўлсада миграция ижобий сальдога эга бўлган). 1990 - 1997 йиллар мобайнида Ўзбекистон пойтахти миграция оқибатида 175,8 минг кишини “йўқотган”. Бу ораликда энг юқори кўрсаткич 1994 йилда қайд этилган. 2000 йилларда ҳам Тошкент шаҳри учун аҳолининг миграция айланмаси кўп ҳолларда ижобий аҳамият касб этмаган. Масалан, ҳар минг кишига ҳисоблаганда, миграция сальдоси 2000 йилда минус 8,1, 2001 йилда минус 6,4, 2002 йилда - 4,9, 2003 йилда минус 8,0 промиллени ташкил этган. Олдинги йилларда бу кўрсаткич қуйидагича бўлган: 1996 йил минус 1,1; 1997 йил 7,3; 1999 йил 7,1% (барчаси минус). 2004 йилда миграция қолдиғи мутлоқ кўрсаткичларда минус 17,1 минг киши бўлган. 2006 йилда Тошкент шаҳрига келувчилар 24,8 минг, кетганлар 21,1 минг кишини ташкил қилган. Бу йилда ҳам 1998 йилдаги сингари миграция шаҳар учун ижобий натижа берган (3,7 минг киши).

Маълумки, Тошкент шаҳри аҳолиси миграциясининг салбий оқибатлари, асосан, русийзабон ва бошқа ғайри маҳаллий миллат вакиллариининг ўзларининг аввалги юртларига кўчиб кетиши туфайли юзага келган. Масалан, биргина 2004 йилда жами 17,1 минг миграция қолдиғининг 13,4 минг кишини ёки 78,4 фоизини руслар ташкил қилган. Шунингдек, татар, корейс, козок, украин каби миллат вакиллари ҳам кўпроқ кўчиб кетишган.

Тошкент шаҳри аҳолисининг миграцияси умумий тарзда бутун Ўзбекистон Республикаси миграцион вазиятини белгилаб беради. Яна фактик рақамларга мурожаат қилайлик: 1990 йилда респуб-лика бўйича жами миграция қолдиғи 179,5 минг кишини ташкил қилган ҳолда, унинг 30,7 минг кишиси ёки 17,1 фоизи Тошкент шаҳри зиммасига тушган. 1991 йилда республика ва Тошкент шаҳри аҳолисининг миграция қолдиғи, мос равишда, 95,9 ва 12,6; 1992 йилда - 74,4 ва 34,5; 1993 йилда - 54,0 ва 27,0; 1994 йилда - 138,9 ва 46,9; 1995 йилда - 89,0 ва 20,2 минг киши бўлган. 90-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб республика ва пойтахт аҳоли миграциясининг якуний кўрсаткичлари пасайиб борган. Масалан, 1996 йилда юқоридаги кўрсаткичлар 50,3 ва 2,3; 1997 йилда 48,4 ва 1,6 минг кишига баробар бўлган. 1998 йил натижалари, аввал қайд этилганидек, Тошкент шаҳри учун ижобий тус олган.

Тошкент шаҳри аҳолисининг табиий ҳаракати (ҳар 1000 кишига нисбатан)

т/р	Худудлар	2000 йил.			2008 йил.			2009 йил.		
		туғилиш	ўлим	табиий кўпайиш	туғилиш	ўлим	табиий кўпайиш	туғилиш	ўлим	табиий кўпайиш
1	Бектемир	15,1	8,4	6,7	23,9	9,3	14,6	25,4	8,4	17,0
2	Мирзо Улуғбек	12,3	9,8	2,5	16,5	9,0	7,5	16,7	8,0	8,7
3	Миробод	14,7	10,3	4,4	20,1	9,6	10,5	20,0	8,8	11,2
4	Сергели	15,0	9,8	5,2	21,5	10,5	11,0	23,2	9,2	14,0
5	Собир Раҳимов	17,1	6,8	10,3	24,7	6,4	18,3	23,9	5,8	18,1
6	Учтепа	16,3	8,2	8,1	19,1	7,1	12,0	19,9	7,0	12,9
7	Ҳамза	12,2	9,7	2,5	16,2	9,0	7,2	16,4	8,3	8,1
8	Чилонзор	12,8	9,3	3,5	16,4	8,6	7,8	17,8	7,7	10,1
9	Шайхонтохур	18,4	6,1	12,3	22,1	5,3	16,8	22,2	5,0	17,2
10	Юнусобод	13,6	8,3	5,3	18,4	8,4	10,0	18,1	7,3	10,8
11	Яккасарой	11,8	7,9	3,9	12,9	6,0	6,9	13,8	5,7	8,1

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Кейинги йилларда вазият қуйидагича бўлган: 2004 йилда Ўзбекистон бўйича миграция қолдиғи 96,1 минг киши, Тошкентда 17,1; 2006 йилда бу рақамлар 65,2 ва 3,6 минг кишига тенг бўлган.

3-жадвалда Тошкент шаҳри туманлари миқёсида энг сўнгги миграция жараёнлари ўз аксини топган. Кўриниб турибдики, ҳозирги вақтга келиб пойтахтда аҳоли миграцияси бирмунча мўъ-тадиллашган ва унинг натижаси кўпгина туманларда ижобий хусусият касб этган. Ваҳоланки, 1997-2004 йилларда бу кўрсаткич-лар салбий ва анча юқори бўлиб, ялпи табиий кўпайишни ҳам “ютиб” юборган ва баъзи ҳолларда шаҳар аҳолиси сонининг мутлоқ қисқаришига олиб келган.

Аҳолининг табиий ва механик ҳаракати таъсирида унинг миллий таркиби шаклланади. Тошкент кўп миллатли аҳолига эга бўлган шаҳар ҳисобланади. 2008 йил маълумотларига қараганда, ўзбеклар жами шаҳар аҳолисининг 64,0 фоизини, руслар 19,5 %, татарлар 4,4 % ни ташкил қилади. Тошкентнинг эски шаҳар қисмида, яъни Шайхонтохур, Олмазор каби туманларида маҳаллий миллат, яъни ўзбеклар улуши катта бўлса, Чилонзор, Ҳамза, Сергели туманларида бошқа миллат, жумладан, русларнинг ҳиссалари ҳам анчагина. Шу сабабдан ҳам мазкур туманларнинг миграцион фаоллиги юқорирок.

Тошкент шаҳрида 1.01.2010 йилларда 1508,8 минг меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли қайд этилган (жами аҳолининг 67,9%). Иқтисодий фаол аҳоли сони 1193,1 минг, иқтисодиётда банд аҳоли сони 1146,5 минг киши. 2009 йилда меҳнат органларига иш сўраб 46,6 минг киши мурожаат қилган, уларнинг 38,1 минг кишиси иш ўринлари билан таъминланган. Шу йилда жами 74,1 минг янги иш ўринлари ташкил қилинган.

Меҳнат ресурслари иқтисодиётнинг турли тармоқларида, жумладан, саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа ҳамда турли хил ижтимоий соҳаларда банд. Тошкент кўп функцияли ва айни вақтда пойтахт шаҳри бўлганлиги сабабли унда аҳолига хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларида, фан, маданият, таълим, соғлиқни сақлаш кабиларда, шунингдек, бошқарув органларида аҳолининг бандлик кўрсаткичлари анча юқори.

Шаҳар хўжалиги. Маълумки, пойтахт шаҳарлар одатда, ўзига хос (“пойтахтга хос”) вазифаларни бажаради. Уларни пойтахт сифатида танлашда шаҳарнинг мумкин қадар мамлакат (ўртасида) ҳамда асосий туб миллатларнинг тарихий шаклланган ҳудудида жойлашганлиги катта аҳамиятга эга.

Шу билан бирга бундай шаҳарлар, айниқса, ҳозирги вақтда, мамлакатнинг аҳоли сони бўйича энг йирик шаҳри бўлиши асло шарт эмас; уларда саноат ишлаб чиқаришининг юқори даражада ҳудудий мужассамлашуви ҳам шарт эмас.

Шу сабабдан ҳам баъзи давлатларда махсус пойтахт шаҳари мақомида унча катта бўлмаган, деярли “саноатсиз” марказлар тан-ланмоқда (АҚШ, Покистон, Мьянма, Австралия, Қозоғистон ва б).

Тошкент шаҳри пойтахтлик функциясини 1930 йилдан бошлаб бажариб келмоқда. Унга қадар бу мақомда Самарқанд шаҳри бўлган. Тошкентнинг ҳозирги ҳолати - саноати, транспорт ва бошқа инфратузилма шахобчалари, ижтимоий соҳалар, дипломатик функцияси, бошқарув органларининг кўплиги

Тошкент шаҳри аҳолисининг миграцияси

т/р	Туманлар	2008 й.			2009 й.		
		келганлар	кетганлар	Миграция қолдиғи	келганлар	кетганлар	Миграция қолдиғи
1	Бектемир	0,1	0,2	-0,1	0,1	0,1	0,0
2	Мирзо Улуғбек	1,7	1,5	0,2	1,7	1,6	0,1
3	Миробод	0,4	0,5	-0,1	0,5	0,5	0,0
4	Сергели	0,5	0,6	-0,1	0,4	0,5	-0,1
5	Собир Раҳимов	0,6	0,4	0,2	0,3	0,3	0,0
6	Учтепа	1,2	1,2	0,0	0,8	0,5	0,3
7	Ҳамза	0,8	0,8	0,0	0,5	0,7	-0,2
8	Чилонзор	1,6	1,7	-0,1	1,4	1,4	0,0
9	Шайхонтохур	0,1	0,1	0,0	0,1	0,2	-0,1
10	Юнусобод	2,1	1,7	0,4	1,7	1,6	0,1
11	Яккасарой	1,2	1,0	0,2	1,0	1,0	0,0

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

борган сари унинг замонавий пойтахтлик хусусиятидан далолат бермоқда. Тошкент катта шаҳар – мегаполис, у республиканинг асосий иқтисодий, маданий, сиёсий маркази, шаҳар, энг аввало, кўп сонли аҳолининг яшаш, яъни социал муҳити, шу билан бирга у ягона иқтисодий макон, инвестиция, инновация, ўзига хос геоэкологик (урбоэколо-гик), нозогеографик муҳит ҳамдир. Бундай катта салоҳият ва айни вақтда масъулият Тошкент шаҳри ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ривожланишининг устувор йўналишларини белгилаб беради. Хал-қаро миқёсда, жаҳон ҳамжамияти ва геосиёсий тизимида мустақил Ўзбекистон Республикаси кўпинча “Тошкент” номи билан тани-лади ва эътироф этилади.

Тошкент шаҳри мамлакатимиз иқтисодий-ижтимоий ривожла-нишида кўзга кўринарли мавқега эга. Жумладан, 2009 йилда у рес-публиканинг 17,7 фоиз ялпи ҳудудий маҳсулоти, 15,8 фоизи саноат ишлаб чиқаришини таъминлаган. Чакана савдода унинг улуши 27,0 %, пуллик хизматларда 30,0%, экспортда 29,1 % ва импортда 57,8 %. Мамлакат бўйича жами инвестиция ҳажмининг 16,0 фоизи, қури-лиш ишларининг 16,4 фоизи айнан Тошкент шаҳрига тўғри келади.

Табиийки, Тошкентнинг катта район ҳосил қилувчи ва районга хизмат қилувчи функцияси унда халқ истеъмол молларини кўпроқ ишлаб чиқариш (22,0 %) ҳамда барча ижтимоий соҳаларнинг юқорироқ даражада ва кенгроқ миқёсда ривожланишни тақозо этади. Мамлакатимизда у, шубҳасиз, барча янгиликлар, инновация маркази, шаҳар катта инфратузилма ва интеллектуал салоҳиятига ҳам эга. Шу боис республикаимизда барча янгиликлар айнан Тошкентдан диффузион равишда бошқа ҳудудларга тарқалади.

Тошкент шаҳри иқтисодиётининг ички таркиби ҳам унинг пойтахтлик хусусиятини ифодалаб беради. 2009 йил якунлари бўйича саноат шаҳар ялпи ҳудудий маҳсулотининг 13,6 фоизини таъминлаган, қурилишнинг улуши 7,6 %, транспорт ва алоқаники - 16,9%, савдо ва умумий овқатланиш ЯХМнинг 10,4, солиқлар унинг 11,9 фоизини беради.

Маълумки, иқтисодиёт тизимида бозор муносабатларини шакллантиришда кичик бизнеснинг ўрни ва аҳамияти жуда катта. 2009 йилда Тошкент шаҳрида жами 31883 та фаолият кўрсатаётган бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари рўйхатга олинган. Уларнинг таркибида 5280 та кичик корхоналар ва 26603 та микро-фирмалар мавжуд. КБ ва ХТ субъектларининг турли соҳалардаги улуши 2009 йилда қуйидагича: ЯХМ да 46,1%, саноат ишлаб чиқаришида 34,6%, қурилишда 40,3 %, чакана савдода 49,3%, хизмат кўрсатишда 30,2 %. Ушбу секторга иқтисодиётда банд бўл-ганларнинг 57,1 фоизи, мамлакат экспортининг 19,6 ва импорти-нинг 50,8 фоизи тўғри келган. Кичик бизнес субъектлари томонидан таҳлил этилаётган йилда 52,0 минг янги иш ўринлари яратилган.

Албатта, ҳар қандай кенгайтирилган ишлаб чиқаришнинг моддий негизини капитал қўйилмалар – инвестиция ташкил қилади. 2009 йилда шаҳар бўйича инвестицияларнинг жами ҳажми 2008 млрд. сўмга тенг бўлган. Туманлар миқёсида Чилонзор (16,4%), Миробод (15,4%) ва Яккасарой (12,7%) етакчилик

қилишган. Инвестициянинг нисбатан кам улуши эса Бектемир, Учтепа ва Юнусобод туманларига тегишли бўлган.

Капитал қўйилмаларга мос ҳолда қурилиш ишлари ҳам туман-лар доирасида бирмунча фарқ қилади. Масалан, 2009 йилда амалга оширилган қурилиш ишларининг 32,2 фоизи Чилонзорга, 22,2 фоизи Миробод туманига тўғри келади. Демак, фақат шу 2 туман пойтахтда бажарилган қурилишларнинг 55,4 фоизини таъминлаган. Бинобарин, ушбу ҳудудларда яқин йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг юқори кўрсаткичларини кутиш мумкин.

Саноати. Тошкент саноати кўп йиллар давомида шаклланган. Унинг даражаси ва тармоқлар таркибига шаҳарнинг географик ўрни, меҳнат ва инновация салоҳияти, Иккинчи жаҳон уруши йил-ларида фронт чизикларидан эвакуация қилинган саноат корхона-лари, шунингдек, яқин атрофдаги табиий ресурслар (қурилиш мате-риаллари хом ашёси, сув ресурслари ва б.) ўз таъсирини кўрсатган.

Шаҳарда саноат ишлаб чиқариш ҳажми 2009 йилда Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарамасдан 110,2 фоизга (ЯҲМ - 117,6 %) ўсган. Шу йилда шаҳарда жами 6971 та турли йириклик-даги саноат корхоналари фаолият кўрсатган. Уларнинг 127 таси йирик саноат корхоналари ҳисобланади; саноат ишлаб чиқаришида банд бўлганларнинг умумий сони 126,2 минг кишини ёки бу иқтисодиётда банд бўлганларнинг 11,0 фоизи демакдир.

Мазкур йилда ХИМ ни ишлаб чиқариш 111,0 фоизга кўпайган. Уларнинг ярмидан кўпроғини озиқ-овқат маҳсулотлари ташкил қилади; енгил саноат маҳсулотлари эса 6,5 %. Аҳоли жон бошига ўртача 867 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган. Бу кўрсаткич, хусусан, Бектемир, Чилонзор, Учтепа ҳамда Миробод туманларида анча юқори. Нисбатан паст кўрсаткичлар эса Ҳамза, Собир Раҳимов ва Юнусобод туманларида кўзга ташланади.

4-жадвал маълумотларининг таҳлили шуни кўрсатадики, кейинги 10 йилга яқин даврда пойтахт саноати тармоқ таркибида анча ўзгаришлар содир бўлган. Масалан, металлургиянинг улуши ортган, фармацевтика ва қурилиш материаллари саноати ҳам устуворроқ ривожланиб борган. “Бошқа тармоқлар” таркибида, хусусан, ёқилғи саноати тез ривожланган, унинг жами саноат маҳсулотларидаги ҳиссаси 2009 йилда 14,1 фоизга тенг бўлган. Шу билан бирга шаҳар учун анаънавий саноат тармоқларидан бири - енгил саноатнинг мавқеи сезиларли даражада пасайган. Бу бошқа катор давлатларда, шунингдек, ўзимизнинг Марғилон, Қўқон, Наманган шаҳарларида бўлганидек, тўқимачилик, трикотаж, тикувчилик корхоналарининг инқирози туфайли юз берган.

Айни вақтда шаҳар саноати таркибида машинасозлик ва металлни қайта ишлаш ҳамда озиқ-овқат саноати тармоқларида жиддий силжишлар кузатилмайди. Аммо уларнинг маҳсулот турларида маълум ўзгаришлар содир бўлган.

Тошкент шаҳри саноатининг тармоқлар таркиби

Саноат тармоқлари	Жамига нисбатан фоизда		2000-2009 йилларда ўзгариш, +,-
	2000 йил	2009 йил	
Жами саноат тармоқлари	100	100	-
<i>шу жумладан:</i>			
Қора ва рангли металлургия	1,5	4,5	+3,0
Кимё ва нефть кимёси	10,2	6,0	-4,2
Машинасозлик ва метални қайта ишлаш	27,9	26,9	-1,0
Ўрмон целлюлоза - қоғоз саноати	3,9	3,3	-0,6
Қурилиш материаллари саноати	3,7	4,0	+0,3
Енгил саноат	11,4	4,9	-6,5
Озиқ - овқат саноати	24,3	23,3	-1,0
Ун, крупа ва омукта ем саноати	6,8	2,1	-4,7
Полиграфия саноати	6,1	4,4	-1,7
Фармацевтика саноати	1,4	2,2	+0,8
Бошқа саноат тармоқлари	2,8	18,4	16,4

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган

Саноат тармоқлари миқёсида алоҳида корхоналарнинг аҳамия-ти ҳар хил. Чунончи, ёқилғи саноати маҳсулотининг 95,0 фоизини “Лукойл Ўзбекистон оперейтинг компани” МЧЖ беради. Метал-лургия саноатида эса Тошкент труба заводи (63,4 %) ҳамда иккиламчи қора ва рангли металл корхоналарининг ўрни катта. Шаҳар кимё ва нефть кимёси саноатида Тошкент лок-бўёқ ва “Олпласт” қўшма корхонаси, машинасозлик ва металлни қайта иш-лашда Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, “Ўзэлектроаппарат”, “Ўзбеккабель” ва “Дойче кабель” қўшма корхоналари етакчилик қилишади. Шу билан бирга, мазкур тармоқда Агрегат заводи, “Зенит электроника” қўшма корхонаси, Тошкент йўловчи вагонларни таъмирлаш, “Алгоритм” каби корхоналар ҳам ўзлари-нинг салмоқли маҳсулот ҳажмлари билан ажралиб туришади.

Енгил саноатнинг асосий корхоналари “БФ-текстил-Продакшн”, “Байтекстисарет”, “Murovvat-teks” ва бошқалар ҳисобланади. Озиқ-овқат саноати маҳсулотларининг кўпчилик қисмини эса Бектемир спирт заводи, ёғ-мой, вино ва шампан ишлаб чиқарувчи корхоналар таъминлайди. Шунингдек, тармоқ жами маҳсулотнинг 28,0 фоизини берувчи “Хоразм шакар” қўшма корхонаси ва Самарқанд чой фабрикаси ҳам молиявий-иқтисодий жиҳатдан Тошкент шаҳри тасарруфида фаолият кўрсатишади.

Ун-крупа ва комбикорм “Ғалла Алтек” ва “Тошкент дон маҳсулот” акционерлик жамиятларида ишлаб чиқарилади. Фармацевтика саноатида эса “Фарм Гласс” ҳамда “Жўрабек лабораторис” корхоналари муҳим аҳамиятга эга.

Бу икки корхона жами тармоқ маҳсулотининг 40 фоизини беради. Полиграфия саноатида “Шарқ” АЖ ва “Ўзбекистон” нашриётлари олдинда туради.

2009 йилда Тошкент саноат корхоналари томонидан 780 тонна атрофида пўлат, 70 тоннага яқин пўлат қувурлар, 1125 км узун-ликдаги назорат кабели ишлаб чиқарилган. Юқоридагилардан ташқари, шаҳарда бир йилда ўртача 20-35 дона кўтарма кранлар, 1600-1700 дона трактор прицеpleri, 2500-700 та трактор ва 1400- 1450 та трактор сеялкалари, 50 тоннадан зиёд лок-бўёк материал-лари тайёрланади.

Асосий истеъмол товарларидан 71,3 минг тонна омухта ем, 60,3 минг дона кондиционерлар, 21,5 мингта маиший қандиллар, 92 мингга яқин рангли телевизорлар, 1,7 минг дона маиший музлаткичлар ва музхоналар яратилади. Бир йилда 30-33 минг дона трикотаж маҳсулотлари, 10-15 минг жуфт пайпоқ, 15-20 минг тонна тозаланган ўсимлик ёғи, 1,8-1,9 минг тонна гўшт ва 11-14 минг тонна сут маҳсулотлари, 25-27 минг тонна шакар, 18-21 минг тонна оралиғида ун тайёрланади.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, баъзи саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, хусусан, агросаноат мажмуасига тааллуқли маҳсу-лотлар кундалик эҳтиёж ҳамда об-ҳаво, иқлим шароитларига кўра ўзгариб туради (масалан, ўсимлик ёғи, хўжалик совуни, ун, омухта ем, гўшт ва сут маҳсулотлари ва ҳ.к). Баъзи саноат маҳсулотлари ҳажми эса маълум сабаблар туфайли қисқариб бормоқда (ип- газлама, пайпоқ ва б.). Айни вақтда мебел, кондиционер, маиший қандиллар, пойабзал, минерал сув, узум шарбати, пиво, макарон маҳсулотларини ишлаб чиқариш сўнгги йилларда анча тез ўсган.

Келажакда шаҳар экологик муҳитини ифлослантирувчи, кўп меҳнат ва хом ашё талаб қилувчи, аҳоли кундалик эҳтиёжи билан бевосита боғлиқ бўлмаган саноат корхоналари, яъни пойтахт муҳитига мос бўлмаган ишлаб чиқаришлар шаҳар ҳудудидан чиқарилади. Айни чоғда замонавий технологиялар билан жиҳозланган саноат тармоқларининг “юқори” қаватлари, экологик тоза, инновация ва фан-техника ютуқлари билан боғлиқ ҳамда тажриба конструктор аҳамиятга молик саноат корхоналари кўпайиб боради.

Саноат корхоналари шаҳар ҳудуди бўйича нотекис тақсимланган. Бу жойларнинг қайси мақсадда барпо этилганлиги, эколо-гик ва транспорт географик ўрни билан ҳам боғлиқ. Умуман олганда, Тошкент шаҳри саноатида Шайхонтоҳур ва Мирзо Улуғбек туманларининг мавқеи катта (5-жадвал).

Мавжуд маълумотлар таҳлили кўрсатишича, сўнгги йилларда Шайхонтоҳур, Чилонзор ва қисман Учтепа ҳамда Мирзо Улуғбек туманларида саноат ишлаб чиқариши жадалроқ ривожланган. Масалан, Шахонтоҳур туманида 2000 йилда жами шаҳар саноат маҳсулотининг 5,5 фоизи ишлаб чиқарилган бўлса, 2009 йилда бу кўрсаткич 21,2 фоизга етди. Шунингдек, Чилонзор туманининг мавқеи ҳам кескин кўтарилди. Бектемир туманининг улуши эса бу даврда 12,3 фоиздан 4,6 фоизга, Ҳамза туманиники 23,6 фоиздан 12,9 фоизга тушиб қолди ва ҳ.к.

Юқоридаги шаҳар саноатининг ҳудудий таркибидаги ўзгариш-лар туманларнинг қайси саноат тармоқларига ихтисослашувига ҳам таъсир кўрсатади. Сабаби оғир саноатга ихтисослашган (са-молётсозлик,

машинасозлик ва металлни қайта ишлаш, кимё) корхоналарда кооперация алоқалардаги муаммолар ва истеъмол (эҳтиёж) омиллари таъсирида ишлаб чиқариш анча пасайган.

5-жадвал

Тошкент саноат ишлаб чиқаришининг ҳудудий таркиби

т/р	Туманлар	Жамига нисбатан фоизда		Ўзгаришлар, +,-
		2000 йил	2009 йил	
1	Бектемир	12,3	4,6	-7,7
2	Мирзо Улуғбек	10,9	12,8	+1,9
3	Миробод	12,4	9,3	-3,1
4	Олмазор	4,7	5,4	+0,7
5	Сергели	7,5	7,5	0,0
6	Учтепа	2,0	3,1	+1,1
7	Ҳамза	23,6	12,9	-10,7
8	Чилонзор	5,6	14,1	+8,5
9	Шайхонтохур	5,5	21,2	+15,7
10	Юнусобод	6,4	4,8	-1,6
11	Яккасарой	9,1	4,3	-4,8
	Жами шаҳар бўйича	100	100	0,0

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган.

Бундай тармоқларнинг ривожланиши ҳозирги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ҳам бирмунча қийинроқ кечди. Шу билан бирга бу ўзгаришлар кичик бизнес – кичик корхоналар ривожланиши туфайли ҳам юзага келиши мумкин.

Транспорти. Майдони катта, аҳоли сони кўп бўлган шаҳарда транспорт муҳим роль ўйнайди. Тошкентда транспортнинг барча турлари – автобус, троллейбус, трамвай, метрополитен мавжуд. Марказий Осиёдаги ягона Тошкент метроси 1977 йилда ишга туширилган, унинг йўналишлари ва бекатлари тобора кўпайиб бормоқда. Шаҳар кўчаларида қатнаётган автобус ва енгил машиналарнинг кўпчилиги ўзимизнинг республикамизда – Самарқанд ва Асака шаҳарлари корхоналарида ишлаб чиқарилган.

Тошкент республика, Марказий Осиё ва халқаро миқёсда муҳим транспорт тугунидир. Бу ерда халқаро аэропорт, темир ва автомобил йўллари вокзаллари ва шох кўчалар бор; уларда замонавий сервис хизмати ҳам ташкил этилган. Шу билан бирга трамвай ва троллейбус қатновлари борган сари ҳозирги кун талабларига жавоб бермаяпти. Бинобарин, уларнинг аҳамияти охириги йилларда анча пасайган.

Таҳлиллар кўрсатишича, жами йўловчилар ташиш йилдан-йилга кўпайиб бораётган бир пайтда электрон транспорти турларининг ҳиссаси пасайиб бормоқда. Масалан, 2009 йилда метрополитенда ташилган йўловчилар сони 2008 йилга нисбатан 7,3 фоизга, трамвайда 20,0 фоизга, троллейбусда эса 40,7 фоизга қисқарган.

2009 йилда Тошкентда барча транспорт турлари бўйича 85045 минг тонна ҳар хил юклар ташилган. Уларнинг аксариятини автомобил транспорти амалга оширган; хусусий автомобил эгалари томонидан 29,5 фоиз юк ташилган.

Йўловчилар ташиш бир йилда 1343,0 млн. киши; автомобил транспортининг улуши 92,2 % (хусусий автомобиллар орқали унинг 56,5 фоизи бажарилган). Метрополитенда жами йўловчилар ташиш ҳаж-мининг 4,7 %, трамвайда 2,5% ва троллейбусда 0,25 % тўғри келади.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, мустақиллик йилларида шаҳар кўча ва йўллари яхшилашга катта эътибор қаратилмоқда. Ҳар йили магистрал йўллар, кўчалар кенгайтирилиб, қатор кўприк ва бошқа транспорт қатновини қулайлаштирувчи мосламалар қурилмоқда. Бироқ шаҳарда автомобиллар сони ҳам жуда тез кўпайиб бораётганлиги сабабли асосий кўчаларда, айниқса, эрталабки ва кечки соатларда “пробкалар” вужудга келмоқда. Шу сабабдан пой-тахт транспорт инфратузилмасини янада такомиллаштириш, унинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши муаммолари сифатида энг муҳим аҳамият касб этади.

Ижтимоий соҳалар. Шаҳарлар, айниқса, йирик шаҳарлар, энг аввало, аҳоли яшайдиган жой, социал муҳит ҳисобланади. Бу ма-конда кишилар дам олади, даволанади, ўқийди, хуллас яшайди. Шу боис, ижтимоий соҳаларнинг ривожланиши ҳам катта аҳамиятга эга. Бу соҳалар ўз навбатида мураккаб бўлиб, улар таълим, соғ-лиқни сақлаш, маиший хизмат кўрсатиш кабиларни ичига олади.

Шаҳар аҳолиси жон бошига 2009 йилда 845,6 минг сўмлик пуллик хизмат ва 1989,2 минг сўм ҳажмида чакана савдо ишлари тўғри келади. Чакана савдода Бектемир тумани кескин ажралиб туради (15177,6 минг сўм). Пуллик хизматларнинг нисбий кўрсаткичларида Миробод ва Яккасарой туманлари олдинда. Шу билан бирга чакана савдо Олмазор ва Мирзо Улуғбек туманларида анча суст йўлга қўйилган. Пуллик хизматлар эса Юнусобод, Шай-хонтоҳур, Учтепа ва Ҳамза туманларида заифроқ ривожланган. Ушбу соҳаларнинг ҳудудий мужассамлашувида ҳам фарқлар бор. Жумладан, чакана савдо ҳажмининг 18,6 фоизи биргина Чилонзор туманига тўғри келади; Шайхонтоҳурда бу кўрсаткич 12,7 %, Учтепада 10,5, Бектемирда 10,0 %. Мужассамлашувнинг паст даражаси эса Олмазор ва Мирзо Улуғбек туманларида қайд этилади (6-жадвал).

Шаҳарнинг турли жойларида катта-катта бозор ва ярмаркалар ташкил этилган: Қўйлик, Фарход, Паркент, Чорсу, Олой, Юнусобод, Сергели ва бошқалар шулар жумласидандир. Улар нафақат Тошкент халқига, балки республикамизнинг бошқа ҳудудларига ҳам савдо-сотик ишларини бажаради.

Пуллик хизматларда Миробод тумани олдинда 22,5%, шунингдек, Собир Раҳимов (14,7 %), Яккасарой (13,1 %) туманларининг ҳам улушлари катта. Айни вақтда ушбу ижтимоий соҳа корхоналари Бектемир туманида озроқ.

Марказлашган сув таъминоти шаҳар бўйича 99,7 %, табиий газ билан таъминланиш 99,7 %. Ушбу соҳалар бўйича туманлар миқёсида кескин фарқлар кузатилмайди. Ичимлик суви билан таъмин-ланиш Бектемир туманида пастроқ, табиий газ билан таъминланиш эса барча туманларда деярли бир хил даражада.

Шаҳар соғлиқни сақлаш тизимида 110 та тиббий муассасалар бор; ҳар 10 минг кишига тўғри келадиган бемор ўринлари 84,5 та (2000 йилда 80,9). Бу кўрсаткич Миробод, Мирзо Улуғбек ва Олма-зор туманларида ўртача

даражадан 1,6-2,0 марта юқори. Аммо Сергели ва Учтепада у жуда паст: 29,4 ва 47,5 тадан ўринлар. Шаҳар бўйича ҳар 10 минг аҳолига 63,1 та врачлар ва 124,6 та ўрта медицина ходимлари хизмат кўрсатишади. Ҳар 100 минг кишига нисбатан касалланганлар сони 76644 кишини ташкил қилган ҳолда, бу кўрсаткич Яккасарой, Ҳамза ва Бектемир туманларида юқорироқ, Олмазор ва Сергелида пастроқ.

б-жадвал

Тошкент шаҳри иқтисодиётининг ҳудудий таркиби
(2009 йил, жамига нисбатан фоизда)

Шаҳар ва туманлар номи	ХИМ	Капитал қўйилмалар	Пудрат ишлари	Чакана савдо	Пуллик хизмат	Экспорт	Импорт
Тошкент шаҳри бўйича	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
Бектемир	7,3	2,6	4,4	10,0	1,4	0,8	1,3
Мирзо Улуғбек	6,4	10,9	8,6	4,6	9,8	7,6	6,6
Миробод	7,2	15,4	22,2	9,1	22,5	26,4	33,4
Собир Раҳимов	4,5	13,7	3,5	3,2	14,7	1,3	4,3
Сергели	5,0	4,3	3,1	7,6	4,9	1,0	3,1
Учтепа	3,8	2,1	2,1	10,5	6,2	0,7	2,4
Ҳамза	19,4	9,2	5,7	9,6	5,1	2,1	6,4
Чилонзор	29,1	16,4	32,2	18,6	8,2	2,6	17,1
Шайхонтоҳур	8,3	7,3	8,5	12,7	7,4	0,8	7,0
Юнусобод	5,2	5,9	5,1	7,8	6,7	5,7	9,3
Яккасарой	3,8	12,2	4,6	5,3	13,1	42,9	6,9

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган

Шаҳарда марказлашган ва республика аҳамиятидаги касалхо-налар, санатория ва бошқа соғлиқни сақлаш муассасалари мавжуд. Семашко, Чинобод, Турон каби сихатгоҳлар замонавий жиҳозлар билан таъминланган, уларда беморлар ва дам олувчиларга юқори даражада хизмат кўрсатилади.

Тошкентда 2009 йилда жами 517 та доимий мактабгача тарбия муассасалари, 326 та умумтаълим мактаблари бор. Ўртача бир мактабга 988 нафар ўқувчи тўғри келади. Бу рақам республика бошқа минтақаларига қараганда анча юқори. Академик лицейлар 39 та, уларда таълим олаётган талабалар сони 26,7 минг киши; жами 81 та касб-ҳунар коллежларида 125,1 минг талаба ўқийди.

Тошкент йирик фан ва олий таълим маркази ҳисобланади. Бу ерда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва унинг қатор илмий тадқиқот

институтлари жойлашган. Шунингдек, кўплаб ихтисослашган илмий текшириш ва лойиҳалаш институтлари ҳам фаолият кўрсатади.

Республикамиз пойтахтида 30 та олий ўқув юртлари бор. Улар жум-ласига Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент техника, иқтисодиёт, ислом, жаҳон иқтисодиёти ва диплома-тия, жаҳон тиллари, аграр университетлари, тиббиёт академияси ва бошқалар киради. Булардан ташқари, Тошкентда Буюк Британия, Италия, Россия, Сингапур олий ўқув юртларининг бўлинмалари бор.

Шаҳарнинг ижтимоий ривожланишида маданият, спортнинг ҳам роли катта. Бу ерда кўплаб музей, театр, истироҳат боғлари ташкил этилган. Айни вақтда Тошкентда туристик индустрия ҳам ривожланиб бормоқда. Шаҳарда сайёҳлик учун 37 та замонавий меҳмонхоналар мавжуд, улар 2009 йилда жами 255,0 минг туристларга хизмат кўрсатишган.

Шунингдек, Тошкент аҳолисини ижтимоий муҳофаза қилиш, шаҳар экологиясини яхшилашга ҳам катта аҳамият берилади. Бу эса, ўз навбатида, пойтахтимизнинг ижтимоий (социал) функция-сини янада кучайтиради.

Ташқи иқтисодий алоқалар. Тошкент шаҳри Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқаларида фаол қатнашади. Унинг ҳиссасига республика экспортининг 29,1 фоизи, импортининг эса 57,8 фоизи тўғри келади.

Мутлоқ рақамларда шаҳарнинг ташқи савдо айланмаси 2009 йилда 8886962,7 млн. АҚШ доллар, шу жумладан, экспорт 3428562,9, импорт 5458399,8 млн. доллар. Олдинги йилга нисбатан ўсиш ташқи савдо айланмасида 107,3 %, экспортда 110,0 %, импортда 105,6 % бўлган.

Экспорт таркибида энергия ресурслари 57,3 %, хизматлар – 26,0 %, озиқ-овқат маҳсулотлари 9,4 фоизни ташкил қилади. Импортда эса юқори кўрсаткичлар машина ва ускуналар (32,0 %), қора ва рангли металлларга (30,3 %) тўғри келади. Озиқ-овқат ҳамда кимё саноати маҳсулотларининг улуши деярли тенг – 11,8 %.

Тошкент шаҳри ташқи иқтисодий алоқаларининг кўпроқ қисми МДҲ мамлакатлари билан амалга оширилади. Уларнинг ҳиссаси экспортда 72,7 %, импортда 41,9 %, жами ташқи савдо айланма-сида 53,8 %. Ушбу давлатлар билан экспортида энергия ресурс-лари, хизматлар ва озиқ-овқат маҳсулотлари, импортда қора ва рангли металллар, машина ва ускуналар ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари асосий қисмини ташкил қилади. “Узоқ хориж” мамлакат-ларига товарларни экспорт қилишда ҳам худди шундай вазият кузатилади.

Пойтахтда хорижий инвестициялар ёрдамида ташкил этилган ва фаолият кўрсатаётган корхоналар 3052 та. Улар шаҳар экспортининг 18,3 фоизини таъминлайди. Шаҳар ташқи иқтисодий алоқаларининг худудий таркибида энг юқори ўринни Яккасарой тумани эгаллайди – 42,9 %. Миробод туманининг улуши 22,5 %. Фақат шу икки туманлар шаҳар ташқи савдосининг деярли 2/3 қисмини таъминлайди. Қолган худудлар орасида Мирзо Улуғбек ва Юнусобод туманлари бироз ажралиб туради.

Импортнинг 1/3 қисми Миробод, 17,1 фоизи Чилонзор, 9,3 фоизи Юнусобод туманига тўғри келади. Экспортда энг паст кўрсаткичлар Бектемир, Учтепа ва Шайхонтохур, импортда эса бундай султ мавқе Бектемир ва Сергели туманларида қайд этилади (6-жадвал).

Тошкент шаҳрининг ички тузилиши. Шаҳарнинг микро-географик ва транспорт географик ўрни, ер-сув билан таъминлан-ганлиги туманлар ижтимоий-иқтисодий салоҳиятига ўз таъсирини кўрсатган. Умумий тарзда шаҳар ҳудудини тарихий географик жиҳатдан икки катта қисмга ажратиш мумкин: эски шаҳар ва янги шаҳар. Шартли чегара сифатида Анҳор канали хизмат қилади. Шаҳарнинг эски қисмида ҳозирги Шайхонтохур, Олмазор ва Учтепа туманлари жойлашган. Унинг “янги” қисми асосан Чирчиқ йўналиши ва жанубий ҳудудларни эгаллайди. Шарқий йўналиш қадимдан Тошкентнинг асосий дам олиш (рекреация) ва дала ҳовли (дача) зонаси ҳисобланади.

Шаҳарнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги ички та-фовутлар туманлар даражасида янада яққолроқ кўзга ташланади.

7-жадвал

Тошкент шаҳри ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий индикаторлари (2009 йил, аҳоли жон бошига)

Шаҳар ва туманлар номи	Саноат	ХИМ	Капитал қўйилмалар	Пудрат ишлари	Чакана савдо	Пуллик хизмат
Жами шаҳар	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000
Бектемир	3,723	5,602	2,108	3,504	7,630	1,103
Мирзо Улуғбек	1,156	0,581	0,982	0,778	0,411	0,886
Миробод	1,670	1,294	2,764	3,998	1,632	4,020
Собир Раҳимов	0,389	0,325	0,987	0,256	0,234	1,061
Сергели	1,115	0,745	0,647	0,460	1,130	0,732
Учтепа	0,288	2,099	0,201	0,195	0,978	0,557
Ҳамза	1,394	0,357	0,990	0,617	1,041	0,553
Чилонзор	1,433	2,960	1,666	3,279	1,899	0,840
Шайхонтохур	1,632	0,640	0,559	0,657	0,981	0,568
Юнусобод	0,356	0,378	0,441	0,376	0,582	0,503
Яккасарой	0,830	0,723	2,340	0,876	0,995	2,515

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган.

7-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, саноат ишлаб чиқариши бўйича Бектемир, Миробод ҳамда Шайхонтохур туманларининг кўрсаткичлари юқори, Учтепа ва Юнусободда эса мазкур соҳа анча пастлигини кўриш мумкин. Халқ истеъмол моллари бўйича эса асосан Бектемир, Чилонзор, Учтепа туманларининг мавқеи катта. Асосий ижтимоий соҳалар, чакана савдо ва аҳолига пуллик хизмат кўрсатишда Бектемир ва Миробод туманлари етакчилик қилса, Юнусобод ҳамда Мирзо Улуғбек туманларининг даражаси анча паст.

Тошкентдек улкан мегаполисининг ўз атрофи билан яқиндан алоқада ривожланиши табиий ҳол. Чунки шаҳар аҳолисини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, дам олиш, дала ҳовли ҳудудлари билан таъминлайдиган яқин атрофлари бўлиши шарт. Бундай вазифани Тошкент ва Қибрай туманлари бажаради. Қолаверса, уларда Тошкент шаҳрига хизмат қилувчи омборхоналар, бозорлар, подстанциялар, дам олиш зоналари, шунингдек, қадамжо ва кабристонлар ҳам жойлашган.

Пойтахтнинг шаҳар атрофи қишлоқ хўжалик ва рекреация зонасидан ташқари, унинг таъсири янада каттароқ ҳудудларни қамраб олади. Бундай минтақада Тошкент агломерацияси шаклланган. Шу нуқтаи назардан, Тошкентни унинг яқин атрофи, агломера-цияси, вилояти ва бутун Ўзбекистон Республикаси доирасисиз тасаввур қилиш қийин.

Ҳозирги кунда Тошкент Ўзбекистон аҳолисининг 8,0 фоизга яқин аҳолисини ўзида мужассамлаштиради. Бу кўрсаткич унча катта эмас ва умуман олганда, меъёрида. Шаҳарнинг ҳаддан ташқари кенгайиши ҳам қатор муаммоларни келтириб чиқаради.

Бинобарин, Тошкентнинг келажак истиқболи унинг амалдаги функцияси, авваламбор мустақил Ўзбекистон Республикасининг сиёсий пойтахти вазифасини бажариши, иқтисодий географик ўрни ва ички имкониятларига боғлиқ. Пойтахт - бу демак, ҳам ўз аҳолисига, ҳам республикага хизмат қилиши, уни бошқариши, ўз давлатини жаҳон ҳамжамияти ва геосиёсий тизимида муносиб кўрсата олиши керак. Шу маънода у республикамизнинг бу борадаги “ишончли вакили” ҳисобланади. Бундай масъулиятли ва “кўп қаватли” вазифани бажариши унинг ижтимоий-иқтисодий, маданий ва сиёсий ривожланишининг устувор йўналишларини, бундай юксак мавқе ва масъулиятини белгилаб беради.

Тест топшириқлари
1-вариант

1. Сиёсат бу –

- А. Ишлаб чиқаришни кенгайтириш;
- В. Аҳолини ҳар томонлама муҳофаза қилиш;
- С. Маълум бир объектга, фаолиятга қаратилган йўл-йўриқлар, кўрсатмалар, тадбирлар.

2. Сиёсат энг аввало бўлинади.

- А. Ҳалқаро
- В. Ички ва ташқи
- С. Иқтисодий ва соҳавий

3. Геосиёсат бу –

- А. Мамлакатнинг ички сиёсати
- В. Ички ва ташқи сиёсат оралиғидаги сиёсат
- С. Ташқи сиёсатнинг бир кўриниши

4. Геосиёсат терминини фанга биринчи бўлиб ким киритган?

- А. Р. Челлен
- В. Ф. Ратцел
- С. Хаусхофер

5. Соҳавий сиёсат бу -----

- А. Иқтисодий ва ижтимоий, фан-техника сиёсати
- В. Демографик, иқтисодий ва ижтимоий сиёсат
- С. А ва В

6. Иқтисодий сиёсат – бу

- А. Саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт сиёсати
- В. Аҳоли, демографик, саноат;
- С. Қишлоқ хўжалиги, Саноат, миграция, меҳнат ресурслари

7. Минтақавий сиёсатнинг зарурияти нимада?

- А. Ҳудудлар ривожланишини тенглаштириш
- В. Шаҳар ва қишлоқ жойларни ривожланишини жадаллаштириш
- С. Ҳудудларни бир хилда ривожлантириб бўлмаслигидан келиб чиқади

8. Минтақавий сиёсатни объекти нима?

- А. Қишлоқ жойлар.
- В. Шаҳар ва қишлоқ жойлар
- С. Барчаси тўғри.

9. Минтақашуносликнинг предмети нима?

- А. Минтақаларнинг кўшни мамлакатлар билан алоқалари

- В.** Минтақаларнинг алоҳида қисмлари
- С.** Минтақаларнинг иқтисодиёти, тарихи, тили, дини, аҳолиси, урф-одат ва ҳ.к.

10. Иқтисодий географияда фикрлаш ---, минтақавий иқтисодиётда ----- .

- А.** Пастдан юқорига, юқоридан пастга
- В.** Юқоридан пастга, пастдан юқорига
- С.** Иккаласида ҳам пастга

11. Минтақавий фанлар уюшмаси асосчиси ким?

- А.** 20-аср ўрталарида Ратцел
- В.** 20-асрнинг иккинчи ярми Челлен
- С.** 20 аср Изард

12. Ўзбекистон Республикасининг биринчи даражали маъмурий бирликларини белгиланг.

- А.** Шаҳар, шаҳарча, туманлар
- В.** Вилоят, шаҳар
- С.** Вилоятлар ва республика

13. Ривожланган мамлакатларда қайси омиллар етакчилик қилади?

- А.** Интенсив
- В.** Экстенсив
- С.** Самарали ва экстенсив

14. Ижтимоий сиёсат ўз ичига -----

- А.** Транспорт, таълим, соғлиқни сақлаш, қайта ишлаш
- В.** Таълим-тарбия, саломатлик, кадрлар тайёрлаш, тил
- С.** Аҳолининг такрор барпо бўлиши, миграция, қишлоқ хўжалиги кабиларни олади.

15. Худудий сиёсат – бу

- А.** Минтақавий сиёсат билан бир хил маънога эга
- В.** Мамлакатнинг ички сиёсати
- С.** Мамлакатнинг ташқи сиёсатини билдиради.

2-вариант

- 1. Таълим тизимида олиб борилаётган сиёсат қайси сиёсат турига киради?**
 - А. Иқтисодий ва ижтимоий
 - В. Социал
 - С. Ижтимоий, социал, иқтисодий

- 2. Геосиёсатнинг фан сифатидаги эволюцияси -----**
 - А. География-геосиёсат-сиёсий география
 - В. Сиёсий география-Геосиёсат
 - С. География-сиёсий география-геосиёсат

- 3. Дунё мамлакатларида минтақавий сиёсатнинг асосан қандай усулларидадан фойдаланилади?**
 - А. Индукция ва дедукция
 - В. Адолатли ва самарали
 - С. Интенсив ва экстенсив

- 4. Маъмурий-худудий бўлинишни аҳамияти нимада?**
 - А. Худудни маъмурий жиҳатдан бирликларга бўлиш, шу худудни бошқаришни осонлаштиради
 - В. Иқтисодий ва ижтимоий соҳаларни ривожлантириш
 - С. Инфратузилмани яхшилаш.

- 5. Ривожланаётган мамлакатларда минтақавий сиёсатнинг қайси йўналишлари устунлик қилади?**
 - А. Пойтахт шаҳарларни ривожлантириш ёки йириклашувини олдини олиш, миллий иқтисодиётини худудий таркибини аниқлаш
 - В. Геоэкологик муаммоларни ҳал этиш
 - С. А ва В

- 6. Аҳоли сиёсати ва демографик сиёсатнинг фарқи нимада?**
 - А. Демографик сиёсат кенгрок, аҳоли сиёсати торрок
 - В. Аҳоли кенгрок, демографик сиёсат кенгрок
 - С. Ҳар иккаласи деярли бир хил вазифани бажаради.

- 7. Интеграл районлаштириш нима?**
 - А. Ёппасига бутун мамлакат районларга бўлинади.
 - В. Фақат объект мавжуд жойлар районга ажратилади.
 - С. Мамлакат хўжалигига боғлиқ ҳолда маълум бир худуд районлаштирилади.

- 8. Маъмурий иқтисодий районларни белгиланг**
 - А. Қуйи Амударё, Зарафшон, Тошкент, Фарғона
 - В. Хоразм, Тошкент, Фарғона, Самарқанд
 - С. Наманган, Тошкент, Фарғона, Қашқадарё

- 9. Франция минтақавий сиёсатида қайси жиҳати билан ажралиб туради?**

- А. Қишлоқ жойлар ривожланишини жадаллаштириш
- В. Пойтахт шаҳарлар ривожланишини тартибга солиш
- С. Ишлаб чиқариш кучларини тўғри жойлаштириш

10. Ўзбекистон Республикасининг биринчи даражали маъмурий бирликларини белгиланг.

- А. Шаҳар, шаҳарча, туманлар
- В. Вилоят, шаҳар
- С. Вилоятлар ва республика

11. Геосиёсат терминини фанга биринчи бўлиб ким киритган?

- А. Р. Челлен
- В. Ф. Ратцел
- С. Хаусхофер

12. Иқтисодий сиёсат – бу

- А. Саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт сиёсати
- В. Аҳоли, демографик, саноат;
- С. Қишлоқ хўжалиги, саноат, миграция, меҳнат ресурслари

13. Ижтимоий сиёсат ўз ичига -----

- А. Транспорт, таълим, соғлиқни сақлаш, қайта ишлаш
- В. Таълим-тарбия, саломатлик, кадрлар тайёрлаш, тил
- С. Аҳолининг такрор барпо бўлиши, миграция, қишлоқ хўжалиги кабиларни олади.

14. Ижтимоий сиёсат юритишнинг асосий сабаблари нимада?

- А. Аҳоли турмуш даражасини ошириш, ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантириш
- В. Аҳолини ҳар томонлама қўллаб қувватлаш, уларни турмуш даражасини ошириб бориш.
- С. Аҳоли эҳтиёжи учун зарур маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кучайтириш.

15. Иқтисодий география ва минтақавий иқтисодиётнинг қайси жиҳати бир-бирига мос келади?

- А. Ўрганиш объектининг бирлиги
- В. Объект бошқа, предмети эса бир хил
- С. Бир-бирига мос тушмайди, алоҳида ўрганиш объекти мавжуд.

“Ўзбекистон Республикаси минтақавий сиёсати”

фанидан назорат саволлари.

1. Минтақага таъриф беринг.
2. Минтақа, вилоят, иқтисодий район тушунчалари.
3. Сиёсат тушунчаси.
4. Минтақавий сиёсат фанининг объекти, предмети, мақсади ва вазифалари.
5. Сиёсатнинг турлари. Ички, ташқи, соҳавий сиёсатларни мисоллар билан тушунтириб беринг.
6. Минтақавий сиёсатнинг келиб чиқиш шарт шароитлари.
7. Ҳудудий сиёсат тушунчаси.
8. Геосиёсат тушунчаси. Унинг минтақавий сиёсат билан алоқадорлиги.
9. Геосиёсатнинг айнан Европа давлатларида шаклланишининг шарт шароитлари.
10. Географик сиёсатнинг тарихи.
11. Геосиёсат ва сиёсий география.
12. Минтақавий сиёсат ва иқтисодий география.
13. Минтақавий сиёсат ва минтақавий иқтисодиёт.
14. Ўтиш даврининг ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришга таъсири.
15. Иқтисодий районлаштириш ва минтақавий сиёсат.
16. Иқтисодий районлаштиришнинг асосий тамойиллари.
17. Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий районларнинг аҳамияти.
18. Ўзбекистон Республикасида иқтисодий районлаштириш масалалари.
19. Ривожланган мамлакатларнинг минтақавий сиёсатининг ўзига хос томонлари.
20. Ривожланган мамлакатлардан танлаб олиб, уларнинг минтақавий сиёсатини тушунтиринг (Франция, Германия, Италия, Япония ва ҳ.к).
21. Ривожланаётган мамлакатлар минтақавий сиёсати.
22. Собиқ иттифоқда олиб борилган минтақавий сиёсатни тушунтиринг.
23. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга оширилган минтақавий сиёсат.
24. Минтақавий сиёсатнинг ютуқ ва камчиликлари.
25. Ўзбекистонда минтақавий сиёсат тарихи.
26. Мамлакатимизга қаратилган бир томонлама сиёсат.
27. Ўзбекистон Республикаси хўжалигининг ҳудудий таркиби.
28. Россия минтақавий сиёсати
29. Минтақавий сиёсатни амалга оширишда чет эл тажрибаси.
30. Ўзбекистон Республикаси маъмурий-ҳудудий бўлиниши.
31. Маъмурий ҳудудий бирликларга ажратишнинг ўзига хос ўрни.
32. Мамлакат минтақавий сиёсатини амалга оширишда ҳудудлар имкониятини ўрганиш.
33. Алоҳида минтақаларни танлаб олиб уларни имкониятларини баҳолаш.
34. Ҳудудлар ривожланишининг географик коэффициентлари.
35. Минтақавий сиёсат ва экология.
36. Минтақаларда табиий ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш.

37. Табиий ресурсларга иқтисодий географик баҳо бериш.
38. Биронта минтақага қаратилган сиёсатни тушунтириб бериш.
39. Демографик сиёсат.
40. Минтақаларда урбанизация. Шаҳарлар ривожланиш масалалари.
41. Ижтимоий сиёсат моҳияти ва асосий йўналишлари.
42. Инвестиция сиёсати.
43. Пул тизими ва пул-кредит сиёсати
44. Ўзбекистон Республикаси пойтахти Тошкент шаҳрининг ривожланиши.
45. Ҳалқаро иқтисодий муносабатлар ва минтақавий иқтисодиёт муаммолари.
46. Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти.
47. Илмий техника ва инновация ресурслари.
48. Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши.
49. Меҳнат бозори ва бандлик муаммолари.
50. Аҳоли турмуш даражасининг асосий кўрсаткичлари.

**“Ўзбекистон Республикаси минтақавий сиёсати” фанидан мустақил
ишлар мавзуси**

т.р	Мавзуси
1.	Ўзбекистон Республикаси минтақавий сиёсат фанининг объекти, предмети, мақсад ва вазифалари.
2.	Минтақавий сиёсат ва геосиёсат
3.	Иқтисодий районлаштириш ва минтақавий сиёсат
4.	Ривожланган мамлакатлар минтақавий сиёсати
5.	Собиқ Иттифоқ минтақавий сиёсати
6.	Россия минтақавий сиёсати
7.	Ўзбекистон Республикаси хўжалигининг ҳудудий таркиби
8.	Ўзбекистон Республикаси маъмурий-ҳудудий бўлиниши
9.	Мамлакат минтақавий сиёсатини белгилашда ҳудудлар имкониятини ҳисобга олиш
10.	Минтақавий сиёсат ва экология
11.	Минтақаларда табиий ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш ва атроф муҳит муҳофазаси
12.	Демографик сиёсат
13.	Минтақаларда урбанизация, шаҳарлар ривожланиш масалалари
14.	Ижтимоий сиёсатнинг моҳияти ва асосий йўналишлари
15.	Инвестиция сиёсати
16.	Пул тизими ва пул-кредит сиёсати
17.	Ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг географик коэффициентлари
18.	Ўзбекистон Республикаси пойтахти Тошкент шаҳрининг ривожланиши, унинг жаҳон сиёсий харитасида тутган ўрни
19.	Ҳар бир минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши таҳлили (Андижон, Хоразм, Тошкент ва ҳ.к)
20.	Ўзбекистонда таълим сиёсати
21.	Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш масалалари
22.	Фермерчилик ҳаракати ва унинг ривожланиши
23.	Ўзбекистонда агросаноат мажмуи ва унинг истиқболлари
24.	Ўзбекистон саноати ва унинг ривожланишида минтақаларнинг ўрни
25.	Истеъмол таварлар бозорининг шаклланиши ва ривожланиши
26.	Ўзбекистон чегара бўйи ҳудудларининг ривожланиш масалари
27.	Урбанизация сиёсати
28.	Алоҳида олинган саноат тармоқлари сиёсати
29.	Минтақавий сиёсатда чет эл тажрибаси
30.	Ўзбекистонда меҳнат бозорининг шаклланиши ва ривожланиши
31.	Тошкент вилояти ер-сув ресурслари ва улардан фойдаланиш

	масалалари
32.	Сурхондарё вилояти ижтимоий-иқтисодий ривожланиши таҳлили
33.	Кичик ҳудудлар ва уларни иқтисодий географик ўрганиш масалалари (Бирорта туман мисолида)
34.	Ўзбекистонда қурилиш саноатининг минтақавий хусусиятлари
35.	Ўзбекистонда озиқ-овқат саноати
36.	Ўзбекистонда саноат тармоқлари сиёсати
37.	Йирик саноат марказлари ривожланиш масалалари (Ангрен, Оҳангарон, Олмалик мисолида)
38.	Транспорт сиёсати
39.	Экологик мураккаб ҳудудларда ижтимоий соҳалар ривожланиши (Сариосиё мисолида)
40.	Ўзбекистонда банк сиёсати
41.	Ўзбекистонда фермерчилик ҳаракати ва унинг истиқболлари

Глассарий

Сиёсат - субъектнинг у ёки бу масалага (объектга) нисбатан тутган йўл-йўриқларини, кўрсатма ва тадбирлари мажмуасидир.

Давлатнинг ташқи сиёсати - бу унинг жаҳон ҳамжамиятидаги бошқа суверен давлатлар билан муносабати, жаҳон сиёсий харитаси ва геотузилмасидаги ўрнидир.

Ташқи сиёсат турли йўналишлардан иборат - у, авваламбор, бошқа давлатлар билан тинч-тотув яшаш, иқтисодий, маданий, фан-техника, глобал экологик муаммоларни ҳал қилишдаги халқаро алоқаларни ўз ичига олади.

Ташқи сиёсатнинг бир кўриниши - географик сиёсат, яъни геосиёсатдир. Бу сиёсатнинг мазмунини ҳам икки хил талқин қилиш мумкин: аввалги реакцион маънода ва ҳозирги тўғри мазмунда. Биринчиси, кўпроқ ғарб мамлакатларида алоҳида оқим сифатида, асосан немис, инглиз ва швед олимлари (Фридрих Ратцел, Рудольф Челлен, Карл Хаусхафер, Альфред Мэхэн, Хэлфорд Маккиндер ва б.) томонидан яратилган бўлиб, у ўта реакцион, ўзга давлатлар ва миллатларни камситиш, уларнинг ҳудудларига таҳдид-тажовуз қилиш, босиб олишни англатади.

Геосиёсатнинг ҳозирги замон, тўғри маъноси - у ёки бу давлатнинг жаҳоннинг бошқа мамлакатлари, энг аввало қўшни давлатлар билан тинч-тотув яшаш, улар билан турли соҳаларда ҳамкорлик қилишни билдиради. Шунингдек, бу ерда мамлакатнинг жаҳон океанига ва бозорига арзон, қулай, бегараз ва бехатар йўллар орқали чиқиши ҳам назарда тутилади..

Мамлакатнинг географик мазмундаги ички сиёсатини - минтақавий сиёсат шаклида қабул қилган маъқулроқ. Гарчи «гео»-ер, ҳудуд, минтақа атамасига тўғри келсада, унинг айнан шу кўриниши тўғрироқдир.

Минтақавий иқтисодиёт - ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш, алоҳида олинган ҳудудлар ёки ҳудуд (регион, район) ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг омил ва қонуниятларини ўрганувчи фандир.

Иқтисодий география - кенгроқ ва бинобарин, умумийроқ, фундаментал фан, минтақавий иқтисодиёт эса торроқ ва шунинг учун аниқроқ, амалий фандир.

«**Минтақа**» - тушунчаси табиий географияда қўлланиладиган минтақа (зона) дан фарқ қилади ва айнан унинг таржимаси эмас. Маълумки, табиий географиядаги, масалан, иқлим минтақалари Ер юзида кенглик бўйлаб чўзилиб, тасмасимон бирин-кетин, тартибли жой олган. Иқтисодий географияда эса бу тушунча кўпроқ «худуд» маъносини англатади ва унинг шакли, ташқи қиёфаси (конфигурацияси) турлича бўлади.

Иқтисодий сиёсат - ўз навбатида саноат, кишлок хўжалиги, транспорт сиёсатларига бўлинади

Ижтимоий сиёсат - аҳоли, унинг такрор барпо бўлиши ва миграция, демократик, турли ёшдаги кишиларга, оилага бўлган давлатнинг расмий равишда амалга ошираётган тадбирлардан ташкил топади. Шунингдек, ижтимоий сиёсат таълим-тарбия, тил, саломатлик, экологик муммолар, кадрларни тайёрлаш масалаларини ҳам ўз қамровига олади.

Ички сиёсат - бу мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини ташкил этиш ва бошқаришдан иборатдир. У ўз навбатида соҳавий ва худудий бўлади. Сабаби-ҳар қандай воқеа ёки ҳодиса албатта қаердадари, маълум бир маконда содир бўлади. Ш у маънода у ёки муаммони муайян худуд, географик мухитдан ажралган ҳолда муаллаф қараш нотўғридир.

Соҳавий сиёсатлар - иқтисодий, ижтимоий, фан-техника йўналишлари киритилади. Ўз навбатида уларнинг ҳам пастроқ ва аниқроқ даражадаги сиёсатларга бўлинади.

Худудий сиёсатлар - ўз моҳиятига кўра мураккаброқ, юқоридаги барча масалаларни қамраб олувчи сиёсатдир.

Минтақавий сиёсатнинг объекти - давлатнинг айрим худудлар-вилоят ва туманлар, шаҳарларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш масалалари ёки турли табиий географик минтақаларнинг (чўл, тоғ ва тоғ олди районлар, дарё

ҳавзалари, Орол бўйи минтақаси ва ҳ.к.) муаммоларни ечиш минтақавий сиёсат доирасида бошқарилади.

“Район” - француз тилидан олинган бўлсада (инглиз тилида у регион деб ҳам юритилади), у ҳозирги кунда халқаро, дунёқараш ёндошувга ҳам мос келади.

Иқтисодий районлар - минтақавий сиёсатни амалга оширишнинг объекти, назарий асоси ҳисобланади.

Минтақавий сиёсатнинг зарурияти - бир вақтнинг ўзида барча ҳудудлар иқтисодиётини бир даражада ривожлантириб бўлмаслигидан келиб чиқади.

Асосий адабиётлар

1. Гладкий Ю. Н., Чистобоев А. И. Основы региональной политики. - Спб., 1998.
2. Шарыгин М. Д. Основы региональной политики. Пермь, 2000.
3. Солиев А. С. Ўзбекистон Республикасининг минтақавий сиёсати. - Т., 2000.

Кўшимча адабиётлар.

1. Солиев А. С. Ўзбекистон Республикасининг минтақавий сиёсати Истикбол, 1993, 1-2 сон.
2. Лаорина Н. И., Кисельникова А. А. Региональная политика в странах рыночной экономике. - М., 1998.
3. Солиев А., Маҳмадалиев Р. Иқтисодий география асослари. - Т., 1995.
4. Солиев А., Қаршибоева Л. Иқтисодий географиянинг назарий ва амалий масалалари. - Т., 1999.
5. Солиев А., Аҳмедов Э., Маҳмадалиев Р ва б. Минтақавий иқтисодиёт. - Т.: “Университет”, 2003.